

TAFAKKUR

ТАФАККУР 3/2025

Нашр кўрсаткичи: 869/870  
Баҳоси келишилган нархда

TAFAKKUR

TAFAKKUR 2025



ИЖТИМОИЙ-ФАЛСАФИЙ,  
МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ  
ЖУРНАЛ

ТАФАККУР 3/2025



ISSN 2010-6491



9 772010 649005

# Hofiz Sheroziy



700



Ўқинг, кам бўлмайсиң!

## *Hofiz abadiyati*

☀ Алар лисон ул-гайб ва таржумон ул-асрордурлар... Хожалар қ. а. силсиласидин азизе дебдурки, ҳеч девон Ҳофиз девонидин яхшироқ эмас, агар киши сўфий бўлса. Бу фақирга андоқ маълум бўлубдур ва машхур мундоқдурки, Ҳазрат Мир Қосим қ. с. аларнинг девонини “Қуръони форсий” дер эрмишларки, Каломуллоҳ оёти маонисидин мамлу ва асрору нукотидин машхурдир.

Алишер НАВОИЙ

☀ Ҳофиз Шероз лутфидин тараққийлар топиб,  
Жилвагоҳ аҳли тасавуфнинг мақомидур манго.

Мунис ХОРАЗМИЙ

☀ Ҳофиз – назмиёт орқали чўнг ҳақиқатларни абади-  
ятга муҳрлаган тенги йўқ шоирдир.

ГЁТЕ

☀ Ҳофиз моҳият оламини инкишоф этган, ботин кўзи  
ила кўра олган... У мен ўхшашни орзу қилган ягона сий-  
модир.

Ральф Уолдо ЭМЕРСОН

☀ Биз Шекспир шахсиятига қанчалик иззат-ҳурмат  
кўрсатсак, Ҳофиз ҳам ўз ватандошлари орасида ана  
шундай юксак эҳтиромга сазовор.

Артур Жон АРБЕРРИ

☀ Саъдий, Ҳофиз Шерозий ва Навоийлар етган юк-  
сакликка ҳали бошқа шоир етгани йўқ.

Эркин ВОҲИДОВ



# ТАФАККУР



## Тафаккур

ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ЖУРНАЛ  
Журнал 1994 йилдан чиқа бошлаган. Бир йилда тўрт марта нашр этилади.

# САНИҒАЛАРИДА

## саҳифаларида



Эп НУР. "Аппомиш ва Бойчибор"

Бош мухаррир  
Эркин АЪЗАМ

*Тахририят*  
Бош мухаррир ўринбосари  
Собиржон ЁҚУБОВ  
Бўлим мухаррирлари  
Султонмурод ОЛИМ  
Нодира ОФОҚ  
Шохсанам РЎЗИМАТ қизи  
Бадий мухаррир  
Ольга ЖОЛДАСОВА  
Мухбир-мухаррир  
Насрулло ЭРГАШ  
Техник мухаррир  
Наргиза УСМОНОВА

*Жамоат кенгаши*  
Ўрозбой АБДУРАҲМОНОВ  
Абдулла АЪЗАМ  
Олимжон ДАВЛАТОВ  
Кулман ОЧИЛ  
Шухрат РИЗО  
Сирожиддин САЙИД  
Хайриддин СУЛТОН  
Абдурахим ЭРКАЕВ  
Мургазо ҚАРШИБӨЙ  
Дилмурод ҚУРОНОВ  
Отабек ҲАСАНОВ

Муассис – Республика Маънавият ва маърифат маркази.  
Ўзбекистон Республикаси Мағбуот ва ахборот агентлигида 0219-рақам билан рўйхатга олинган. Матнларда фойдаланилган мисол, кўчирма ва маълумотлар аниқлиги учун муаллифлар жавобгардир.  
Журналдан кўчириб босилганда манба кайд этилиши шарт.  
Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Бобур кўчаси, 9-бино.

☎ (55) 508-11-45  
(55) 508-11-46

@ tafakkurtahririyati@mail.ru

Журнал андазаси тахририятнинг компьютер бўлимида тайёрланди.  
"Oltin nashr" МЧЖ матбаа корхонаси.  
Тошкент шаҳри, Бунёдкор кўчаси, 42-бино.  
2025 йил 19 август куни босмахонага топширилди. Қоғоз бичими 70x100 1/16, 8 босма табак, 43-бунотрма. Нашр адади 5950 нусха.

### НИМА ДЕЙСИЗ, ЗАМОНДОШ?

Тарих – тақдирим менинг. Ўзбекистон Фанлар академияси академиги Аҳмадали АСҚАРОВ билан суҳбат ..... 4



### ТАРАҚҚИЁТ ТАМОЙИЛЛАРИ

Жалолиддин САФО. Янги дунё таваллуди ..... 16

### ОЛИЙ МЕЗОНЛАР

Нодира ОФОҚ. Олами кубро ..... 24

### КЎНГИЛ САЛТАНАТИ

Усмон АЗИМ. Мудом лиммо-лимдир илҳомнинг жоми ..... 32

### ИНСОН ЎЗИНГ, ИНСОН ЎЗИНГ

Кулман ОЧИЛ. Чигиртка. Ҳикоя ..... 42

Рисолат ҲАЙДАРОВА. Марғилоннинг йўлларида. Ҳикоя ..... 52

### САНЪАТ ФАЛСАФАСИ

Насрулло ЭРГАШ. Эл қўзига нур бағишлаб ..... 60

### ТАҚДИРДАГИ ТАДБИРЛАР


Олим ТОШБОЕВ. Мазлуманинг кўзёшлари ..... 62

### НАСЛИМИЗ – АСЛИМИЗ

Султонмурод ОЛИМ. Туркий бирлик тимсоли ..... 74

### БУЮКЛИК ТИМСОЛЛАРИ

Олимжон ДАВЛАТОВ. "Исо нафаслик ринди Шероз" ..... 82



### ТАРИХ – БУЮК МУРАББИЙ

Исажон СУЛТОН. Кўчқин қушининг демишлари ..... 90

### ШАРҚУ ҒАРБ ҲИҚМАТИ

Сёрен Кьеркегор. Умидбахш ғусса ..... 100

### ЖАВОНДАГИ ЖАВОҲИР

Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ. Чин мерос ..... 106

### ТАЛҚИН ВА ТАДҚИҚОТЛАР

Мансур МУСАЕВ. Фаразли стратегия ..... 114

Алишер МАДРАҲИМОВ. Ялтираган ҳар нарса олтин эмас ..... 115

Музаффар СУВОНҚУЛОВ. Туркона удумлар ..... 117

Самарбек САЙФУЛЛАЕВ. Маърифатга таянган салтанат ..... 119

Людмила КАН. Мозий билан тиллашиб ..... 120


Турсун АЛИ. Мажозлар оралаб ..... 121

Зиёда ҒАФФОРОВА. Ҳам пинҳон, ҳам пайдо ..... 123

Нодиржон АБДУЛАҲАДОВ. Ҳофизлар дарғаси ..... 124

Чарос ҲАМИДОВА. Саҳнада даҳо сиймоси ..... 126

Журналнинг инглизча мухтасар мазмуни ..... 127



## TARIX – TAQDIRIM MENING

### Ўзбекистон Фанлар академияси академиги Ахмадали АСҚАРОВ билан суҳбат

– Домла, бир умр қадимий манзиллар, археологик ёд-горликлар ичида яшаб келяпсиз. Бутун ҳаётингизни илмга бағишладингиз, таъбир жоиз бўлса, археология соҳасида пир мақомидасиз. Қолаверса, аллома академикларимиздан бирисиз. Айниқса, “Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи” китобингиз кўзимизга суртгулик асарлардан бирига айланган десак муболаға қилмаймиз. Айтинг-чи, минтақамизнинг маданий тарихи қандай кечган? Аниқ ашёвий далиллар асосида фикрлайдиган археолог нуқтаи назаридан халқимиз этногенезига қараганда қандай манзара ҳосил бўлади? Умуман, турли баҳсу мунозараларга мавзу бўлиб келаётган ўзбек халқи, миллатининг шаклланиши ҳақида хулосаларингизни айтсангиз.

– Гурунгимизни узоқроқдан, қизиқ бир гапдан бошласам нима дейсиз? Биз энди ўқишга кирганда Низомий номидаги Педагогика институтида талабаларга Совет иттифоқи тарихидан аввал Ўзбекистон тарихини ўқитиш йўлга қўйилган эди. Бу масъулиятли ва хатарли вазифани бажариш Шароф Рашидов тавсиясига биноан устоз Яҳё Ғуломов чекига туш-

ган экан. Ҳозир айримлар ишонмайди бу гапга, лекин рост, шахсан ўзим гувоҳман. Шўроларнинг ўткир қиличи бошлар узра ўйнаб турган даврда, яна кимсан, Марказқўм раҳбари изни билан берилган топшириқни асл мутахассислиги археолог бўлган инсон бажариши икки карра қаҳрамонлик эмасмиди?!

Яҳё Ғуломовнинг “Археология – тарих пойдевори, бу фанни чуқур ўрганмасдан туриб қадимият остонасига қадам қўймайсизлар, ҳатто келажакнинг ўзига хос замини ҳам шу ерда”, дея қулоғимизга кўрғошиндай қуйган доно ўғитлари сўнгги нафасгача эсимдан чиқмаса керак. Дарс жараёнида муҳтарам домламиз устози – машҳур археолог Василий Вяткинни (1869 – 1932 йилларда яшаган, Самарқанд археология мактаби асосчиларидан бири, Мирзо Улуғбек расадхонасида олиб борилган тадқиқотларга бош бўлган, академик Иброҳим Мўминовга ҳам устозлик қилган – Н.Ж.) ҳам кўп эсларди. Унинг кўҳна бир сополни қўлига олиб, бу лойдан ясалган оддий матоҳ деган тушунчадан йироқ бўлинглар, аслида, мана шу буюмда Туркистон тарихининг буюк ўтмиши яширин, уни ўрганиш учун сабр ва вақт керак, деган сўзларини бот-бот такрорлар эди. Устоз тавсияси билан Санкт-Петербургда археология фани сир-синоатларини чуқурроқ эгаллашимда яна бир олим, профессор Михаил Грязновнинг хизмати беқиёс бўлганини таъкидлашни истардим. Қолаверса, XX асрнинг буюк алломалари Ҳабиб Абдуллаев ҳамда Иброҳим Мўминов номини ҳам миннатдорлик ила эсламоққа бурчлиман. 70-йиллар бошида шундай мураккаб вазият юзага келдики, агар ана шу забардаст чинорлар мени қўллаб-қувватламаганида Самарқандда собиқ Иттифоқда учинчи, Марказий Осиёда эса ягона Археология институти очилмаган ва унинг негизида ўзбек археология илмий мактаби шаклланмаган бўлар эди.

Энди биз яшаётган улкан минтақанинг маданий тарихи масаласига келсак, бу жуда мураккаб жараён. Ўзбекларнинг улар ҳозирда истиқомат қилиб келаётган тарихий замин ҳамда унинг теварак-атрофидаги ҳудудларда жуда қадим замонлардан бери туб ерли халқ экани, унинг этник таркибини асосан прототурк ва туркий аждодларимиз, шунингдек, суғдий, хоразмий, бохтарий, сак чорвадорлари ташкил этгани, ана шу тиллар соҳибларининг узоқ асрлар давомида бир-би-

ри билан аралашиб-қоришиб яшаши натижасида янги этнос, яъни ўзбек халқи таркиб топгани ҳақида илмий холислик, объектив ва тарихий тизимлилик асосида батафсил маълумот берганмиз.

Илк ўрта асрларда минтақанинг бирор жойи қолмадики, у ерга туркий тилли аждодларимиз кириб бормаган бўлсин. Ушбу тарихий ҳақиқат илдизини ёзма манбалар билан қиёсий ўрганиш орқали англаб етдимки, ўзбек халқи гарчи туркийзабон бўлса-да, унинг таркиби кўп компонентли экан. Масалан, қадимги прототурк тил Ўрта Осиёга Сирдарёнинг шимоли-шарқидан орийлар миграцияси даврида кириб кела бошлагани каби, ҳозирги тожик халқининг форсий тили ҳам Мовароуннаҳр ва Хуросонга Форс кўрфазидан, жануби-ғарбий Эрондан аҳамонийлар даврида кириб кела бошлаган. Турк ва форсий лисон туб жойли суғдий, хоразмий ва бохтарий тил лаҳжаларини ўзига сингдириб юборган. Бу этномаданий жараёнлар Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Муҳаммад Хоразмийлар замонида якун топиб, Ўрта Осиёнинг қадимги аҳолиси қўллаб келган маҳкама тили форсийлашган, жонли халқ тили эса туркийга айланган.

Миллатнинг этник таркибини белгиловчи асосий омил бу унинг тили экани маълум. Хўш, Ўзбекистон ҳудудида прототурк тил илк бор қачон пайдо бўлди? Бу саволга археологик манбаларга таяниб, бронза даврида, деб жавоб бериш мумкин. Сополлитепа, Жарқўтон каби ўнлаб бронза даври ёдгорлиги ушбу нуқтаи назарни тасдиқлайди. Алҳосил, мен ўзбек халқининг этник тарихи бронза даврига бориб тақалади, деган фикрда собитман. Бу ғояни дадил кўтариб чиқишимда қадимги Хитой ёзма манбалари ҳам асқатганини айтишим керак.

Ўзбек халқининг келиб чиқиши бўйича тугал хулоса айтиш осон эмас. Бу борада бир-биридан фарқланувчи учта қараш бор. Биринчиси – биз археологлар, ўзбек халқи бундан тўрт минг йил аввал пайдо бўлганини қадим манбалар асосида исботлаб берганмиз. Иккинчи тоифа бўлмиш шарқшунослар миллат тарихи, этногенези археологик осори атиқалар билан эмас, балки ёзма манбалар орқали белгиланади дея, қорахонийлар даврини рўқач қилади. Ундан аввалги давр, уларнинг назарида, гўё форсийзабон халқ тарихи билан боғлиқ эмиш.

Бундай фаразларга ишонадиганлар ҳам кам эмас. Учинчи гуруҳ эса, узр, иним, сизнинг ҳамкасбларингиз – ёзувчи, журналистлар, шунингдек, тарихга тасодифан суқилиб кирганлар, десам адашмайман. Ҳозир кўряпмиз, ҳамма бир юмалаб тарихчига айланиб қоляпти-да! Уларнинг даъвосича, бизнинг кўҳна тарихимиз “ўзбек” истилоҳининг пайдо бўлиши, яъни XVI аср шайбонийлар сулоласидан бошланар эмиш. Ана сизга сохталик, ана сизга ёлғон-яшиқ чўпчаклар! Бу каби тарихий ҳақиқатга зид фикрларга сўнгги нуқтани қўйиш вақти келди. Таклифим шуки, бу борада махсус давлат дастури қабул қилиниши лозим. Бизда манбалар, исботлар етарли, албатта, амалий ҳаракатлар бошланганига ҳам анча вақт бўлди.

Афсуски, шўролар даврида миллий республикаларнинг чегара ҳудудларини белгилаш баҳонасида Туркистон халқлари, уларнинг яхлит тарихи ва маданий мероси сунъий равишда бўлиб ташланди. Бу эса охир-оқибат миллатлараро низолаarga доялик қилди. Ана шундай қалтис ҳаракатлар оқибатида ўтмишни сохталаштириш, тарихий шахслар ва уларнинг меросини талашуш, миллий худбинлик, ҳудудлар бўйича низолашув каби нохуш воқелик шаклланиб борди.

Сиз эслаб ўтган “Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи” китобим бир неча марта чоп этилгани, хорижий тилларга таржима қилингани, давлатга қарашли олий таълим муассасаларида ягона ўқув қўлланма сифатида ўқитилаётгани дунёда энг қадим миллатлардан бири деб эътироф этилаётган ўзбек халқининг ўтмишига қизиқиш ортиб бораётганидан далолатдир.

*– Ватанимизнинг деярли ҳамма бурчакларида археологик объектлар бор. Олимлар имкон қадар очиб ўрганганлари ва аксинча, ҳали тадқиқотчисини кутаётганлари ҳам кам эмас. Бирор манзилда қазишмалар олиб бориш, нодир тарихий ашёлар топиш-ку яхши, бироқ масаланинг бошқа томони ҳам мавжуд. Асрлар бўйи тупроқ остида сақланиб келган қадимий масканлар археолог қўли текканидан сўнг кўпинча очиб қолиб кетади, қаровсизлик ва ёғингарчиликдан иккинчи марта харобага айланади. Лоқайдликми бу ёки илмга, изланишларга энгил-елпи қарашми?*



– Марказий Осиёни қўятурайлик, биргина Ўзбекистонда 70-йилларда археологик ёдгорликлар сони 15 мингдан кам эмас эди. Ҳозир улардан атиги 5 минги сақланиб қолган десам ишонарсиз. Нима бўлди, домла, шунча тарихий иншоотлар, обидалар қанот боғлаб осмонга учиб кетдимиз ёки ер остига ғарқ бўлдими, демайсизми! Шундан билса бўладики, икки аср оралиғи – кейинги етмиш йил ичида тарихга шу даражада ёвуз муносабатда бўлибмиз! Бу денгиздан бир томчи, холос.

Ҳали-ҳамон эсимда – у маҳаллар мен Самарқанддаги Археология институтида директор эдим – Масков Ўзбекистон елкасига юклаган 6 миллион тоннали пахта хирмони мажбуриятини бажармоқ учун янги ерларни ўзлаштириш сиёсати авж олган, мамлакатдаги юзлаб археологик ёдгорлик оммавий тарзда бузилиб, ўрнида пахтазорлар пайдо бўлган эди. Бу ишда ўзимизнинг ҳайбаракаллачи, ношуд раҳбарларимиз ҳам бош-қош бўлганини биламиз. Кейинроқ шундай улкан ва “енгилмас” давлат парчаланиб, мустақил давлатлар таркиб топди. Маданий мерос объектларини асраш ва сақлашдек ғоят оғир вазифа бу соҳадан йироқ бўлган шахслар қўлига ўтиб кетди. Алалоқибат бундай жойлар талон-торож қилинди, бузиб ташланди, ўзлаштирилди...

Келинг, сизга ҳам кулгили, ҳам қайғули бир ҳолатни айтаяйин: бу археолог олимлар саъй-ҳаракати билан аниқланган ерости қадимий обидаларнинг аксари очиқ ҳолда қолиб кетаётгани билан боғлиқ. Улар лой, хом ғишт, гуваладан тикланган, ер тагида бус-бутун ҳолда турган эса-да, очилганидан кейин иссиқ, ёмғир-қорли ҳавода қолдирилгач, вайрон бўлаётир. Албатта, Президентимиз ташаббуси билан ёдгорликларнинг ҳеч бўлмаганда ўта ноёбларини сақлаб қолишнинг бирдан-бир йўли – очиқ осмон остида музейлар ташкил этиш экани алоҳида таъкидланиб, республикада хайрли ишлар бошланган.

Яна бир масала. Кейинги йилларда ўрта асрлар даври меъморий обидалари кўпроқ сақланган Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Термиз каби шаҳарларга устувор даражада эътибор қаратилгани ҳолда, тўрт минг йиллик тарихни ўз бағрида яшириб келаётган археологик ёдгорликларни очиқ осмон остидаги музейларга айлантириш вазифаси ўлда-жўлда қолмоқда. Назаримда, бунинг асосий айбдори – Республика

Маданий мерос агентлиги. Ачинарлиси шундаки, бир объектга икки тузилма (маҳаллий ҳокимият билан маданий мерос агентлиги) қонуний эга қилиб белгиланган. Оқибатда археологик объект икки хўжайин ўртасида сарсон-саргардон.

Камина Наманган вилояти Норин туманида Учтепа-2 ёдгорлигини мовий осмон остидаги туризм манзилига айлантириш учун олти йилдан бери курашиб келяпман. Объектни музейлаштириш учун давлат томонидан маблағ ажратилишига эришган бўлсам-да, у мақсадли сарфланишини қаттиқ туриб талаб қилаётганим сабаб арзимаган ишлар бажарилмай қолиб кетмоқда. Сираси, Учтепа-2 ёдгорлигини музейга айлантиришга бюрократик тўсиқлар имкон бермаётир.

Хитойда археология институтлари сони юздан ошар экан, бизда эса ҳатто иккита бўлишига ҳам қаршилиқ кўрсатилаяпти. Масъул вазирликларнинг тушунарсиз талаблари Криловнинг оққуш, чўртанбалиқ ва қисқичбақа ҳақидаги машхур масалини ёдга солади. Йўғини қўйинглар, майли, борини қўлаб-қувватлаш керак-ку! Чин юртида очиқ осмон остидаги музей-обидаларни бошқариш вилоят ҳокимлигига юкланган, уларда молиявий имконият ҳам катта. Бизда алоҳида ташкилот очилган-у, негадир унга соҳага бегона одамлар раҳбарлик қилмоқда.

Айрим ҳудудларда маданий мерос объектлари рўйхатига киритилган қадамжолар фуқаролар ва фермер хўжаликлари томонидан ўзбошимчалик билан эгаллаб олиниб, ёвузларча бузиб ташланаётгани аниқланмоқда. Маҳаллий ҳокимликлар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари бундай ҳолатларга мурасасиз бўлмоғи лозим. Қонунда белгилаб қўйилган, ахир, археологик ёдгорликнинг муҳофаза зонаси камида 50 метр, ана шу масофагача ҳеч қандай иншоот, бино қурилмаслиги керак, тамом!

Узоққа бормайлик, биргина Тошкент шаҳрининг ўзида яқин йилларда элликка яқин қадимий археологик объект бор эди. Ҳозир улардан бир нечтасигина сақланиб қолган, холос. Уларнинг ҳам муҳофаза зоналарида осмонўпар иморат қурилган, каттагина қисми эгаллаб олинган. Пойтахтнинг 2300 йиллик тарихига гувоҳлик берувчи Шоштепа ҳалигача музей қилинмаганига нима дейсиз! Афсуслар бўлсинки, томошабин бисёр-у, жавобгар йўқ! Биз қанча бонг урмайлик, тегишли

идораларга мурожаат қилмайлик, масъуллар миқ этмаяпти. Қатъий назорат ўрнатилмаса, қонунбузарларга жиддий чора кўрилмаса, яна талай осори атиқалардан айрилиб қолишимиз ҳеч гапмас.

*– Халқимиз сизни наинки доврўқли археолог олим, мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол жамоат арбоби деб билади. Бир муддат (1990 – 95) парламент депутати ҳам бўлгансиз. Яқин ўтмишимиздаги илм-фанга оид муҳим воқеаларга жонли гувоҳсиз. Айниқса, Усмон Мусҳафи саҳифаларининг ғойиб бўлиши билан боғлиқ машаалардан хабардорсиз. Гапни ушбу мўътабар қўлёзманинг Ватанимизга қандай келиб қолганидан бошласак.*

– 1997 йилда ЮНЕСКОнинг “Жаҳон хотираси” рўйхатига киритилган энг қадимий Қуръон қўлёзмаси – VII асрда ҳижоз хатида ёзилган Усмон Мусҳафи ҳозирда Ўзбекистон мусулмонлари идораси музей-кутубхонасида сақланаётир. Китобнинг юртимизга қачон, ким томонидан олиб келингани борасида турли тахминлар бор. Масалан, шайх Абу Бақр Қаффо Шойий Бағдод халифалари хазинасидан; шайх Убайдуллоҳ Хожа Аҳрор Валийнинг муридлари Султон Боязидни даволаб, эвазига Усмониёлар қўлидан; Соҳибқирон Амир Темур бобомиз Басрадан олиб келгани ҳақидаги ривоятларни эшитганмиз. Бу борадаги батафсил маълумотларни 2024 йил 14 декабрда журналист Рўзибой Қўлдош ижтимоий тармоқларда эълон қилганидан хабардорсиз, менимча.

Чор армияси Самарқанд шаҳрини истило қилганидан кейин (1869) Усмон Мусҳафи Петербургдаги подшоҳ кутубхонасига олиб кетилган эди. 1917 йили мусулмонларнинг талаби билан аввал Уфага, 1924 йилда эса Ўзбекистонга қайтарилди. Дастлаб Самарқанддаги Хожа Аҳрор Валий масжидида, 1930 йилда пойтахт Самарқанддан Тошкентга кўчирилгач, Ўзбекистон халқлари тарихи музейи фондида сақланади.

Мустақилликнинг дастлабки йиллари мўътабар қўлёзма Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний идораси ихтиёрига ўтказилди. Орадан кўп ўтмай кўнгилсиз хабар келди: 353 саҳифали Мусҳафнинг 15 варағи йўқолибди! Ҳаммаёқда ваҳима бошланди. Устига устак, Лондонда ўтказилган кимосди савдосида унинг ҳар бир варағи 55 минг долларга баҳо-

ланганини эшитиб ёқа ушладик. Шов-шув кўтарилди, текширувлар бошланди. Дунё музейларида бу ноёб китобнинг олтигагина нусхаси сақланар экан. Бошқаларга сўров юборилса, уларда бус-бутун турибди, биздагиси эса...

Ана энди томошани кўринг. Ким ўғирлаган, ким сотган, суриштирувларнинг бир учи менга келиб тақалса бўладими! Китоб сақланаётган жойдагилардан биров “бизга келтирилгунича йўқолган, Асқаров сотган”, деган гапни айтибди. Туҳмат балосидан асрасин, уят ўлимдан қаттиқ. Кутилмаганда мени қамаб қўйишди! Ҳуқуқ идораси вакилларига китоб музейдан олиб кетилаётганида 353 саҳифа тўлиқ қайд этилган ҳолда уч нусхада тузилган акт орқали қабул қилингани, ўша ҳужжат учта жойга тақдим этилганини айтдим. Ҳужжатнинг икки нусхаси йўқлигини эшитгач, асабларим янада таранглашди. Актнинг бир нусхасини Фанлар академиясига топширмай, шахсий архивимда сақлаётганим ҳам ҳатто хотирамдан кўтарилган экан. Учунчи кун, хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, шу нарса тушимда аён бўлди, чўчиб уйғондим у акт нусхаси уйимда – архив-папкада сақланаётганини билдирдим. Терговчиларга битта шарт қўйдим, яъни уйимга кишансиз олиб киришлари, акс ҳолда, оила аъзоларим, кўни-кўшнилари олдида шарманда бўлишимни айтдим. Квартирамга кирасолиб, тўппа-тўғри ижодхонамга йўл олганимни кўрган аёлим, фарзандларим остонада қотиб қолишди. Ишорамни тушунишди шекилли, жимгина кузатиб туришди. Актни топдим у ҳуқуқ идораси вакиллариининг қўлига тутқаздим. Улар шу заҳоти, узр, домла, бизга ёлғон маълумот берилган экан, деб мени қўйиб юборишди.

Орадан кўп вақт ўтмади, маълум бўлишича, ўша маҳкамада ишловчи тўрт киши тил бириктириб, ўн бешта варақни бир ажнабийга икки минг долларга сотган экан. Алалоқибат ўзлари шармандаи шармисор бўлишди, тегишли жазони олишди...

*– XX аср инсоният тарихига энг чигал давр сифатида кирганига шубҳа йўқ. Қайси ҳодисага қандай ракурсдан қараш масаласи ҳамон баҳсли. Масалан, Иккинчи жаҳон урушида фашистлар Германиясига асир тушган ватандошларимиз қисматини олайлик. Сиз энг қадимги давр тарихи билан шуғуланганнингиз жамоатчиликка маълум. Шу*

*билан бирга, бир замонлар ўта қалтис мавзу сифатида талқин этилган Туркистон легиони раҳбарларидан бири, ватандошимиз Боймирза Ҳайитнинг ярим асрдан сўнг Ўзбекистонга келишига сабабчи бўлган экансиз. Нега ўшанда ҳали шуҳрати сўнмаган шахс имкониятларидан (мен Туркистонимизга оид тарихий ҳақиқатларни очишни назарда тутаятирман) етарлича фойдаланилмади? Дарвоқе, қора бўёқ чаплаган Легион аъзолари, сизнингча, ким эди? Чиндан ҳам, хоинмиди ёки?..*

– Жуда мураккаб мавзуни кўтардингиз. Ҳақиқатан, Боймирза Ҳайит шахси, унинг чигал фаолиятига баҳо бериш ўша давр учун баҳсли масала эди. Мен у билан Германия Фанлар академияси фахрий аъзоси сифатида Берлинга катта бир анжуманга борганимда танишганман. Узоқ суҳбатлашганмиз. Ўшанда у Туркистон легионини тузиш, фашист мундирини кийишга мажбур бўлгани сабабларини сўзлаб берган. Алҳол, миллионлаб туркистонлик ватандошларни ўлимдан сақлаб қолиш ниятида шу ишга қўл урган экан. Гурунг асносида бир умрлик армони – она Ватан зиёратидан гап очган, мустақилликка эришган Ўзбекистон халқи ва унинг давлати нуфузини дунёга ёймоқ учун бор илми, салоҳиятини ишга солишга ваъда берган эди.

Яна бир нияти – Биринчи Президент Ислон Каримов билан учрашиш эди. Тошкент аэропортига келиб қўнган кундан бошлаб бу илтимосини ҳар дам такрорлашдан чарчамади. Афсуски, учраша олмади. Ўртадаги воситачи-маслаҳатчи меҳмоннинг сўровини давлат раҳбарига қай тарзда етказди – бу менга қоронғи. Боймирза Ҳайит менинг ҳамроҳлигимда Наманганга – ўзи туғилиб ўсган она қишлоғига бориб келди, кўплаб одамлар билан кўришди, лекин бирор оммавий ахборот воситасига ушбу унутилмас зиёрат ҳақида интервью беришга қўнмади.

Мени ҳалигача бошқа бир савол қийнайди: президент нега у билан учрашмоқни лозим топмади? Боймирза Ҳайит ўша кезларда ким эди? Бирор бир мамлакатнинг нуфузли арбоби бўлмаса, Иккинчи жаҳон уруши йиллари фашистлар мундирини кийган, устига-устак, шўро тарихчилари томонидан қаттиқ қораланган оддий олим... Мен бир мустақил давлат

президентиман, ахир, деган мулоҳазаларга борган бўлиши мумкин-ку, тўғрими? Охир-оқибат уч ойга келган меҳмон юрак хасталиги сабаб 11 кун деганда яна ортга қайтиб кетишга мажбур бўлди...

Туркистон легиони аъзоларига келсак, назаримда, улар чин маънода хоин ёки сотқин эмас, балки тирик қолмоқ, жонини сақламоққа умид боғлаган бири қўрқоқ, бири қалби заиф кимсалар эди. Уларнинг бир қисми урушдан сўнг юртга қайтгач, кўп азоб-уқубат чекканини кекса авлод яхши биларди. Қайтмаганлари эса бир умр Ватан дийдорига ташна яшаб, оламдан ўтди. Мен уларнинг айримларини хорижга хизмат сафарларига борганимда учратганман. Ўша кезлар юрт қадрини нақадар улуғ эканига такрор-такрор имон келтирганман.

*– Тарих – номи билан тарих, уни на ортга қайтариб бўлади, на-да ўзгартириб. Лекин, афсуски, ўзингиз ҳам гувоҳсиз, тарихнависликни ўткинчи мафкурага бўйсундиришдек сиёсий хатарнок босимлар туфайли тарихий ҳақиқатлар бузиб талқин қилинди. Оқибатда мозийни ўрганиш ва тадқиқ этишда иккиланишлар, чалкашликлар, хатоликлар рўй берди. Бундай қалтис ёндашувларга муносабатингиз қандай?*

– Тарихни ўрганмоқдан мақсад ўтмиш хатолари ва ютуқларидан бохабар бўлиб, бугунги ва эртанги мўлжалларни аниқлаш, жамиятни бекам-кўст тараққий эттиришдан иборат. Инсоният ва унинг жамияти пайдо бўлибдики, уни бошқариш зарурияти мавжуд. Наинки мамлакат иқтисодиёти, ҳарбий қудрат, шу билан бирга, мафкура ва тарих давлат раҳбари бошқарув жиловини қандай тутишига боғлиқ бўлиб қолди. Ҳозир ҳам жаҳоннинг буюк давлатлари Марказий Осиё мамлакатлари ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, мафкураси, ҳарбий жабҳасини назоратга олишга уринаётганини унутмайлик. Қудратли давлатлар устомонлик билан олиб борадиган ёпиқ таъйиқлар сиёсати ҳали-ҳамон амалда...

*– Домла, бугун Сиз табаррук 90 ёшдасиз. Бу, албатта, ҳазилакам йиллар ва йўллар эмас. Етмиш йиллик илмий фаолият давомида эришган ютуқларингиз беҳисоб. Халқимиз тарихининг қоронғи саҳифаларини ёритмоқ йўлида қанча машаққатлар, заҳматлар чекдингиз. Ортда*

*қолган залварнок давр силсиласию эврилишларини таҳлил этиб, қайси кашфиёт ва топилмаларингизни фахр билан тилга оласиз, қайсиларидан хижолат тортасиз? Ёш тарихчи олимларга қандай маслаҳат берасиз? Ниҳоят, умр хулосаларингизни ҳам билсак...*

– Аввало, шундай кунларни раво кўргани, ато этгани учун Худойимга минг шукр дейман. Археология соҳаси равнақи йўлида илмий асосланган ўнлаб кашфиётлар қилишга муваффақ бўлдим. Лекин бугун улар орасидан фақат иккитасига қисқача тўхталсам кўнглим таскин топади. Сабабини кейин англаб етарсиз.

Биринчиси, мени илмий доираларда танитган илк кашфиёт бу сўнгги энеолит ва бронза даврига оид Замонбобо маданияти таҳлиллари эди. Тўғри, Замонбобо номи билан аталувчи қабристонни муҳтарам устозим, академик Яҳё Ғуломов 1950 йилда очган, аммо негадир бу ҳақда атиги битта илмий мақола ёзиш билан чегараланган. Аспирантлик давримда шу жойни тўлиқ ўрганиш домламиз тавсиясига кўра менинг чекимга тушди. Қадимги қабристоннинг ички тузилиши, марҳумларни сўнгги йўлга кузатиш маросимининг характери, даврий саналарга аниқлик киритиш, дафн этилганларнинг манзилини топиш ва уларни тўлиқ очишга эришиб, ушбу ёдгорликлар мажмуасини “Замонбобо маданияти” номи остида дунё археологиясига олиб киришдек машаққатли йўлни босиб ўтдим. Бу мажмуа элликдан зиёд давлат энциклопедиясида археология фани бўйича фундаментал илмий кашфиёт дея эътироф этилганини айтсам, мақтанишга йўймассиз.

Сополлитепа ва Жарқўтон ёдгорликларида олиб борган тадқиқотларим менинг асл ташриф қоғозим десам муболаға бўлмайди. Бу кўҳна манзилларни тадқиқ этиш асносида Ўзбекистонда ўтроқ деҳқончилик ва илк шаҳарсозлик маданияти, ипакчилик, пахтачилик, боғдорчилик, юксак даражада ривожланган металлургия ҳунармандчилиги, монументал уй-жойлар қурилиши, илк зардуштийлик ибодатхоналарини барпо этиш бронза давридан бошлангани исботланди. Энг муҳими, Сополлитепа маданияти мисолида ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи бронза даврига бориб тақалиши илмий асосланди.

Бу икки кашфиётга бежиз тўхталмадим. Боиси, унга қадар ўзбеклар чорвадор халқ, ўтов, ертўлаларда яшаган, ўтроқ ҳаёт тарзига кўникмаган, маданияти паст кўчманчи халқ деган сафсата кенг тарқалган эди. Сополлитепа ва Жарқўтон ёдгорликлари материалларининг талқини ва таҳлили асосида жаҳон тарихидаги ана шундай исботсиз қарашга чек қўйилди. Шунингдек, ўзбек халқининг ўтроқ суғорма деҳқончилик ва илк шаҳарсозлик маданиятининг пайдо бўлиши бир ярим минг йилга қадимийлаштирилди.

Бу каби илмий кашфиётларимни эсласам, юрагимда ўзгача фахр уйғонади, тақдирим бой тарихимиз билан боғланганидан ифтихор туяман.

Хижолат тортишга арзирли сабаб бор, албатта: фарзандларимни ортимдан эргаштиролмадим. Бири математик, бошқаси физик, яна бири тадбиркор, бошқаси ҳуқуқшунос. Шукрки, фарзандларимнинг ризқи бутун, оиласи обод, бари ўз соҳасининг фидойилари бўлиб етишди.

Ўлкамизда ҳали яна қанча очилмаган хазиналар, археологик манзиллар ўз кашфиётчиларини кутаётир. Мени оғир ўйга толдирадиган, ташвишга соладиган муаммо битта: неча асрлардан бери асраб-авайлаб келаётганимиз – тарихий иншоотларни вайрон қилмай, талон-торож этмай келгуси авлодларга етказмоқ даркор.

Яшаб ўтаётган ҳаётимдан албатта розиман, ношукрлик қилсам гуноҳ бўлади, ахир. Умр деганлари бир киприк қоққунчалик муддат экани рост. Мен илм ахтариб, ўқиб-изланиб кам бўлмадим, ўзимни маънавий жиҳатдан бой инсонлардан бири деб ҳисоблайман. Бойлигим – босиб ўтган заҳматли йилларим, хотиржамлигим, кашфиётларим, китобларим.

Тилагим, ҳар ким ўзига ато этилган умрнинг қадрига етсин!..

**Норқобил ЖАЛИЛ суҳбатлашди.**



Жалолиддин САФО

## YANGI DUNYO TAVALLUDI

*Инсоният ўзининг бутун тарихи мобайнида қузатилмаган улкан ўзгаришлар даврига қадам қўйди. Бу ўзгаришлар фақат технологиялар тараққиёти ва иқлим инжиқликларидагина намойн бўлиб қолмай, геосиёсий муносабатлар, иқтисодий низомлар, одамзоднинг дунёқарашини ва энг муҳими, инсон ҳаётининг маъно-моҳиятига дахл қилаётир. Ҳаётимизга сунъий идрок, блокчейн, рақамли ва квант технологиялари мислсиз шитоб билан кириб келмоқда. Шиддатли эврилишлар биз билган дунё андиликда тарих домига равона бўлаётганидан дарак бермоқда.*

### Истиқболда бизни нима кутмоқда?

Сўнги йилларда анъанавий меҳнат бозори ўзгаришларга юз тутди. Мутахассислар кўплаб касбларнинг умри тугаётгани ҳақида бонг урмоқда. Жумладан, “Sapiens:

Инсониятнинг мухтасар тарихи”, “Ното Deus: Эртанги куннинг мухтасар тарихи”, “XXI аср учун 21 сабоқ” каби бестселлер асарлар муаллифи, тарихчи ва футуролог Юваль Ной Ҳарари Давосда ўтган Бутунжаҳон иқтисодий форумида давомли тех-

нологик инқилоблар шароитида инсоният ҳаёти қай даражада ўзгариши ҳақида маъруза қилган эди. Хўш, бизни яқин келажакда меҳнат бозорида нима кутмоқда?

“Асрлар давомида иш, меҳнат тушунчаси бир неча маротаба ўзгарган, – дейди Юваль Ной Ҳарари. – Одамлар кўп даврлар (инсоният тарихининг асосий қисмида десак ҳам бўлаверади) умуман ишламаган – амал-тақал кун кечирган, холос. Дейлик, соат 8.00 да ишга бориб, соат 17.00 гача меҳнат қилиш – замонавий тушунча. Бизнинг аجدодларимиз – овчилар ва ўсимлик илдири, мевасини териб-тўпловчилар юз минг йиллар мобайнида “ишга бориш” нималигини билмай ўтган. Ишни йўқотиб қўйиш хавотири ҳам нисбатан янги феномен. Кейинги асрларда рўй берган саноат инқилоблари туфайли аксар иш-юмушларни машина бажарадиган бўлди. Шу боис одамлар мен ишимдан айриламандеган кўрқув остида яшаб келмоқда. Дарвоқе, бу сафар кўрқув асосли бўлиши мумкин”.

Олимнинг фикрича, замонавий одамнинг ишсиз қолиши ўтмишдаги зулм, эксплуатация сиёсатига қараганда ҳам хатарлироқдир. Негаки, корчалонлар сизнинг куч ва меҳнатингиздан фойдаланар экан, жиллакурса, ўзингизнинг жамиятга керак эканингизни ҳис этиб турасиз.

Кейинги йилларда янги касб-хунарлар пайдо бўлмоқда. Муаммо шундаки, одамлар янги касбларни эгаллаш учун муттасил билим ва маҳоратини ошироғи, таъбир жоиз бўлса, ўзини қайта кашф этмоғи лозим. Одамзод битта технологик инқилобни эмас, балки тадрижий инқилобларни бошдан кечириши инobatга олинса, инсонлар

ўзини ҳар ўн йилда қайта кашф этишига тўғри келади. Албатта, товоидан ўт чақнаган йиғирма яшар йигит-қизлар ҳар қандай мушкул касб-корни тез ва соз ўзлаштира олади. Аммо ўттиз, қирқ ва эллик ёшда янги меҳнат турини ўрганиш ва унга мослашиш ўта мушкул кечади. Дунё миқёсида одамларда касбу корборасида ташвиш ва хавотирнинг ортиб бораётгани сабаби ҳам шунда.

Истиқболдаги бандлик бозори ҳақида сўз борганда роботлаштиришга урғу берилиши табиийдир. Биз, айна чокда, биотехнологияларга ҳам ана шундай кўламда эътибор қаратишимиз лозим. Кўплаб янги касблар инсоний ҳиссиётларни англашни тақозо этади. Ҳатто учувчисиз, ҳайдовчисиз машиналар пиёдаларнинг хулқ-атворини тушуниб етиши керак бўлади. Айниқса, банк ходимлари, ижтимоий ҳимоя соҳаси мутахассислари вазибаларини машина бажарадиган бўлса, бу янада долзарб аҳамият касб этади.

Мавзунинг туб моҳиятига назар солсак, касб-корни эмас, балки одамларни ҳимоя қилиш масаласи ўртага чиқади. “Эшагидан тушови қиммат” бўлган баъзи касблардан воз кечиш тўғри, албатта. Аммо биз касблар ҳақида эмас, аввало, одамлар ҳақида қайғуришимиз керак.



Ўрта асрларга солиштирганда ҳозир одамзод гўё жаннатда яшамоқда. Бу ўринда замонавий яшаш шароитлари ва қулайликлар назарда тутилмоқда. Биз тиришқоқлик билан меҳнат қиламиз, намунали ходим бўлмоқнинг ҳам уддасидан чиқамиз. Бироқ аксаримиз мазмунли дам олишни билмаймиз. Юваль Ной Ҳарари ўзгаришларга мослашувчан бўлиш, айна шу йўналишда сармояни кўпайтиришни таклиф этади.

“Эҳтимол, биз “homo sapiens”нинг охириги авлодимиз. Бир ёки икки асрдан сўнг Ер сайёраси аҳолиси, биз неандерталлардан қандай фарқ қилсак, биздан худди шундай кескин фарқ қиладиган махлуқотлардан иборат бўлар. Зеро, кейинги авлодларимиз ўз танаси ва ақл-идрокини модификация қилишни ўрганиб олади. Айна шу омил XXI аср иқтисодийнинг ўзак хусусиятига айланади”, дея фаразларини баён этади олим.

### Ўзи ўзига устоз

Ўзгаришлар таълим тизимини ҳам четлаб ўтаётгани йўқ. Янги таълим тизими ҳақида гап кетганда япон олими Митио Каку ўтган йили “The New York Times” газетасида баён этган фикр-мулоҳазаларни ёдга олиш ўринлидир. Илм-фан тарғиботчиси сифатида тилга тушган олимнинг таъкидлашича, эндиликда билим олиш эслаб қолишга таянмайди. Тез орада технологик гигантлар барча зарур ахборотни юклаб оладиган жажжи линза кўринишидаги кўзойнакларни ишлаб чиқаради. Мактаб ўқувчилари ва дорилфунун талабалари имтиҳон вақти керакли маълумотни интернетдан излаб топиб, гапириб

бериши мумкин – бунинг учун кўзини бир юмиб очиши кифоя.

“Бу, бир томондан, мияни кераксиз ахборотлар билан тўлдиришнинг олдини олади. Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, инсон мияси ҳаёти давомида наф-манфаати йўқ маълумотларга тўлиб кетади. Иккинчи томондан эса, миядаги бўшаган жой, яъни ақлий захира кўпроқ ўйлаш, таҳлил-тафаккур қилиш, керакли далил-исботларни саралаш, тўплаш ва пировардида тўғри қарор қабул қилишга сафарбар этилади”, деб ёзади Митио Каку.

У ҳолда, анъанавий имтиҳон, ўқитувчи назорати деган гаплар қаерда қолади? Олимнинг бу борадаги мулоҳазалари ҳам диққатга моликдир. Унинг фикрича, биз ҳаётимиз учун бутун масъулиятни ўз бўйнимизга оламиз. Шу тариқа назорат органи керак бўлмай қолади ва биз автоном иш кўриш кўникмасини орттираамиз.

Одамлар қайси билимлар зарур эканини ҳисобга олган ҳолда ўз-ўзига таълим бера бошлайди. Мабодо маслаҳат керак бўлиб қолса, “ақлли девор” ёрдамга келади. Яқин истиқболда сунъий интеллектга асосланган қурилмалар барча жойларда: хонадонлар, офислар ва кўчаларда жойлаштирилади. “Ақлли девор” ҳузурига келиб, “Мен биология профессори билан гаплашмоқчиман” десангиз кифоя, дарҳол экранда виртуал профессор пайдо бўлиб сизга керакли маълумот беради. Бундай тизим фақат таълимда эмас, тиббиёт, ҳуқуқшунослик, дизайн, психология каби соҳаларда ҳам қўлланади. Митио Какунинг фаразига ишонсак, келажакда жонли ўқитувчиларга эҳтиёж қолмайди. Албатта,

роботлар жарроҳлар каби реал мутахассислар ўрнини босаолмайди, аммо кўпгина муаммолар виртуал маконда ечим топиши аниқ.

“Одамзод яшаётган муҳит тубдан ўзгаради. Жамият товар-маҳсулот иқтисодийдан интеллектуал-ижодий иқтисодиётга ўтади”, деб хулоса ясайди М. Каку.

### Сайёрамиз хўжайинлари

Маъмурий бошқарув ва ижтимоий ҳаётни тартибга солувчи қонунчилик шиддатли ўзгаришларга тезкорлик билан жавоб беролмаяпти. Шу боис жаҳон мамлакатлари, хусусан, мутараққий дунёда ҳокимият қайта тақсимланаётир: корпорациялар давлат органларига қараганда қудратли кучга, ахборот эса энг қиммат ресурсга айланмоқда.

“Сайёрамизнинг истиқболдаги хўжайинлари кимлар? Буни ким ахборотга эгалик қилса, ўша ҳал қилади. Ахборот назорати кимнинг қўлида бўлса, Ер шарига ҳаётни ўша ўз назоратига олади. Ахборот – дунёдаги энг муҳим сармоя ҳамда муваффақият омилдир. Бир гуруҳ танланган одамлар қўлида ниҳоятда катта кўламдаги ахборот тўпланиб қолса нима рўй беради? Инсоният синфларга эмас, турларга бўлиниб кетади. Ахборот шунинг учун муҳимки, биз эндиликда нафақат компьютерларни “бузиб-синдириш”, айна чоқда, инсон организмни ҳам “бузиб-синдириб”, ичига кириш нуқтасига етиб келдик. Бунинг учун ҳисобловчи катта қувват ва улкан ҳажмдаги биометрик маълумотлар зарур. Шу вақтгача инсониятни “бузиб-синдирадиган” воситалар ҳеч кимда йўқ эди. Ҳатто

одамларни узлуксиз кузатиш ва назорат қилиш имкониятига эга бўлган совет КГБси ва испан инквизицияси ҳам бундай воситадан маҳрум эди”, деб ёзади Юваль Ной Ҳарари.

Вазият бир вақтнинг ўзида содир бўлаётган икки инқилоб: компьютер технологияларининг ривожланиши ва биология, жумладан, нейробиологиянинг тараққиёти туфайли тубдан ўзгармоқда. Бу эса инсон мияси қандай ишлашини тўлиқ идрок этишга йўл очмоқда. “Бир ярим асрлик тадқиқотларни уч сўз билан умумлаштиришимиз мумкин: организмлар – алгоритмлар демакдир. Бугунги кунда инсоният ана шу алгоритмларни қандай табдил этишни ўрганмоқда”.

Икки инқилоб учун энг муҳим ихтиро бу – бизнинг танамиз ва миямиздаги биокимёвий жараёнларни электрон сигналларга ўтказадиган ва уларни компьютерда таҳлил этадиган биометрик сенсор бўлса ажаб эмас. Фаразан, алгоритмларни ўқиш орқали инсондан кўра дурустроқ мавжудотни яратса бўлади. Бироқ бу мавжудот қандай тарзда ҳаёт кечиради? Технологияларни қай мақсадда истифода этади? Бу каби саволларга ҳозирча жавоб йўқ.

Ахборотга эгалик қилишни тартибга солиш ҳам тақдируламал масалалар сирасига киради. Ҳозирда шахсий ахборотларнинг катта қисми йирик корпорациялар тасарруфида экани ташвишланарли ҳолатдир. Айна чоқда, ҳукумат ахборотни национализация қилишга вакил этилса, бу ҳол рақамли диктатурага олиб келиши мумкин. Демак, бу борада сих ҳам, кабоб ҳам куймайдиган ечим топмоқ лозим.

## Манипуляциянинг минг бир усули

Глобал дунёда ахборотга эгалик қилишдан кўзланган асосий мақсадлардан бири – халқ ва жамиятни ўз манфаатларига хизмат эттирмақдир.

Массачусетс технология институти (АҚШ) профессори, замонамизнинг атоқли файласуфларидан бири Ноам Хомскийнинг бу мавзудаги тадқиқотлари дунё жамоатчилигининг эътиборини тортди. Унинг китоблари дунёнинг юздан зиёд мамлактада нашр этилди. Хусусан, олимнинг оммавий ахборот воситалари ва ҳукмрон доиралар инсон онгини манипуляция қилиш мақсадида қўллайдиган усулларга бағишланган мақола ва рисоалари халқаро миқёсда жуда катта қизиқиш уйғотди.

Сиёсий ва иқтисодий гуруҳлар ўта муҳим қарорлар, долзарб муаммолардан омма диққатини четга тортиш, чалғитиш мақсадида жамиятга шов-шувли, аммо ижтимоий жиҳатдан аҳамиятсиз хабарларни сиздиради. Ноам Хомский бу жамиятни бошқаришнинг кенг тарқалган усулига айланганини аниқ факт ва рақамлар билан исботлаб берган. Унинг фикрича, ахборот макони инсон ақл-идрокини чархлашга қаратилган мавзулар эмас, балки спорт, шоубизнес, мистика, қўйди-чиқди, маиший ҳаёт машмашалари, осон ва тез бойишга қаратилган шубҳали сюжетлар билан тўлдирилади.

Оммани йўриққа солишнинг минг бир усули ўйлаб топилган. Гоҳида жамоатчиликнинг “юрак торларини чертадиган” ва оммавий муносабат билдиришга ундайдиган муаммо туғдирилади, қалтис вази-

ят яратилади ва оқибатда аҳолининг ўзи ҳукмрон доиралар учун керак бўлган чоралар ва қарорлар қабул қилинишини талаб эта бошлайди. Масалан, фуқаролар ҳақ-ҳуқуқ ва эркинликларини чеклашга қаратилган бўлса-да, хавфсизлик чораларини кучайтирувчи қонунлар қабул қилинишини талаб қилсинлар дея, шаҳарларда зўравонликларга атайлаб йўл қўйиб берилади ёки қонли террористик хуружлар уюштирилади. Ноам Хомский яқин ўтмишдан қуйидаги мисолни келтиради: “Аҳоли ўртасида норозилик келтириб чиқарадиган чора-тадбирлар тадрижийлик асосида, босқичма-босқич амалга оширилади. 1980-ва 1990-йиллар учун янги глобал ижтимоий-иқтисодий низом (неолиберализм) худди шу тарзда тиқиштирилган эди. Оқибатда давлатнинг ваколатлари кескин қисқартирилди, халқ мулкани хусусийлаштириш оммавий тус олди, жамиятда эртанги кунга ишонч ва барқарорлик йўқолди, оммавий ишсизлик авж олди, маошнинг баракаси учди. Агар бу сира ишлар босқичма-босқич эмас, бирданига амалга оширилганда эди, шаксиз инқилоблар юз берарди”.

Аҳолининг кескин норозилигига сабаб бўладиган қарор тафтини сўндиришнинг яна бир усули – уни оғриқли ва ўта долзарб муаммо сифатида кўрсатиш ҳамда уни ҳал этишга қаратилган қарорнинг келажакда қабул қилинишига фуқароларни кўндирмоқдир. Одамлар, одатда, айни вақтда эмас, келажакда қурбон беришга тезроқ ва осонроқ рози бўладилар.

“Хўш, одамлар нима учун бунга кўнади? Биринчидан, норозиликка сабаб бўладиган қарор дарҳол қабул қилинмайди. Иккин-



Эл НУР. “Шайтонарава”


чидан, халқнинг жуда катта қисми “эртага ҳамма нарса яхши томонга ўзгаради” ва шу боис талаб этилаётган қурбонликдан қутулиб қолиш мумкин, деган содда хомхалларга берилишга мойилдир”, деб ёзади Н. Хомский.

Вақти-соати келиб аҳоли гарданига оғир юк бўлиб тушадиган қарор қабул қилинганда эса, одамлар ўзгаришларга руҳан ҳозирланган бўлади ва унга жимгина бош эгади.

Манипуляция учун яна бошқа найранглар ҳам ишга солинади. Кенг оммага мўлжалланган тарғибот маърузаларининг аксариди далиллар, персонажлар, сўз ва унинг оҳанги шундай танланадики, гўёки тарғиботчи мактаб ёшидаги болалар ёки ақлан ривожланмай қолган индивидлар даврасида нутқ ирод қилаётгандек. Н. Хомскийнинг қайд этишича, тингловчи-

ни батамом чалғитишга уринаётган шахс фикран, ақлан ўсмай қолган одамларга мўлжалланган сўз ва ибораларни қўллайди. Хўш, у нега бундай усулни танлайди? Гап шундаки, биров одамларга худди 12 яшар болакайга мурожаат қилгандек сўзласа, табиийки, аудитория ҳам болаларга хос, танқиддан холи тарзда жавоб-муносабат билдиради.

Маълумки, одамлар кўп ҳолларда ақл-идрок овозига эмас, ҳиссиётлар шовқинига қулоқ тутаяди. Олим бу муаммони ҳам тадқиқ этган. Унинг талқинича, ҳис-ҳаяжонга таъсир кўрсатиш усули одамларнинг воқеаларни рационал таҳлил этиш укувини жиловлайди, пировардида, аудитория ён-атрофда содир бўлаётган воқеаларни танқидий идрок этиш кўникмасидан мусово бўлади. Хомский буни классик нейролингвистик дастурлаш усули деб атайди.



Эл НУР. “Эврилиш”

Бошқа томондан, ҳиссиётга таъсир кўрсатиш усули онг остига муайян фикр, истак, кўрқув, хавотир, мажбурлов ёки жамиятда ўзини тутишнинг барқарор моделини жойлашга йўл очади. “Очлар ва хўрланганларнинг чекаётган азоб-уқубатлари, ҳукуматнинг адолатсизлиги, терроризмнинг шафқатсизлигини ҳиссиётга берилган ҳолда лаънатлаш жамиятда содир бўлаётган воқеаларнинг ҳақиқий сабабларини парда ортига беркитади. Ҳис-ҳаяжон – мантиқнинг душмани”, деб таъкидлайди атоқли файласуф.

Табиийки, ҳукмрон сиёсий ва иқтисодий гуруҳлар оммани идора этиш ва уни ўз иродасига бўйсундириш учун қўллаётган усул ва методлардан кенг жамоатчилик воқиф бўлмаслигини истайди. Бу мақсадда ҳам

турли усул-услуглар ишга солинади. “Жамиятнинг қуйи табақасига берилаётган таълим сифати ўртамиёна бўлиши лозим. Токи жамиятнинг паст табақаларини олий табақадан ажратиб турувчи тўсиқлар қуйидагилар ошиб ўтолмайдиган даражада баланд бўлсин”, деб ёзади Хомский.

Олимнинг яна таъкидлашича, ҳокимият эгалари “ҳозир зеҳни паст, фаросатсиз, ҳаёсиз ва тарбиясиз бўлиш урфда” деган қарашни кенг оммага сингдириш пайида бўлади. Бу усул юқоридаги метод билан чамбарчас боғлиқдир. Бинобарин, замонавий дунёда ўртамиёналик ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида – диний соҳадан то илм-фангача, санъатдан то сиёсатгача кенг қулоч ёяётгани бежиз эмас.

Жанжал-тўполонлар, “сарик матбуот”, жодугарлик ва магия, енгил-елпи тадбирлар, бемаъни юмор ва популистик акциялар – буларнинг барчаси одамларни ҳаёт ҳақиқатларини англашига йўл қўймасликка қаратилгандир.

Яна бир вазифа – одамлар онгига шахсий бахтсизликлари учун ақлий салоҳияти пастлиги, уқувсизлиги ва етарли даражада саъй-ҳаракат қилмаётганини асосий сабаб сифатида сингдириш, айбдорлик ҳиссини кучайтиришдан иборатдир. Оқибатда омма иқтисодий тизимнинг ноқисликларига нисбатан эътироз билдириш ўрнига, барча муаммолар учун ўзини айблай бошлади, пировардида тушкунликка тушиб қолади. Бу эса талай нохушликлар, жумладан, турғунликка олиб келади.

“Кейинги эллик йилда фан тараққиёти оддий одамларнинг билимлари билан ҳукмрон синфлар эга бўлган ва фойдала-

наётган маълумотлар ўртасидаги фарқни ниҳоятда катталаштириб юборди. Биология, нейробиология ва амалий психология туфайли давлат тузилмалари инсоннинг ҳам физиологияси, ҳам психикасига тааллуқли энг замонавий билимларни қўлга киритди. Давлат тизими инсон ҳақида унинг ўзидан кўра кўпроқ нарсани биладиган бўлди”, деб жаҳонда юзага келган воқеликни таъриф-тавсиф этади Н. Хомский.

### Кўрқув ва умид орасида

Инсонни турли ғоялар орқали ҳар кўйга солишга қарши кураш, ижтимоий тенгсизликнинг кучайиб боришига нисбатан кескин норозилик, давлатлар ўртасидаги чегараларни ювиб юборган оммавий миграция... бу каби шиддатли жараёнлар курраи арз чуқур ўзгаришларга юз тутаётганидан дарак бермоқда. Инсоннинг ўзлигини асраб қолиши ҳаёт-мамот масаласига айланган бугунги кунда одам боласининг қалбида янги дунё нишонлари бўй кўрсатмоқда. Одамзод аввалгидек “белгиланган тамоиллар, одатлар” асосида ёки “мақсадга мувофиқ” тарзда яшашни истамаётир. У ғоя ва мафкура машинасининг мурвати эмаслигини англамоқда. Ана шундай англамлар, истаклар замирида янги дунё туғилмоқда.


Жаҳонда рўй бераётган бундай ўзгаришлар, бир томондан, сиёсий кучларни анъанавий тактика, стратегия, технология ва ғоялардан воз кечиб, прагматик йўл танлашга мажбур қилаётган бўлса, иккинчи томондан, уларнинг радикаллашувига олиб келмоқда. Юз бераётган буҳронларнинг сабабларини чуқур таҳлил қилиш, зарур

хулосалар чиқариш ўрнига унинг айбдорларини қидириш авж олмоқда. Афсуски, мигрантлар, хорижлик ишчилар, Ғарб цивилизациясига мансуб бўлмаган одамлар асосий айбдор ўлароқ кўрсатилмоқда.

Сўнги вақтларда диний тоқатсизлик, ксенофобия, ирқчилик, “миллий мумтозлик” тегирмонига сув қуяётган сиёсий баёнотлар янада баландроқ оҳангда янграмоқда, бу тоифа сиёсатчилар сафи кенгаймоқда. Илгари носоғлом даъвою иддаолар билан бир ҳовуч ўта ўнг ёки сўл сиёсатчилар чиққан бўлса, бугун ўзини мўътадил деб ҳисоблаб келган, ҳукумат аъзоси ёки раҳбари бўлган баъзи сиёсатчилар ҳам ўта радикаллар хорига жўр бўлмоқда. Энг ёмони, кўплаб арбоблар миллий, диний мумтозлик даъвоси билан йўғрилган ғояларни баралла тарғиб-ташвиқ этишдан уялмаётир. Мақсад эса ўша-ўша – нима қилиб бўлса-да сайловда ғолиб чиқиш, қандай йўл билан бўлмасин электорат ишончини қозониш.

Шукрки, замонавий дунё фақат муаммолар рангидагина намоён бўлаётгани йўқ. Унинг шаклу шамойилида инсоннинг азалий ва абадий ҳамроҳи – умид, қувонч, завқ, ишонч, орзу-ниятлар ҳам бор, албатта. Шоир айтмоқчи, “*Иллат излаганга иллатдир дунё, // Ҳикмат излаганга ҳикматдир дунё*”. Инсон мудом яхшилиқни соғиниб яшайди. Айниқса, ҳозирги мураккаб даврда одам боласи учун юрти ва оиласининг тинчлиги, хотиржамлик, иқтисодий рўшнолик, фарзандларига муносиб тарбия ва билим бериш асосий мақсад-муддаога айланиб қолди. Бу – остонамизда турган янги дунёнинг таскинбахш фазилатидир.

Нодира ОФОҚ



## OLAMI KUBRO

**Қалб нима? Уни қандай ҳис этмоқ мумкин? Бир қарашда савол жуда оддий, унга жавоб қилиш ҳам осондай. Лекин теран ўйлаб қарасак, беражак жавобимиз анчагина мавҳум, сийқаси чиққан мулоҳазалардан иборат бўлишини иқрор этмоққа тўғри келади. Ўзимиз эса бошқалардан ҳаммиша аниқ-ёрқин, бетакрор жавоблар кутамиз. Ҳар қандай мавҳум тушунча тасаввуримизда образли жиллоланиб, жилваланиб туришини хоҳлаймиз. Алқисса, қалбга оид бу савол мени анчадан буён беором этган ўй-хаёллар сари етаклади.**

**“Қалб” санъати**

Сираси, бу битикларнинг ёзилиш сабаби шундай: бир мавзу юзасидан китоб варақлаб, шарқ шеършунослигида “қалб” деган бадий санъат борлигидан хабар топдим. Шеъринг матнда тескарисига ўқилганда ҳам маъно англатадиган сўзларни (“фан – наф” каби) мазмунга мувофиқ қўллаш усули

бўлиб, бадий санъат номи сўзнинг луғавий маъносига кўра қўйилган, қалб оти арабча қалаба, яъни ағдариш, ўзгартириш, тескари қилмоқ маъносига феълдан ясалган экан. Тўғриси, кутилмаган ҳол бўлди бу менга. Қалбни туйғулар, энг олий қадриятлар ватани, ўта нозик бир хилқат, ўзгармас моҳият-субстанция деб билганман-да. Об-


разли қилиб айтганда, қалб бу – одам дея англаганман. Луғавий маъно ҳафсаламни пир қилгандек, тасаввуримда ниҳоят юксак бўлган тушунчага соя солгандек бўлди: қалб наҳотки беқарор, бетутуриқ бир хилқат бўлса? Китоб варақладим, интернет титкиладим ва куйидагиларни билиб олдим:

Билгичларнинг ёзишича, одам қалби доим бир хил эмас – ўзгариб, таъбир жоиз бўлса, у ёқ-бу ёққа ағдарилиб тургани учун шундай ном берилган экан. Ҳадиси шарифда келадики, Муҳаммад (с.а.в.) “Эй қалбларни айлантиргувчи Зот, қалбимни динингда собит қилгин” дер эканлар. “Эй Оллоҳнинг Расули, Сизга ва Сиз келтирган нарсага имон келтирдик. Бизга бирор нарса бўлишидан кўрқасизми?” деб сўралганда, “Ҳа, албатта, қалблар Оллоҳнинг панжаларидан икки панжа орасидадир. Уларни У Зот қандай хоҳласа, айлантириб туради”, дея жавоб қайтарган эканлар.

Яна билдимки, олам ва одамни дунёвий англашда, кундалик мулоқот-муносабатларимизда, айниқса, шоирлигу ижодда қалб қанчалик аҳамиятли бўлса, илоҳий ҳақиқатларда ҳам шу қадар, ҳатто ундан-да зиёда мазмун ташир экан. Эҳтимол, узоқ асрлик йўлларда кейингиси олдингисига манба-ибтидо бўлгандир?.. Шубҳасиз, шундай деб ўйлайман!

Муқаддас динимизга кўра, одамда моддий ва руҳий қалб мавжуд экан. “Қуръонда унинг тўрт даражаси бор. Унинг юксалиш тартибига кўра тақсимланиши: юрак, қалб, дил ва онг. Гоҳида дил билан ақлнинг бирикмаси онг деб аталади. Юрак нафсда, онг эса руҳда кўринади. Оллоҳ азза ва жалланинг назаргоҳи ана шу қалбдир” (*Қалб нима? // <https://islom.uz/maqola/21348>*).

Биз – ўқувчиларнинг қалбини ўзимиздан кўпроқ билган ва ифода этган ҳазрат Навоий ҳам “*Солик ани Арши муалло деди, // Сўфий ани Олами кубро деди*” дея



қалбнинг (кўнгил) арши аъло ҳамда кубровий – муҳташаму буюк бир олам саналганидан хабар беради.

Қуръони каримда қалбнинг ўнлаб тури зикр этилган экан. Керакли манбалар интернетда мавжудлигини эслатган ҳолда, куйидагиларни алоҳида қайд этиш билан чекланамиз: салим (соғлом), яъни пок ва тақводор, илоҳий қонунларга мусаллам ва Оллоҳдан кўрқадиган, уйғоқ ва тавба қилгувчи қалблар билан бирга нафсга гирифтор ва сўқир, тафаккурдан маҳрум ва ғофил, меҳр-шафқатдан мосуво ва муҳрланган, қаттиқ қалблар ҳам бор. Ҳатто саноққа солсак, жоҳилшева қалб турлари эзгуларидан кўпроқ экан!

Шу сатрларни қоғозга тушириш асносида бола чоғларимиз бувимнинг аллаким ҳақида “Қалб одам у” деганларини эсладим. Ўшанда бу таърифни “ёмон одам, ҳасадгўй, ичиқора” деб тушунганман. Балки раҳматли бувим “тутуриғи йўқ, ўзгарувчан” демоқчи бўлгандир. Шевада шунақа сўзнинг борлиги ҳам бу мушоҳада қилса арзийдиган мавзу, деган хулосага ундайди. Хўш, арабий бу калима бизга қаердан келиб қолди? Нега у оддий одамларнинг қалб ҳақидаги тушунчаларига зид маъно-мазмун ифодалаётир?..

## “Энг асосий нарса – кўз билан кўриб бўлмайдиган нарса”

Самолёти тақир сахрога қулаб тушган учувчи нақл этган кичкина шаҳзода қиссасида шу жумла кўп такрорланади. Балки муаллиф қалбни назарда тутгандир?!

Бошқа замонларни билмадим, аммо биз худди на сўзу на амалга қараб қалб ҳақида ҳукм қилиб бўлмайдиган даврда яшаётгандекмиз. Муболағали туюлар, лекин озгина тафаккур қилган одам бу ҳол маҳалладан тортиб катта сиёсий майдонларгача, маҳрам ошиқдан тортиб еттиёт бегона обрўли давлат раҳбарларигача хос бўлиб қолганини англайди. Гоҳо энг яқин одамингизга юрагингизни ёргингиз келади, гоҳо эса кимга ишонишни билмай қоласиз. Таъбир жоиз бўлса, зоҳиран ялмоғизнинг кўксига сўфийнинг юраги тепиб туради, барқ уриб очилган гул эса одамхўр бўлиб чиқади...

Ана шундай лаҳзаларда яна адабиётга юзланасиз. Зеро, адабиёт – сидирғасига қалб ҳақидаги битиклардан иборат эмасми?! Қалбни англашга оид йўриқнома эмасми? Ахир, севимли Пушкиннинг Онегинини охир-оқибат Татьяна қаршисида бош эгдирган қалб эмасми? Донишвар Толстойнинг охирги романи қалбнинг тирилиши ҳақида экани аниқ-ку! Навоий бобомизнинг қалами сўнги марта қалбларнинг севгани (“Маҳбуб ул-қулуб”) васфида сурилмаганмиди?..

## Отабек бизга чиндан ўрнамми?

Сўз санъатига бефарқ бўлмаган ҳар биримиз “Ўткан кунлар”ни бирда тўкилиб, бирда парвоз қилиб ўқиб чиққанмиз, такрор-такрор мутолаа қилганмиз. Юсуфбек

ҳожини, Отабекни, Кумушни хаёлан қанча ардоқлаганмиз! Камина ҳам баъзан недир сабаб билан романнинг зарур саҳифасини очаману Қодирий “жоду”сига маҳлиё бўлиб, мақсадимни унутиб, китобни яна охиригача ўқимоққа киришаман. Ҳозир ҳам асосий муддаодан узоқлашаётгандекман...

Бир гал дарсми, илмий тадқиқми сабаб Отабек образини атрофлича мушоҳада қилишга тўғри келиб қолдию ғалати ҳолга тушдим.

Отабекни ҳар биримиз ҳеч истисносиз муносиб бир ибрат, юксак инсоний фазилатлар мужассами ўлароқ баҳолаб келамиз. Бу борада адабиётшунослик ҳам биз китобхонлар билан яқдил.

Ҳамма замонларнинг шак-шубҳасиз қаҳрамонидек қабул қилинадиган Отабек сиймосидаги қай бир жиҳат бизни бу қадар мафтун айлаган? Агар адиб тасвир этган воқеаларни бирма-бир ақл кўзгусига солиб қарасак, ўзгача ҳолнинг гувоҳи бўлмай-мизми? Отабек қилган қор-амалларнинг анча-мунчаси инсонийлик арконида йироқ эканини иқрор этмоққа тўғри келмайдими?

Роман воқеаларини бир сидра хаёл чиғириғидан ўтказсак, бундай манзара намён бўлади: Отабек аввал-бошлаб ота-она ризолигисиз Кумушга, кейин эса ўша ризоликка эришмак учун Зайнабга уйланади. Пировардида ўзининг ҳам, ота-онасию суюкли Кумушдан тортиб гўдак ўғлию Зайнабгача – барча яқинларининг ҳам ҳаётига бахтсизликнинг қора муҳри босилади.

Шамай сафари чоғида тараққиёт манзараларидан қалбида ҳайрат ва ҳавас туяди. Шу ишларни Ватанда ҳам жорий этмакка шошади... аммо тезда бунга ҳам қўл сил-

тайди. Орзу орзулигича қолиб кетади. Сабаби китобхонга маълум, албатта.


Ҳасад ва фитна аралашиб, ёр эшигидан “уятсиз” деган тамға остида ҳайдалгач, айрилиқ ва аламни енголмай, бўзахўрликка берилади. Буям майли. Биз ўрناق бир қаҳрамон деб билганимиз Отабек қотилликка-да қўл уради! Ҳаёти таҳлика остида эканини қалтис лаҳзада сезиб қолган Отабек, албатта, одамкушлик ташаббускори эмас. Унинг ҳаракати фитнага қарши жавоб эди ва бу ҳаракатида чандон ҳақли эди. Аммо қутидорнинг “Мендан ўзи хафа бўлган бўлса, орага киши кўйса ҳам бўлар эди” деган сўзлари билан муаллиф мудҳиш яқун топган масаланинг бошқачароқ, тинчроқ ечими ҳам бўлганига ишорат этади.

Яна кўрамизки, қипчоқ қирғини манзараларидан даҳшатга тушган Отабек ўйламай-нетмай отасига таъна тошларини отади. Ўшасиз ҳам юраги қонга тўлган Юсуфбек ҳожини шошқалоқлик билан қатлиом ташкилотчиларидан бири дея маломат қилади.

Совуқ ақл мантиғи билан ҳукм қилганда, турмушидаги аёллардан бирининг қотил, бошқасининг мақтулга айланишига ҳам Отабекнинг ўзи сабабчи эмасми?

Мусибатзада ота ва онани дарду изтироблар гирдобига ташлаб, изоҳсиз-несиз Тошкентни тарк этиши-чи?

Кумушнинг иккинчи бор узатилишига оид жонсўз бир хабар қаршисида “Кишининг хотинини талоқсиз чиқариб ол-да, бу кун эрга бер” мазмунидаги киноя ила масалани ислом рукнлари асосида ўз фойдасига ҳукм қилмоқчи бўлган кимсанинг охирги қарори-чи? Унинг кўнгилли бўлиб урушга



кетишини ўз ҳаётига зимдан суиқасд десак-да ҳақсиз бўлмасмиз эҳтимол?

Шу сира эътирозли саволлардан кейин ҳам Отабек ҳақидаги тасаввуримизда собит қола биламизми? Хўш, қайси далил-асосга таяниб Отабекни асл инсон ўлароқ баҳолаймиз?

Ана шундай таҳлилу иштибоҳлар аро бир сўз хаёлимга чақиндай урилади: ҚАЛБ!

## Жозиб куч

Биз Отабекни зоҳирий амаллари учун эмас, қалбидаги эзгулик, руҳоний гўзалликлар туфайли, улуғвор муҳаббат туфайли асл инсон санаймиз. Бу эзгуликлар зулм муҳитининг қаттол-қўрғошин деворига урилиб чил-чил синса-да, Отабек сиймосида бизни ўзига чорлаган жозиб куч – қалбдир.

Бу қалбда ота-онага ҳурмат – ўз бахтини қурбон қилмоқ қадар муҳташам.

Бу қалбда муҳаббат – ота-она ризолигини унутар даражада мажнунвор ва жодули.

Бу қалбда Зайнабга ачиниш, хизматида бўлган Ҳасанали отага айрича меҳру эъти-

*Бу қалбда биргина “уятсиз”  
деган сўздан бутун олами вайрон  
бўлиш қадар нозиктаъблик, ор-  
номус, фақат Яратганга ва ўзига  
таянишдай мукаррам ақида  
пойдор.*

*Бу қалбда ўлим ҳукми қаршисига  
виждонни шоҳид кўйишдек  
фавқулудда соддалик, юксак  
инсоний жасорат ва кутилмаган  
гўзал қарорлар мужассам.*

бор, уста Олимдай тоза туйғулар соҳибига инжа яқинлик бор.

Бу қалбда биргина “уятсиз” деган сўздан бутун олами вайрон бўлиш қадар нозиктаъблик, ор-номус, фақат Яратганга ва ўзига таянишдай мукаррам ақида пойдор.

Бу қалбда ўлим ҳукми қаршисига виждонни шоҳид кўйишдек фавқулудда соддалик, юксак инсоний жасорат ва кутилмаган гўзал қарорлар мужассам.

Бизни Отабекка мафтуну мубтало қилган ҳодиса ҚАЛБ – моҳият, фитрат, инсоний эзгуликлар макони бўлмиш жавҳардир.

### Соҳибин ҳалок этди...

Отабек қисмати мисолида инсон ботиний дунёсининг ташқи хатти-ҳаракатларга номувофиқ, қарама-қарши келиб қолиши, аниқроғи, бу аянчли ҳолларнинг шахс инон-ихтиёрига зид равишда содир бўлиши бизни ларзага солади. Шу ларза – биз ўз қалбимизни ҳис эта бошлаганимиз нишонасидир. Ташқи муҳитнинг, ноинсо-

ний бўлиб кўринган хатти-ҳаракатларнинг барчаси биз учун Отабекнинг ёруғ-ойдин туйғуларга тўла қалби олдида ҳечга айланади. Қалбдаги асл қадриятлар қарши-сида туссизланиб қолади. Қалбимизнинг парвозидан, гўзалликка, эзгуликка, муҳаббатга талпинишидан (эзгулик, гўзаллик ва муҳаббат фожиаларга эш бўлса-да!) шавққа тўламиз.

“Отабек – асл инсондир” деган хулоса адабиётшунослик талқинларига таянган ҳосилавий билимларимизнинг эмас, қалбимизнинг, қалбимиз меъёрларининг, ботинимиздаги савқи табиийнинг баҳосидир! Айнан қалб тушунчаси Отабекнинг аҳли зоҳирбин бизга писанда қилиши мумкин бўлган хатти-ҳаракатларини оқлашга ҳуқуқ беради.

Қалбни кўриб бўлмайди... Маълум бўлмоқдаки, ҳатто айрим ҳолларда зоҳирий амалларга қараб ҳам у ҳақда ҳукм қилиб бўлмас экан. Адабиёт эса Отабек қиссаси воситасида бизга қалб сирини ҳаётини саҳналарда кўрсатиб берди.

На юқори, на куйи табақа вакиллари бахтли бўлолган тарихий муҳитда Отабек қалбидан кўним топган юксак қадриятлар рўёбга чиқмади. Водарифки, бу руҳоний эзгуликлар имкон ҳолида қолиб ҳам кетмади. Мазмунига мос шаклда рўёбга чиқа олмаганидан ўз соҳибининг ҳаётини ҳалокатга маҳқум этди. Оддийроқ қилиб айтганда, Отабек ўзи мансуб жамиятга мослашиб кетолмади. Нораво жамиятда ўз ботинидаги олийжаноб қадриятлар учун нораво усулларда курашмоққа маҳқум этилди. Зиддиятли қаҳрамонга айланди ва охир-оқибат ҳалок бўлди.

Ҳатто айтиш мумкинки, эзгуликларга тўла қалб ўз соҳибини ҳалок этарак нобоп

жамиятга қаршилиқ кўрсатди. Ёзувчи, эҳти-мол, қалбнинг қудратини кўрсатиш мақсадида айни шу хил парадоксни қаламга олгандир?..

### Сўнги таянч

Шундай мазмунда ҳадис бор: “Зулми кўл билан, имкони бўлмаса, тил билан қайтаринглар. Агар ҳаётингиз таҳлика остида қоладиган бўлса, унга дил билан қарши турунглари”. Албатта, гап бу ерда зулмга кўнмаслик ҳақида. Лекин бунда яна бир нозик ишора мавжуд: одам учун энг охириги таянч – қалбдир. Чекинмоқ учун бўлак манзил, суянмоққа бошқа суянч йўқ.

Тасаввуфий манбаларда ҳам, дунё фалсафасида ҳам қалб инсон ўз Парвардигори билан робитага киришадиган макон сифатида; бу борада ақл, илм ё меҳнатдан мутлақ устунликка эга восита ўлароқ талқин


этилади. Оламни таниш, тирикликнинг асл моҳиятини англаш фақатгина имонли, покиза қалбларгагина муяссар этилгани айтилади.

Дунёвий мезонда ҳам яхши фазилатларни ўзида мужассам этган қалблар ҳаёт барқарорлигининг асоси, инсонлик жамиятининг зийнати саналади.

### Қиёмат қачон содир бўлади?

Жонли мавжудотлар ичида фақат инсонгагина ўз йўлини танлаш ихтиёри берилган. Танланган йўл ва қалб тушунчалари чамбарчас боғлиқдир. Қачонки инсон роҳи ҳидоятдан адашса ёхуд ундан атайин юз ўгирса, қалби ношойиста иллатларга тўлади.

Муаззам тушунчаларни бир четга суриб қўйиб, оддий ақл билан мушоҳада қилинганда ҳам, қалбида ёмонликларни жам-



Эл НУР. “Бозингар”

*Маҳшар куни қачон келади?  
Илоҳий манбаларда йили, соату  
дақиқаси ҳақида аниқ хабар  
берилмаган... Одам боласи  
қачонки ёппасига диёнатдан  
айро тушса, қалблар бутунлай  
сўқир бўлиб, муҳрланиб қолса,  
ўшанда Ер юзиде инсон ҳаёти  
поёнига етади.*

лаганлар табиатни ҳам, яхши инсонларни ҳам, охир-оқибатда бир-бири ва ўзини ҳам ҳароб этиши аён бўлади.

Маҳшар куни қачон келади? Илоҳий манбаларда йили, соату дақиқаси ҳақида аниқ хабар берилмаган. Ҳа, ҳатто мана шу оламшумул Воқеанинг содир бўлиши ҳам бизга берилган танлаш ихтиёри билан боғлиқ экан! Одам боласи қачонки ёппасига диёнатдан айро тушса, қалблар бутунлай сўқир бўлиб, муҳрланиб қолса, ўшанда Ер юзиде инсон ҳаёти поёнига етади. Нафрат ва кекдан кирланган, тор манфаати шахсияси ва ўзгаларга ғараз йўлида маъсиятга қўл уришдан қўрқмайдиган қалб соҳиблари инсонни хўрлайдиган нобоп жамиятларни пайдо қиладилар. Шу хил кимсаларнинг кўпайиши, бир-бирини қўллаб-қувватлаши ва ўз ёмонликларини қонунлар билан мустаҳкамлаб олиб, туғёнга кетиши аввал имонли қалб соҳибларини, алаалоқибат эса бутун жамиятни ҳалокатга йўлқиради. Мана шу мантқиқ занжирдан туриб қарасак, одам ва унинг жами-

яти ҳалокатининг, пировардида эса дунё таназзули бўлмиш қиёматнинг ҳам боиси, алҳазарким, ёвуз ниятли қалблардир! Дунё ва инсоният ҳаётининг бардавомлиги эса маърифатли қалбларнинг мавжудлиги ила шартланган.

Шундай бир янглиш тасаввур ҳам бор: гўё бизнинг қалбимиз Оллоҳнинг измида; ниятларимиз, гуноҳ ёки савоб амалларимиз ҳам Унинг инон-ихтиёрида. Гуноҳ қилсак-да, гуноҳкор эмасмиз... “Лойимни ўзинг қорган эсанг, мен на қилай?” Асло ундай эмас! Бу – ўзини осийларча оқлашдан бошқа нарса эмас. Агар шундай бўлганда, жаннат ва жаҳаннам яратилишининг маъноси қолмасди.

Яратган барча мавжудотлар ичида инсонни муқаррам халқ қилди, фақат унгагина и х т и ё р берди, унгагина қ а л б берди!

Қалбларни қотиб қолган бир матоҳ қилмади. Қалбларга ғафлатдан уйғониш, жаҳолатдан халос бўлиш, кирлардан покланиш имконият саодатини туҳфа этди. Покиза қалбларни адашиш хавфидан огоҳлантди. Шариф ҳадислардан бирида айтилганидек, “Албатта, жасадда бир эт борки, агар у тўғри бўлса, бутун жасад тўғри бўлади. Агар у бузуқ бўлса, бутун жасад бузуқ бўлади. Огоҳ бўлингки, у қалбдир!”

### **“...баобаблардан эҳтиёт бўлинг!”**

Қалб, унинг ўзгарувчанлиги – салим қалбларнинг ғубор босиши ва ғофилларининг уйғониб, тозариши мумкинлиги ҳақида тинимсиз ўйлар, ўз-ўзимга саволлар ёғдирар эканман, қулоғим остида кўнғироқдек овоз жаранглади. Худди учоғи кимсасиз сахрога қулаб тушган учувчининг қулоғи остида жарангладек: “Эрталаб уйқудан

туриб, юз-қўлингни ювгач, у ёқ-бу ёқни йиғиштиргандан сўнг, дарҳол сайёрангни тозалашга киришмоғинг лозим. Баобабларни ҳар куни, канда қилмай йўқ қилиб туриш керак”. Бу сизга муқаддас битиклар уқтириб турадиган қалб тарбияси ҳақидаги даъватларни эслатмаяптими?

Негадир ҳар гал ўқиганимда “Кичкина шаҳзода” эртаги катталарга бағишланган тасаввуфий-шарқона асардек бўлиб туюлаверади. Бирда эса сирли, самовий сайёрасидан қулаб тушган кичкина шаҳзода қиссаси Исо (а.с.) ривояти модели асосида яратилгандек кўринади. Ахир, илон чақишидан ҳалок бўлди деб ўйлаганлари болакай самога тирик кўтарилиб кетмадими? Ўша илон унинг суҳбатдошлари ичидаги бир махлуқ эмасмиди? Шаҳзода осмони фалаклардан тушиб, ердагилар қалбига эзгу аъмолларни жойламаганмиди?..

Ҳарқалай, икки ҳолда ҳам ундан илоҳий битиклар руҳи уфуради. Қайси дин, қайси миллат вакили бўлишидан, қайси давр ёки маконда яшаганидан қатъи назар, яхши инсонларнинг юраги бир маромда тепишини ҳис этаман.

Хулосаи калом, “Кичкина шаҳзода” – қалб ҳақидаги асар. Тагига чизганим қуйидаги иқтибослар фикримни тасдиқлайди:

- ▶ Энг асосий нарса – кўз билан кўриб бўлмайдиган нарса.... Энг асосий нарсани кўз илғамайди. У сийратда, ботинда пинҳон.
- ▶ Афсуски, кўзлар бебасир, кўнғил кўзи билан излаш лозим.
- ▶ Сув баъзан юракка ҳам керак бўлади.
- ▶ Кўдүкни уйғотиб юбордик. Ана энди хиргойи қилишга тушди.

▶ Сизлар чиройлисизлар, аммо дилингиз бўм-бўш.

Қалбимиз – бизнинг самовий сайёра-миздир. Уни ҳар доим тозалаб туришимиз лозим. Дангасалик қилиб, уч туп дарахтни юлиб ташламаган боланинг сайёрасини баобаб босиб маҳв қилгани ҳақидаги ҳикояни, учувчи чизган расмлар ичида энг таъсирлиси баобаб хароб қилган ўша сайёранинг тасвири эканини унутишга ҳаққимиз йўқ. Қисса ровийси бўлмиш ўша учувчи, бошқа расмларни ҳам таъсирли қилиб чизишга ҳаракат қилдим, лекин қўлимдан келмади, дейди. Сабаб шуки, баобабларни чизаётган вақтида “Бу чиндан ҳам мудҳиш хатар, уни даф этишни асло кечиктириб бўлмайди” деган фикр унга илҳом берган. Бу рамзлар ҳам сизга қалб тарбиясини эслатаётганига шубҳам йўқ, азиз муштарий!

Учувчи-ровий яна дейдики: “Бошқа ишлар бироз кечикса ҳам зиён қилмайди, аммо баобабларни ўз ҳолига қўйиб берилса, охири вой бўлади... Бировга ақл ўргатишни ёмон кўраман, аммо баобабларнинг нақадар хавфли эканини жуда оз одамгина билади, ваҳоланки, астероидга қадам қўядиган ҳар бир киши муқаррар равишда бу даҳшатли хатарга дучор бўлади... барча дўстларимни кўпдан буён таҳдид солиб турган шу бало-қазодан огоҳ қилиб қўймоқчиман, чунки улар шундай хатар борлигини бир маҳаллар мен ҳам мутлақо билмаганимдек, ҳатто хаёлларига ҳам келтирмайдилар...”

Битикларимнинг узук-юлуқлиги ва андак нотекис услуб учун узр сўраб, дейманки: “...баобаблардан эҳтиёт бўлинглар!”

Усмон АЗИМ



## *Mudom limmo-limdir ilhomning jomi*

### НАВОИЙ ҲАЙКАЛИ ПОЙИДА ЎҚИЛГАН ШЕЪР

Сўз очсам ўзбекнинг маҳобатидан,  
Муқаддас бир исм тилимга ёрдир.  
Бахт ёғар бу сўзнинг салобатидан:  
– Ахир, Навоий бор! Навоий бордир!

Кимдир мозийни деб итдай талашар,  
Ортга боқсам, менинг кўнглим баҳордир.  
Ўтмишдан сўзламоқ бизга ярашар –  
Ахир, Навоий бор! Навоий бордир!

Асрлар бостириб келмоқда қатор.  
Худо қўллаганга мангулик хордир:  
Вақтнинг таҳдидлари ўзбекка бекор –  
Ахир, Навоий бор! Навоий бордир!

Шеър аро юрибман дали-девона,  
Магар мағлуб эрсам – арзимас кордир:  
Назм фалагига етмас паймона –  
Ахир, Навоий бор! Навоий бордир!

Худо-ё! Нечун шеър ўқияпман шаън,  
Нечун оҳангларим мардонавордир?  
Чунки шеър бўстони менга ҳам Ватан –  
Ахир, Навоий бор! Навоий бордир!

Usmon AZIM  
Mudom limmo-limdir ilhomning jomi

\* \* \*

Ҳар кун  
қайта яралар дунё.

Воҳ, дарахтлар!..  
Воҳ, осмон бунча чиройли!..  
Шамол эса  
ифор таратар бугун!..

Майсаларни қаранг!..  
Бугун бошқа майсалар!..  
Кечагидан ҳам ям-яшил!..

Борлиқ қувонади.  
– Бу одам ҳар кун қайта яралади, – дейди майсага шамол.  
– Ҳар кун  
биринчи бор  
кўрар дунёни...

### ОРЗУ

Бойсуннинг  
даштини  
сотиб олгани  
пулим бўлмади-да!..

Шундай даштни  
уйлар қуравериб  
адо қилдилар!

Мен  
энди  
дашт қурсаммикан?

Чунки бу одамлар  
ҳатто  
дашт қуришни ҳам билмайдилар.





\* \* \*

Куз келганин ёлгиз одам  
Дарахтдан аввал сезар.

Анҳорларнинг жунжикканин  
Билар қиргоқдан олдин.

Август салқи тортганини,  
Боглар қолганин бесар,

Юракларда бошланганин  
Жонўртар совуқ ёнгин.

Чорбоғларни қучоғига  
Босгиси келар бу он,

Дарахтларга раҳми келиб  
Кўз қирини таишлайди...

Ундан бошқа яна кимга  
Бу ҳоллар бўлсин аён –

Одам тўлган бу дунёда  
Битта ўзи яшайди.

У – шоир. “Мен шоирман, истасангиз шу!” дер эди раҳматли устози. “Мени севинг, мендан нафратланинг – бошқасига рухсат бермайман!” дейди унинг ўзи.

Бошқасига рухсат бермайди. Шоир-да, нимаям дердингиз! Худо уни шундай яратган. “Ўзига қолса-ку, сизу биздек оддий одам бўларди-я...” дейди ҳазилкаш дўстлардан бири.

Йўқ, у биз қатори бўлполмайди, у – шоир. Сийлови ҳам ўзи билан, “оддий одам” чидаш беролмайдиган синовлари ҳам ўзи билан!

Раҳматли Рауф Парфи худонинг зорини қиларди: “Дўстингизга айтинг, “шеърятнинг пичоғи” кўполроқ, шеърятда “ханжар” дейилгани маъқул. Неча марта айтдим – ўжар. Ўзи сизлар ҳаммаларингиз шундай ўжар!”

Бефойда, даллоллик иш бермайди. “Айт Рауф аканга, ўзи ёзганда шундай деб ёзсин!” Ваҳоланки, Шоир акасини яхши кўради, бошига кўтаради, аммо у – “бир ўжар шоир”дан (Шавкат Раҳмон) ҳам ўжарроқ!

\* \* \*

Оқшом.  
Гуллар очилган.  
Уфуриб турибди  
боғлардан ривож.  
Ёз авжида.



Нега сайрамайсан, булбул?

Сайрашни унутдингми?  
Ё сайраш жонингга тегдимми?  
Ё ўзга боғларга  
учиб кетдимми жуфтинг?

Ё...  
бу ёзга  
етиб келмадингми?

Қанотинг синдимми,  
булбул?

Мана, олтмиш йилдирки, ана шу пичоқ унинг юрагига санчиғлиқ! Агар у суғуриб олинса, Шоир... шоир бўлмай қолади! Бунисига чидаёлмайди у. Аминманки, қайтадан туғилса ҳам шоир бўлиб дунёга келарди. “Бошқасига рухсат бермайман!” Бу борада эса “иккинчилик”ка асло кўнмайди. Шоирона кибр ҳам бордир, лекин асос ҳам етарли. Ёшликда уни “Энг зўр шоир шу” дея бошқа “зўр”ларнинг тарафғирлари билан талашиб, муштлашиб юрганларим эсимда. Ҳамёшлик, ҳамзаминлик, ҳамсабоқлик, ҳамқаламлик, ҳамфикру ҳаммаслаклик туфайлидир бу.

Манаман деган рақиби ҳам эътироф этса керак: мажнун кўнглидан кечмиш борки туйғуни зўр эҳтирос билан шеърга кўчира билган шоир у!

Туриб-туриб мен унга “Раҳмат сенга, оғайни, раҳмат” деб қоламан. У эса, одатига кўра, парво қилмайди, “Нимага раҳмат айтяпсан?” деб ҳам сўрамайди – асос-беасос раҳматлар эшитавериб ўрганиб кетганмикан?..

Раҳмат... Шеърят, шоирчилик (ҳазил аралаш дўстонасига чимдиб оладиган иборам) табиатан васф этишга, мадҳ этишга мосроқдек.

Сайрасанг,  
кимнингдир юраги ёриладими ё?

Ё сайрасанг,  
кимдир чидолмай,  
бу ёзларни ташилаб кетадими?..

\* \* \*

Мудом лиммо-лимдир илҳомнинг жомии.  
Узлуксиз симирдим. Жонимда нола.  
Руҳимнинг тонглари, кундузи, шоми,  
Ёнган миямдаги доднинг оромии  
Бир сўзнинг кўйига бўлди ҳавола.

Мени телба этган, эй сен, пешона –  
Менга бу қисматни берган, эй Раҳмон!  
Мени қай қисматда этдинг девона?  
Ошигиман – гарчи дунё бегона!..

Шу тарзда ҳам бахтли бўларми инсон?..

Айниқса, бизнинг музайян шарқона шеъриятда. Сарой шоирларини эсланг, кимхоб тўну бир ҳамён ақча учун ҳукмдорни осмони фалакка етказиб кўйган... Мағрур, ори баланд Шоиримнинг шу сафдан ҳазар қилгани учун боз ғурурланаман, олқишлайман. Худо кўрсатмасин, кексалик жўнидан фалокат босиб, тойиниб кетса-чи? Унда мен нима қиламан, мен?!

Раҳмат, Шоир, раҳмат...

Бошига мусибат тушиб, сарбаланд Шоиримиз букчайиброқ қолган кунлар юпанч излабми, икковлон она Бойсунга бордик. “Бери ке, балам”, дедилар кекса онам уни ёнларига чорлаб. Шоир яқин боргач, бошини кафтлари орасига олиб қаттиқ сиқдилар (шунақа одатлари бор эди раҳматлининг), кейин қулоқларидан торта-торта бағирларига босдилар: “Шукр қил, балам...”

Бу гапдан камина музлаб кетдим: момони бир бало бўлдим, кечагина жондай фарзандидан айрилган кишидан кўнгли сўраш шундай бўларми?!

\* \* \*

Туш кўрдим. Кезяпман... кўксимда улув –  
Қандайдир бир сирнинг тагига етсам...  
Ва бунинг устига даҳшатли қўрқув:  
Не бўлар шу ҳолда уйғониб кетсам?

Яна аллақандай жонўртар оҳанг  
Юракни гижимлаб этмоқда адо.  
Бор чолгу фарёди ўртанган! Бу дам –  
Тақдири азалми шу тарзда ижро?

Саросар чопаман дали-девона,  
Сир эса мангулик қаърига чўккан...  
Тушда-ку беадоқ сарсонман, яна  
Ногоҳ уйғонишдан қўрққанам қўрққан.

Ва яна учмоққа излайман имкон –  
Қай поён ортида пинҳондир у сир?  
Аммо ер ютмоқда вазнимни... Осмон!  
Осмон йиқилгандир елкамга... оғир!

Лекин кампир тўқсонлардан ошиб кетган бўлса-да, гапини билиб гапирар, сўзида адашмас эди. “Шукр қил...” Сағирликда ўсиб, саф-саф ўғил-қизнинг қаватида яна қанча етим боққан, узоқ умрнинг не бир гурдибалоларини бошидан кечирган одамнинг сўзи эди бу. Яқин ўтмишда нордек ўғлини тупроққа бериб, кунда бўзлаб ётган онанинг сўзлари эди...

Шукр қил, болам... Худойим сенга шунча умр берди, қобил-қобил фарзандлар берди – шукр қил. Минг-минглаган даъвогарларида учрамайдиган ноёб иқтидор ато этди, обрў-эътибор топиб элу юртнинг арзандаси бўлдинг – шукр қил. Начора, Эгам ўзи берганини ўзи олибди, қўлингдан нимаям келарди, бандасининг холи шу, болам, шукр қил...

Бу гап, бу кечмишлар олтмиш йиллик изҳордан бир чимдимдир. Шугинами дерсиз? Шугина – ҳаммасини ёзай десангиз сўзқоғозлар етарми денг! Келинг, қолгани кейин ёзилар, кейин айтилар – беш йилдан кейин, ўн йилдан кейин... Ё насиб!

Э. А.



Халлослаб чопаман шундай жонсарак,  
Халоват тарк этган жону жисмимни.  
Чақираман сирни... Товушим ҳалак –  
Ахир, билмайман-ку унинг исмини.

Теграмни жодугар ранглар ўрамиш,  
Сўзларни қуюнлар қалбимга тўккан –  
Сўзлар огир эмиш, зил-замбил эмиш...  
Мен-чи? Уйғонишдан қўрққаним қўрққан.

Шунда нажот янглиг етар бир товуш,  
Руҳидан таралиб тасалли-эгду:  
– Қўрқма! Уйғонавер! Рўёмас бу туш!  
Бу туш ҳаётинг-ку, ўз ҳаётинг-ку...

\* \* \*

Күёш! Ҳар бир мавжинг акси менда ҳам –  
Миям чирсиллайди, огрийди юрак.  
Мисликим, бу дунё бир чексиз олам –  
Бир тану бир жондан яратмиш барҳақ.

“Воҳ, дунё!” демоққа, демак, ҳақлиман,  
Оламлар кенглиги тор жисмимда жам:  
Бир кас бахтли бўлса, мен ҳам бахтлиман,  
Бир кас бебахт эрса, бебахтман мен ҳам...

### ЗАВОД

Маълум дақиқада, маълум лаҳзада  
Темир ускуналар ҳаракат бошлар.  
Улар шовқинидан тушиб ларзага,  
Чизмадаги акслар кўчар нарсага –  
Ажиб буюмларни яратиб ташлар.



Одам бир қисмидир бу жараённинг  
(Кун бўйи битта кор, фақат битта кор –  
Ҳар кун бажаради юмушин такрор).  
Аслида дунёдай чексиз инсоннинг  
Бу жойда нақадар вазифаси тор.

Тараққиёт! Сенсан оламга қанот!  
Аммо амалинг гоҳ қафас қурибди,  
Ускуналар аро тартиб юрибди...  
...Биров бахш этгани бу ҳолга ҳаёт  
Кўшиқ куйлаганча ишлаб турибди.

### ОРЗУ

Шу қора тупроқ ичра  
Учмоқни истайман.

### ЭҲТИМОЛ

Каклик сайраяпти,  
Сезмайди –  
Уни милтиқ мўлжалга олган.

Эҳтимол,  
Мўлжалга олинганини билиб  
Сайраяпти каклик...

### ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

Ўлсам,  
Юлдузга айланаман.

Ўлмасам,  
Тупроққа.



**ГИЛДИРАКЛАР. ИККИ ШЕЪР**

1

Гилдирак айланар –  
Ой-йиллар қалашар.

Гилдирак айланар –  
Замонлар алмашар.

Орзулар – гилдирак  
Уриниш баҳринда.

Армонлар – гилдирак  
Доира шаклинда.

Гилдиракнинг умри  
Мангуликдан мўл.

Дунё чексиз йўлдир,  
Адоги йўқ йўл...

2

Тўғри чизиқ эдим.  
Эгиб... эгиб...  
гилдирак яшади.

Ғижирлаб,  
майишиб –  
кўтариб  
юрибман  
дунёни.

**ДАРС**

Нега тўхтаб қолдинг, умрзоқ бахши?  
Йиглама! Ҳар бало сенга ҳам аён!  
Сенга керак эмас ёлгоннинг наҳши,  
Сенга барибирдир давронун замон.

Биласан, Бойчибор сарсондир абад,  
Биласан, чиқмайди чоҳдан Алпомиш.  
Барчин Ултонтозга теккандир... Ё Раб!  
Борин айт! Шоирга ярашмас тониш...



Бахши! Узоқ йўлдан қайта бошлайсан!  
Ёшингни артасан!.. Айта бошлайсан:  
Бойчибор кишанни узди – куйлайсан,  
Алпомиш чоҳларни бузди – куйлайсан,  
Барчин садоқатда тўзди – куйлайсан...

Сўнгра менга қараб, кулиб сўйлайсан:  
– Оламга таянч ҳам керак, шоирим...  
Эл-юртга суянч ҳам керак, шоирим.

Шундай насиҳатни устоздан уқдим,  
Эзгуликка ажиб ихлосдан уқдим.  
Касбим ҳануз ўша – ёнишу ёниш  
Ва яна дунёга умид қолдириш.

**ЧАРХИФАЛАК**

Ўқидан ҳеч чиқиб кетмас  
Чархифалак.

Айланади... Айланади...  
Жони ҳалак.

Айланади... Қанча замон  
Ўтиб кетди.

Гоҳо равон, гоҳо тўлгон  
Ўтиб кетди...


Айланади... Гоҳ куз келар,  
Гоҳо баҳор.

Шўру зўрнинг ихтиёри  
Унга бекор.

Беролмагай на бек, на шоҳ  
Унга фармон.

Воҳ, хайрият! Чархнинг ҳукми  
Сенда, Раҳмон...





Қулман ОЧИЛ

## Ҳикоя **ЧИГИРТКА**

Неча ойдан бери ҳибсхонанинг диққинафас бўлмасида ғариблик насибасини баҳам кўриб келаётган беш маҳбусдан чоршанба куни икки киши қолди: банкир билан ҳисобчи.

Бунгача бири етти, бошқаси ўн йилга кесилган икки ғамзада суд ҳукми амалга кириши билан “сафаролди мослашуви” бўлмасига ўтказилди. Қоидаси шунақа эмиш: жазо муддатини ўташ учун “зона”га жўнатилиши олдидан маҳкум тутқунлигининг янги синовларига тайёрланиши зарур. Фирибгарликда айбланаётган учинчи маҳбус, ошқозони чатоқроқ эканми, ичбуруғи қайталаб, шифохонага кетди.

Ўтган куни, ҳали “жамоат жам” – беш банди бирга эканида, одатдаги чигилёздига олиб чиқилган эди. Оёқ-қўлнинг чигилини ёзиб, тоза ҳавода эркин нафас олиш фурсати – бир соат. Гирд-атрофи қуйма бетон девор, тепаси қалин панжарадан иборат майдонча. Майдонча деган номи бор, аслан кенгроқ хонада у ёқдан-бу ёққа юрилади, бадантарбия қилинади, бўйи расороқлар том ўрнидаги панжарага осилган бўлади.

– Вуй, ана, чигиртка-а! – дея бехосдан қичқириб юборди собиқ банкир.



Панжара-турникка осилаётганлар ўзини таппа-таппа ерга ташлади, бошқалари жойида сассиз қотди. Тепада хушёр турган соқчи қуролининг шақир-шуқури эшитилди.

Орқа ўгириб турган банкир қулочини бургутнинг қанотидай силкитиб, “қимирламанглар” ишорасини қилди. Секингина чўнтагидан кулранг рўмолчасини чиқариб ҳашаротнинг устига ташлади. Ҳамма бирдан ҳаяжонга тушиб, энтикиб кетди: гўё ёқимсиз бир жонзот эмас, эркатоё фарзанди дафъатан осмондан тушгандай.

– Ушладингми, Оташ?! – деб чуғурлади маҳбуслар чигиртка томон баравар талпинар экан.

Оташ – Отаниёз рўмолчасини бетон устидан авайлаб олди.

– Бўмасам-чи! – деди у музаффарона оҳангда.

– Эҳтиёт бўл, эзвормагин бечорани!

– Чигиртка-а! – деди Отаниёз дастрўмолини баланд кўтариб, соқчинини тинчлантириш учун. – Кўнгил сўраб келибди!

Камерага олиб кирилган ҳашаротни қандай “меҳмон қилиш” хусусида беш маҳбус астойдил – жўшиб, қизишиб таллашиб-тортишди. Бири у деди, бошқаси – бу. Алюминий косанинг ёки дарз кетган шопиёланинг тагига бостириб қўйлик деса, дала-дашда эмин-эркин учиб-қўниб юрган малах димиқиб қолиши ҳеч гап эмас. Кимдир қанотига узунроқ ип солиб, стол четига боғлаб қўйишни маслаҳат берган эди, кулгига қолди:

– Балки оёқ-қўлига кишан солармиз!

Ўйлай-ўйлай йўлини топдилар: чигиртка “Хон” сигаретининг кўкиш қутисидан жой олди – димиқмайди ҳам, оч ҳам қолмайди.

– Энди, – деди Отаниёз тантанавор, – “Хон” саройидаги азиз меҳмоннинг зиёфатига тадорик кўрилсин!

Дарҳол “сарой дарвозаси” очилиб, ҳамманинг эс-хушини ўғрилаб қўйган қўноқнинг “дастурхони”га емак – олма пўчоғи, суви қочган икки-уч ушоқ нон, тўрт-беш дона қора седана тортилди. Қани энди, бу жониворнинг кўпроқ нарса ейишга қурби етсаю ҳамма топган-тутганини унинг оғзи-

га тутса! “Дастурхон” тузар эканлар, иштибоҳга ҳам бордилар: бирйўла шунча “таом”ни тановул қилган қўноқ бўкиб қолмасмиканлар?.. Ўша оқшом қарта ўйналмади. Шашқол соққаси ташланмади, темир столга урилган домино донасининг шақиллаганию радио товуши эшитилмади. Ҳамма ўз хаёлига берилган. Олисларда болалар қийқириғи, қурбақалар қуриллаши, мовга келган мушукларнинг зорлангани қулоққа чалинади.

Отаниёзнинг вужудини уч яшар ўғилчаси Муҳсиннинг соғинчи чулғаб олди. Гўдакнинг қиқирлаб кулишлари, лапанглаб юришлари, “ата-ата” деган хитоблари, аёлининг маъюс чеҳраси хаёлида гавдаланиб, кўзлари ёшга тўлди. Хотини уйим-жойим, бола-чақам дейдиган сабрли аёл. Чидайди.

Бир оқшом Муҳсин чинқириб юборганида ҳамма ўзини унинг хонасига урган. “Ана утта бий найса сакиявотти!” деди болакай кўзлари ола-кула бўлиб. Қарашса – чигиртка. Каттакон. Қорамтир. Илкис кўзингиз тушса, сесканиб кетасиз. Саккизинчи қаватга қандай чиқиб қолган, худо билади. Ўшанда ҳам Отаниёз ҳашаротни оқ дастрўмолчаси билан ушлаган ва деразадан оҳиста қўйиб юборган эди. “Ада, ташаманг, – деб чинқирган эди ўғли, – оёқиси синиб тетади!” “Синмайди, Муҳсинжон, синмайди. Қаноти бор”.

Отаниёзнинг калласида озод ва некбин одамнинг фикрлари айлана бошлади. Ўғилчаси, қизчаси ва хотини билан Бурчмуллага, соя-салқин тоққа чиққан дамларини қўмсаб кетди. Яна зангори кўлда қий-чув билан қайиқда сузиш, кабобхўрлик, музқаймоққа тўйиш орзусига берилди. Кейин ҳозир тўйлар мавсуми экани, наҳорги ошлар ёдига тушди. Тиллодай ялтираб турган сергўшт палов, қази, тоза-озода, тўкин дастурхонлар, сертакаллуф ҳамкасблари... Ютинди. Эслашнинг ўзи азоб!

Ҳибсхонада ётиб-туришга жой оз, беҳуда вақт кўп. Беаёв кўп. Тошбақадан баттар имиллаган кунлар бир хил – ғам-андух, хўрсиниш ва умидсизлик, соғинч ва ҳижрон азобларига тўлиб-қоришиб ўтади. “Ташқари”ни ўйламасликнинг иложи йўқ. На китоб ўқиш кўнгилга сиғади, на эски радиоприёмника қулоқ тутишга рағбат бор, на эртанги куннинг режасини туза оласан. Гўё жар устида ночор арқонга осилиб қолгансан:

пастга қарасанг ҳам, тепага кўз тиксанг ҳам тубсизлик! Имиллаб тонг отади, имиллаб кун ботади – умр ўтади. Тақдиринг тезроқ бир ёқли бўлишини кутавериб юрагинг тарс ёрилай дейди.

Терговчи дегани гап ковлашдан эринмайдиган бир банди – калласига келган нарсани ўсмоқчилаб сўрайверади. Пойинтар-сойинтар саволлари ишга алоқаси йўқдай туюлади-ю, лекин қулоғи доим динг. Бора-бора ўзининг ҳам тинкаси қурийди, айбланувчининг ҳам.

– Шунча пулни қаерга қўйгансан, Отаниёз, айт?

– Айтдим-ку, қиморга тикиб юбордим деб.

Маҳбус майдалаб тушунтиришга ўтади. Бошида яккаш маошини тиккан: гардкам! Қўли келиб, чўнтаги дуппа-дуруст пул кўравергач, ўзини омилкор сезган. Мўмай очилган бай, юриша бошлаган ов иштаҳани қитиқламасинми! Бу ёқда кўнгил деган кўча ободлик истаб, қисталанг қилиб турган бўлса. Тараллабедод! Қандай чидасин? “Таваккализм байроғи остида” катта пулни ганакка қўядию жамики йиққан-тергани қулоғини ушлаб кетади! Алоҳа жони узилаётган беморнинг ҳоли-аҳволига тушади: ваҳима, талваса, алаҳсираш. Ўзининг, хотинининг никоҳ узугигача гаровга қўйган, қарз кўтарган, бошқа чораси қолмагач, исқотини банкка ишониб топширган уч қариянинг омонатига кўз олайтирган...

– Ишонадиган гапни гапирсанг-чи, оғайничалиш! – дейди терговчи. – Банкда беш йил қойиллатиб ишлаб қўйибсан. Бўлим бошлиғи экансан...

– Ака, қўйинг, шиширманг, илтимос, эгнимда биттагина қўйлагим қолган ўзи, йиртилиб кетади, – деб ҳазилга буради Отаниёз ва ҳибсга олинган кунини эслайди. Эзиб ёмғир қуярди. Қўлига кишан уриб, аристонлар ташиладиган туйнуксиз кўк машинага тикқанлари кўз олдига келади. Ҳибс-машинагача эргашиб келган, энгил-бошининг шалаббоси чиқиб кетган отаси нуқул бир гапни такрорлайди: “Балаларингдан алағда бўлма!”

Шунда Отаниёз умрида биринчи марта ўзини ночор-нотавон бир бахтиқаро ҳис қилди. Энди унинг ёнида на ота-онаси, на дўстлари, на ҳамкасблари бор. Бошига тушган ташвишга ҳеч ким шерик бўлолмайди. Эшитгани, кино-пиноларда

кўргани, унда-бунда ўқигани бор: бир парча қоғоз – битта маълумотнома – битта хунук сўз: “худкушлик”. Вассалом! Бу турқи совуқ кулранг деворлар орасидан навраста йигитнинг жасади чиқиши ҳеч гап эмас.

Терговчи чўтир юзини бирпас силаб туради-да, илмоқли ва тагдор савол ташлайди:

– Балки пулни бировга, дейлик, ота-онангга бериб қўйган-дирсан?

Ота чақиртирилади. Ёлғиз ўғлини кишанда кўриб, пайғамбар ёшига етай деб қолган археолог олимнинг товоқдай бети, ғадир-будур бўйни, чағир кўзларигача қизариб, бўғриқиб кетади. Хона соҳиби ота-болани холи қолдиради.

– Қалайсан, балам? – дейди ота. Қўл бериб кўришмайди.

– Яхши, – деб ишшаяди ўғил. – Бебаҳо хазинани қўриқлаётгандай қўриқлашаётир. Текин шавлани е-еб ётибмиз. Хавотирланадиган жойи йўқ.

– Энди бу ёғи нима бўлади? – деб сўрайди ота.

– Бирон йўлини қилармиз, – деб минғирлайди ўғил.

Тириқтовон фарзандининг бу гапларидан полвонлар даврасида ҳадеганда соврин олмасаям – олгандай, мусобақаларда рекорд-пекорд ўрнатмасаям – ўрнатгандай, завқи қайрилмай ўсган алпқомат отанинг кўзларидан мўлт-мўлт ёш тўкилади. Бошидаги соябони кенг шляпаси, фақат астарининг ўзи Отаниёздай уч хипча йигитга чопонликка етиб-ортадиган костюми, сағри терисидан чарм камзули танасига оғирлик қилиб кетади. Ота-бола гўё тилдан қолади. Орага муздан баттар совуқчилик тушгани ва бу муз энди умрбод эриши гумонлиги сезилади.

Ўғил отасини зимдан кузатар экан, юрак-бағри ачишади. Овози гумбурлаган, дадил ва юз-кўзидан табассум аримайдиган Йўлбарс Қўйлиевнинг аввалги шиддатидан асар қолмаган. Сочлари ўсиб кетган. Бесаранжом, безовта, ҳолдан тойган. Ранг-рўйини гулханда куйиб қорайиб кетган эски қумғон дейсиз.

Терговчи мўйсафидни сўроқ қилар экан, ундан кўкимтир кўзларини узмайди:

– Домла, ўғлингизнинг бу қилмишлари ҳақида сиз нима дейсиз?

– Мен нима дердим, отажоним... – Қадимшуноснинг овозида ожизлик ва аламзадалиқ аралаш титроқ сезилади. – Баламни тўғри йўлга соламан деб қўлимдан келган-келмаган ҳамма ҳунаримни қилдим. Нетайки, тангри букри қилиб яратган дўзахи махлуқни тўғрилашга бандаси ожиз экан. Мен минг азобда тиклаган иморатни териси тимсоҳниқидан ҳам қалин шу беўй вайрон қилди! Мен умр бўйи бош уриб келган меҳробни тепкилади, булғади!.. Ота бўлиб бировларнинг қарғишига учраб юргандан кўра, устимга совуқ тупроқ тортиб, гўрда ётганим авло эди! Мендан Тарас Бульба чиқмади... Шу қилмишига яраша отишга ҳукм қилинсам давлатнинг ҳақи кетади, отажоним, ҳақи кетади! Лекин муштипаргина келиним билан иккитагина мурғак чўжам бор. Келиним есир, гўдаккина невараларим сағир бўлиб қолмасин, дейман... Қандай кўзим қийсин!.. Баламнинг террорчидан кам жойи қолмаган. Уй-ичимиз билан гаровдамиз, отажоним!..

Терговчи безовта тебраниб олади:

– Тарас Бульба дедингизми? Ким у? Бу жинойт ишига қандай алоқаси бор?

Йўлбарс Қўйлиев хумдай бошини андак эгиб тургач, оғир ҳўрсинади, йўқ, телбаларча инграб юборади:

– Аҳ, отажоним, отажоним-а!.. Бу жинойт ишига у зотнинг бевосита алоқаси йўқ, албатта. Иснод келтиргани учун ўз ўғлини ҳув бир замонлар пешонасидан ўзи отиб ташлаган... Мен Тарас бувадай бўлолмадим, отажоним, бўлолмадим!..

– Банкка етказилган зиённи нима қиламиз, дода? Катта пул! Болангиз камида етти-саккиз йилга кесилиб кетади.

– Биламан, отажоним, биламан! – дейди Йўлбарс Қўйлиев. – Зиённи ўзим тўлайман! Бошқа иложи йўқ-да, отажоним! Тийин-тийинигача тўлайман! Китобларимдан бошқа бор оти дунёмни – уй-жойим, кўрпа-тўшагим, иштон-кўйлагимни сотиб бўлсам тўлайман. Оч-яланғоч қолсам қолай. Баласи бировнинг ҳақиға хиёнат қипти, деган тавқилаънатни кўтариб юргандан кўра ўлганим яхши! Ўша бечора қари-қартанг бонкадаги омонатини сўрамасаям тўлайман. Бонкасига опбориб бераман. Етказолмасам, оғайни-жамоатимдан қарз кўтараман!..

Терговчи, ҳарқалай, савол-сўроқни чўзиб ўтирмай, отажоннинг ҳурматини жойига қўйиб хайрлашди. Отаниёз ен-

гил тортди. Бу хил аччиқ гаплар илгари ҳам – у саккизинчи синфда мактабни ташлаб сандироқлаб юрганида, коллеждан ҳайдалиб кетганида, меҳмонга келган қариндошларининг сумкасидаги пулнинг баракасини учирганида – кўп бўлган...

\* \* \*

Чигиртка бандилар орасида тунаган эрта тонгда Отаниёз ирғиб туриб, “Хон”саройни очиб қарайди:

– Ўҳ-ҳў! Бунинг иштаҳаси карнай-ку! Дастурхони шип-ший-дам!

– Чигиртка бир вақтнинг ўзида ҳам хўрак ейди, ҳам чириллайди, – дейди жойини йиғиштирар экан, сарпойчан Мухтор Сариев. – “Яллама ёрим”ни айтмаётган бўлса, зиёфати поримаган.

Эликдан ошиб-ошмаган Мухтор амаки хуш кайфиятда уйғонгани дарҳол сезилди. У божасининг қурилиш ширкатида молия бўлимини бошқарган. Бошқаратуриб қараса, мактаб биноси қурилиши учун ажратилган давлат маблағининг ярмидан кўпи “қумга сингиб кетган”. Йўқ! Божаларнинг иши энди ёнма-ён бўлмаларда сўроқда. Мухтор амаки нима қилсин? Божасининг олдида иш, ёрдам сўраб борган ўзи. Не бир ишларга қўл урган ўзи. Ўтини ҳам, тутуни ҳам – ўзиники.

Унинг таъби доим хира. На умиди қолган, на тайинли мўлжали. Қолгани – абгор бўлган устихони, зарчўвадек заъфарон ранги, шалвираган ҳалқуми. Унча-бунча нарсани икки суймайдиган бу одам ҳожатга кириб узоқ ўтиради ва юз-кўзлари қизариб-бўзариб чиқади. Бундай вақтда ёнидаги ғамзадалар ўзининг ўксик аҳволи қолиб, унга раҳми келади: “Яна йиғлабди, бечора!” У пойгақдаги қўшқаватли каравотнинг юқори сатҳига чиқиб чўзилади ва ичидан олов отилгудай бўлиб хўрсинади. Таом ҳақида дуо қилаётганида илтижоси доим бир хил: “Ўзинг мушкулларимизни осон қилгин, Оллоҳим!”

– Балки чанқагандир, – дейди Отаниёз.

Қолганлар ҳам уйғониб, ҳангама бошланиб кетади:

– Чанқаган бўлса, челак топиш керак!

– Эшигини очвор, Оташ. Сув ичадию қайтади.

Бу вақт чигиртка бир сакраб қутидан чиқади ва қаршисидаги каравотга, ундан дастшўйга бориб қўнади.

– Қочди-и! – дея бақириб юборади Отаниёз. – Кранга қараб қочди!

Ҳамма оёққа туради. Банкир қулочини яна калхатнинг қанотидай силкитиб, “жим” ишорасини қилади. Аҳли жамоа саросимада тик қотади.

– Сув ичяпти! – деб пичирлайди “изқувар” ҳаяжон билан. Столдаги дастмолга қўл чўзгунича ҳашарот – тумбочкага, ундан тўрдаги каравотга қараб учади.

Ким сочиғини қўлга олиб, кимдир майкасини, уни таъқиб қилишга тушади. Жонзот энди нам дастмолнинг тагида қолади. Қарсақлар янграйди:

– Буюк изқувар ва чигирткашуносимизга шон-шарафлар бўлсин!..

– Қизталоқнинг иззати битди, зиндонига тик, Оташ!

– Тикдим!..

\* \* \*

– Худо хоҳласа, уйингизга қайтар экансиз-да? – дейди Мухтор амаки бўлмада фақат “чигирткашунос” иккиси қолганида.

Душанба куни Отаниёзнинг адвокати янги гап топиб келган эди: отаси тўрт хонали уйини сотиб, ўғлининг қарзини узаётган эмиш. Оиласи эскироқ бир ҳовлини ижарага олган. Банкка етказилган зарар қопланса, пайшанба куни ўғли жаримага тортилиб, суд залидан очиққа чиқарилади.

– Отангиз тилла одам экан! – дейди амаки мутаассир бўлиб. – Фақат, қариб-қартайганида бошпанасиз қолгани чатоқ-да...

Отаниёзнинг ияги титраб, афти қийшайиб кетади.

– Бир гап айтайми? – дейди у йиғламсираб ва тили тутила-тутила, энтिका-энтика нималарнидир ёлдирай кетади. Суднинг машъум ҳукмини эшитганида маҳкумлар ана шундай – ўрага тушган сичқонга ўхшаб боши айланиб қолса керак. Отаниёз бир вақтнинг ўзида ҳам кулар, ҳам йиғлар, ҳам алаҳсирар эди.

Маънос нигоҳини шопиёла тубидаги чой юқига тикканича ўтирган Мухтор Сариев ногоҳ тилидан чиқиб кетган гапидан ўзи ўкинаётганга ўхшарди.

– Ё, насиб! – Йигитнинг жавобида қувончдан кўра хижолат кўпроқлиги сезилади. У бетон полга маҳкамланган узун

темир столнинг нариги бўйида бошини қуйи солиб ўтирган оқ сочли Мухтор Сариевга недир бир ёқимли гап айтмоқчи бўларди-ю, пароканда хаёлларини йиғолмаётган, тилига ҳадеганда жўяли фикр келмаётган эди. Бир чеккаси, ўзининг озодликка чиқишидан оғзи қулоғига етган бўлса, иккинчи томондан – якка-ёлғиз қолаётган камерадоши билан қандай хайр-хўш қилишни ўйларди. Сенинг мушкулинг осон бўлиб, бандихонани тарк этаётганинда ортингда мунғайиб қолаётган ғамдошинг кўзига қарай олмас экансан. Омадинг чопгани учун ўзингни айбдордай ҳис қиласан. Ҳақми, ноҳақми – сен озодликка чиқяпсан, ким билсин, у яна қанча муддат тутқунлик азобини тортади.

Отаниёз оҳиста сўрайди:

– Тарас Бульба деган одамни биласизми?

– Нима эди?

Йигит терговчининг ҳузурида отаси айтган гапларни эслайди.

– Ҳа-а! Мактабда ўқиганмиз. Бурунги замонда Гоголь деган ёзувчи ўтган. Қайсидир китобида Тарас Бульба деган кокилдор одам ҳақида ёзган. Хоинлик қилган арзанда ўғлини ўз қўли билан отиб ташлайди.

– Отам мениям отиб ташламоқчи бўлган экан... Ўзидан эшитдим.

– Йўғ-э!.. Аччиқ устида айтгандир-да. Жаҳл келса, ақл қочади. Сиз нима дедингиз?

– Нима дердим, без бўлиб ўтиравердим.

– Агар бўйдоқ бўлганингизда, ростданам отиб ташлармиди?

– Отмасаям, уриб ўлдириб қўярди. Ҳеч бўлмаганда, майиб қипташларди. Гап кўтармайдиган, чўрткесар одам...

Хийла чўзилган сукутни бузиб Мухтор амаки мулойим кулимсирайди.

– Эски одатларингизни қўмсаб, – дейди ва боши билан бўшаб қолган бўлмага ишора қилади, – бу ерларга қайтиб келиб юрманг тагин?

– Очиғи, – дея кўзларини ўйнатади Отаниёз, – икки-уч кундан бери ўнг кафтим қичигани қичиган. Пул келадиганга ўхшайди. Балки омадим чопиб тургандир!

– Сизга маза, – дейди амаки анча маҳалдан кейин ўзига ўзи гапираётгандай. – Тоғдай таянчингиз – ота-онангиз бор. Ёшсиз. Мен эса...

Мухтор Сариев гўдаклигида етим қолиб, аёлманд тоғасининг қўлида қорни қора нонга тўйиб-тўймай ўсган. Техникумда сиртдан ўқиб, мўъжазроқ бир корхонада ҳисобчилик қилиб юрган.

– Ҳали ўзингизни ўнглаб, отангиз билан апоқ-чапоқ бўлиб кетасиз, – дейди у. – Қийиндан менга қийин. Диабетим кун бермай қўйди. Уч қизим кетма-кет бўй етиб келаётир. Турмадаги одамнинг остонасига совчи доримайди...

Йигит темир тобутни эслатувчи бўш каравотлар оша эшикка, жўмрагига латта ташланган кранга қарайди. Оқиб турган сувнинг саси чиқмайди. Қўлбола салқинлаткич.

– Ташқарига айтадиган гапингиз йўқми, Мухтор амаки?

– Йўқ... – Амакининг тили толгандай, гапга келмай қолади.

Темир эшик тарақлаб кетадию туйнукдан назоратчининг амирона овози эшитилади:

– Қўйлиев Отаниёз! Чиқинг!

Йигит ўрnidан туради ва эшик олдида тўхтади:

– Ирим-сиримини қилинг, амаки!

Қолаётган маҳбус кетаётган маҳбуснинг кетига тепади:

– Бундай жойларга ҳеч бир жонни қадам босгулик қилмасин!..

Йигит қўлини орқасига қовуштириб остона ҳатлаши билан залварли эшик тарақлаб ёпилади. Жимлик чўқади. Саратоннинг жимлиги. Нимадир қитирлагандай бўлади. Маҳбус сигарет қутисини очади ва бақрайиб турган махлуққа кўзи тушиб, сесканиб кетади. Қутидан отилиб чиққан жонивор маҳбуснинг ўтган куни бўлманинг тўрига кўчирилган тўшагига, тўшакдан дераза панжарасига қўнади ва кўздан ғойиб бўлади.



Рисолат ҲАЙДАРОВА

## MARG'ILONNING YO'LLARIDA

### Ҳикоя

Арқон оғир чайқалди. Бўғиқ йиғи товуши эшитилди.

– Вой, болам-а, болам...

Заъфарон япроқлар шохлар чайқалган сари дувиллаб тўкилди.

– Кўзларим очиқ кетадиган бўлди-я, болам...

Дарахтнинг айри шохи заифроқ чиқди, оғирликни кўтаролмай қарсиллаб синди. Йигит сарғайган ўт устига гурсиллаб йиқилдию беихтиёр инграб юборди. Унинг қўллари боғлиқ эди, туролмади. Ёв тушунарсиз тилда сўкинди. Арқонни дарахтнинг юқорироқ, қалинроқ шохига ташлади. Йигит пешона ёзуғига кўнган эди, кўзларини юмиб ётаверди. Ёв арқоннинг иккинчи учини сиртмоқ қилиб боғлади-да, йигитнинг бўйнига солиб, нариги учидан кучаниб тортди. Норғул гавда ердан аста кўтарилди. Аввал бош, кейин елкалар, охирида оёқлар... Жон тандан чиқар экан, гавда талваса ичра тўлғанди. Тўлғана-тўлғана тинчиди – осилиб қолди...

– Вой-дод, болам, қандоқ чидай, қандоқлар чидай?!

Атрофга оғир сукунат чўқди. Бундай мудҳиш сукунат азада, ҳамма йиғлай-йиғлай чарчаб, ҳолдан тойган чоғи чўқади...

– Ўғлим-а... Сен ўлгунча, мен ўлсам бўлмасмиди?!

Risolat HAYDAROVA  
Marg'ilonning yo'llarida

Қуёш тикка келди. Ёв қатлини тугатди. Оппоқ кийими елкаларида зарҳал нишон ярақлаган қўнғир мўйловли эркак қониқиш билан йўл четидаги дарахтларга бир-бир қараб чиқди.

– Исёнкорнинг ҳоли шу бўлади! Агар ким ўликларни тушириб олиб дафн этса, ўша дарахтга ўзи осилади! Сўзимни таржима қил! – деб буюрди у ёнидаги тилмочга. – Айт, кўчама-кўча юриб эълон қилсин шуни!

Тотор тилмоч бошини эгиб турган бўз саллалли мўйсафидга нималардир деди. Мўйсафид бош кўтармай эшитди. Кейин елкасини букканча кетди.

– Буйруқни тушундимми? – деб сўради оқ кийимли.

– Тушунди, жаноби олийлари, – дея жавоб берди тилмоч.

– Баракалла! – Оқ кийимли ёнида турган малла йигитга ўғирилди. – Қоровулларни ҳар тўрт соатда алмаштирасиз, поручик. Аскарлар кўз-қулоқ бўлсин, исёнкорларнинг ота-оналари дорга яқин ҳам келмасин!

Малла йигит бармоқларини бош кийимига теккизиб, қақдини фоз тутди. Бошлиғи отига миниб кетгач, нарироқда милтиғини елкасига осиб қотиб турган икки аскарга қараб қичқирди:

– Постни эгалла!

Икки аскар йўлнинг икки бошига қараб кетди.

Шу асно жазо гуруҳи саф-саф бўлиб тупроқ кўчани тўлдириб ўта бошлади. Йўлнинг икки четида, сарғиш, қизғиш барглarga ўранган дарахтларда мақтуллар осилганча қолди.

Атроф қишлоқлару шаҳар узра бўғиқ фарёдлар учди. Аскарлар теваракка аланглашди. Йўлда, далада ҳеч ким кўринмас, яқин орада қимирлаган жон йўқ эди, лекин йиғи товуши уларга баралла эшитиларди.

– Вой, бола-а-ам, жувонмарг кетган болам-а...

– Вой, жигарим-эй...

Аскарлар ўзига бегона тилда айтилган бу фиғонни тушунмади. Лекин англадики, йиғлаётган – қатл этилганларнинг онаси, опасинглиси.

Шамол турди, дарахт шохларига қўшилиб, осилиб турган жасадлар ҳам оғир-оғир чайқалди.

Қуёш оғди. Дов-дарахтлар соясини гўё оғирлик қилаётгандай ер устига чўзиб-чўзиб ташлади. Каптарлимосор томонда итлар чў-



зиб-чўзиб улиди. Узунҳовуз тарафда отлар зорли-зорли кишнади. Марғилон ёқдан аччиқ куйинди иси келди. Далага киши нафасини қисарлик дим ҳаво ёйилди. Тошлоқ мачитида, юпқа шолча устига ёзилган жойнамозда ўтирган кекса мулла, қорачиқлари кўзёшларидан хира тортиб, дуо ўқиди:

– Инна лиллаҳи ва инна илайҳи рожиъун... Ё Оллоҳ, шаҳид кетган бандаларингни раҳматингга ол, Ўзинг меҳрибонсан, ғамдийда оналарга, оталарга Ўзинг раҳм қил, элни Ўзинг нажотга етказ, жафокаш элга бу кулфатни енггани матонат ато қил...

Шом чоғи посбонлар алмашди. Одамлар ташқари чиқиб, Марғилон томон чўзилган арава йўлига қаради. Аскарлар елкасида милтиқ, айланиб юришарди. Биринчи кун шу тарзда ўтди.

Эртаси тонг чоғи янги соқчилар келди. Тушда тағин соқчи алмашди, шом палласи бошқалари пайдо бўлди...

Қатор-қатор кунлар шу тарзда кечди.

Марғилоннинг Машад маҳалласида, пастак ток сўрилари ортидаги қутичадек ҳовли айвонида ўтирган она бўғиқ овозда айтиб-айтиб йиғлади:

*Сариқ рўмол қўлимда,  
Сарғайибман йўлингда...*

Ариқ бўйида боши хам, чўнқайган ота айвонга ўгирилиб қаради:

– Мунча юракни эздингиз, онаси? Элга келган кулфат бу, на илож?!

Йиғлайверганидан онанинг кўзлари қип-қизариб, қовоқлари шишган, икки бети салқиб, осилиб тушган эди. Кўк рўмолининг четидан тўзиб чиққан сочи оппоқ, тиззаларига беҳол ташланган қўллари қонсиз, эти қочиб, қуруқ суяги қолган танасини ёпган узун кўк кўйлаги ҳалвиреган...

– Мунча оғир бўларкан кулфат деган! – Она оғир хўрсинди. – Тўрт гўдагимни ерга қўйдим, пешонам дедим, чидадим. Энди Умрзоқимнинг умри узун бўлар, чиройли куёв чиқдилар қиларман, дердим... Лекин бу кулфат оғирлик қиляпти, отаси... Уруғимиз қурди, отаси...

Ота ўрнидан туриб кетди. Ўзини кўчага урмоқчи бўлди-ю, дарвоза ёнида тўхтади. Кўчада нимани кўради? Ўзига ўхшаган фиғони кўкни куйдирадиганни кўради-да! Дарди енгил бўлармиди? Ортига қайтди.

Неча кундан бери ўзи ҳам, аёли ҳам туз тотмагани, ичига иссиқ кирмагани эсига тушди. Ҳойнаҳой қумғон қайнатса, бадбин хаёллардан чалғир?

Ўчоқ бошига кириб, чақмоқ тошни қўлига олди. Хазон бироз тутаб турди-ю, ёнди. Оловга тараша ташлаб, устига қумғонни ўрнатди. Оч қоринга ичилган доғ сув кўнгилни айнитар деган ўйда, қутию халтачаларни титиб чиқди. Қуруқ чой сақланадиган қути, ёғ солинадиган хум бўм-бўш. Халтачалардан озгина гуруч, оқ жўхори топди. Декчага сув солиб, тагига олов ёқди. Кейин аёлининг ёнига келди.

– У-бу егулик қилайлик, онаси, узликишиб қолмайлик.

– Шу топда егулик кўнгилга сиғармиди? – дея шивирлади она.

– Умрзоқни ерга бергани куч керак, ахир!

– Ёв жасадни дордан ечтирмасмиш-ку?

– Ечиб оладирмиз, онаси, иншооллоҳ, ўғлимизни ерга қўярмиз, фақат унгача ўлиб қолмайлик деяпман.

Она ўрнидан турди. Кўп ўтмай айвонга дастурхон ёзиб, иккита косада ёвғон мастава келтириб қўйди. Иссиқ овқат оч ичакларни илтиб ўтди, олмақоқи солинган дамлама вужудларини иситди. Шу асно дилларида умид уйғонди: ўғилни ерга қўядилар, жаноза ўқитдилар, фақат унгача ўзлари ўлиб қолмасин!

Шу ўй билан кунлар ортидан кунлар ўтди, соқчиларнинг бири кетиб, ўрнига бошқаси туради. Она ҳар кун азонда томга чиқиб, Марғилонга келар йўлга қарайди. Ўғли Марғилоннинг Тошлоқ дарвозасига келиб уланган йўл чеккасидаги қайрағочга осилган. Дарахтларнинг барги тўкилиб битган, яланғоч шохлар орасида қорайиб турган жасадлар энди аниқ-тиниқ кўринар, кунлар ўтиб жасадлар айний бошлаганидан атрофга қўланса ҳид таралар эди. Она йўл қараркан, юраги эзилиб, беихтиёр шивирларди:

– Ўргилайин бўйингдан, ёлғизгинам-а...

Кейин ўша ёқдан шамол олиб келаётган бадбўй исни ҳидлаб ўтирарди. Она ўғлининг болалигини эслади: нуридийдаси ҳандалакни яхши кўрарди. Пишиқчиликка етганда отаси ҳар куни бозордан этагига ҳандалак солиб келарди. Баркашга тилимлаб қўйилганда бутун ҳовлини ҳандалак иси тутарди. Она боласини бағрига босганда ҳандалак иси ўғилчасининг бетига уннаб қолганини сезарди.

Энди эса она ҳаводаги ҳидда ўғлининг бетига ҳандалак исини туйгандек бўларди. Назарида ўғли ҳам уни соғинган, болалигига қайтиб, онасининг бағрига киргиси, ҳандалак иси уннаган бетини унинг қўлларига суркагиси келаётгандек эди. Томда йўлга термилиб ўтираркан, она йиғи аралаш яна пичирлади:

*Ҳандалакбўйликкинам,  
Сен унда зор, мен бунда зор.  
Тўтиқушнинг боласидек  
Иккаламиз интизор...*

Кун совиб, дастлабки изғиринлар изиллади. Тунда қаттиқ шамол турди. Шаҳару атрофдаги қишлоқ аҳли тонгда уйғонибоқ Марғилонга элтар йўлга қаради. Шамолда арқонлар узилиб жасадлар дарахтдан тушиб кетганмикан? Йўқ, арқонлар бақувват экан...

Оғзи-бурнини боғлаб олган аскарлар ҳамон қўриқчилик қилиб юрибди.

Бир вақт осмонни қағиллаган товуш босди. Гала-гала қарға учиб келмоқда эди. Отанинг юраги қинидан чиқиб кетаёзди. Қарғалар жасад чўқилагани келяпти! Унинг Умрзоқи, ёлғиз умиди қарғаларга ем бўладими? Кечагина ерни титратиб юрган йигитларни энди қарға чўқийдими? Ота яқтакчан кўчага отилди, маҳалласидан Тошлоқ дарвозагача, дарвозадан арава йўлигача бўлган масофани жонҳалпида босиб ўтди, бошидаги салласини юлқиб олиб силкитди.

– Киш! – деб қичқирди. – Йўқол ҳамманг! Йигитларимизга тегма!

Постда турган аскарлар эсдан оғандек югургилаб келаётган чолни кўриб, сергак тортиди.

– Тўхта! – деб қичқирди аскарларнинг новчаси шеригига. – Уни тириклайин ушлаймиз. Буйруқни унутдингми? Жасадни ечишга уринганнинг ўзи дорга тортилади!

– Э, унинг қўлида ҳеч нарса йўқ-ку! – деди иккинчи посбон. – У ақлдан озиб қолган шекилли. Ҳар эҳтимолга қарши... – дедию милтиғини шайлади.

Ота эса қарға ҳайдарди. Қишлоғу шаҳардан югуриб йўл бошига чиққан одамлар қўрқувдан қалтираб унга қараб турарди. Ниҳоят, оломон орасидан олача чопон кийган мўйсафид ажралиб чиқди. У Тошлоқдаги мачитнинг имоми эди. Имом қўлидаги ҳассасини силкитиб қарғаларга таҳдид қилди:

– Кет!

Одамлар ердан кесак олиб кўкка ота бошлади:

– Киш!

– Киш!

– Кет!

Қарға галаси тўзиб кетди. Аскарлар одамлар жасадларга тегмаганини кўриб хотиржам тортиди.

Эртаси куни тонгда бутун Марғилон, Узунҳовуз, Каптарлимосор, Тошлоқнинг ёшу қариси – ҳамма томга чиқди. Қуёш кўтарилиши

билан кўкда яна қарға галаси кўринди. Одамлар тартаракларни шақиллатди, латта силкитди, кимдир чўзма отиб, қушлардан бирини уриб ҳам туширди. Қарғалар чўчиб қочди.

Ота томдан тушганда она айвонда, томга тикилиб ўтирарди.

– Қарғалар кетдими? – деб сўради.

– Кетди, – деди ота.

Она жавобдан қониқиб, кўзини юмди.

– Хайрият, – деди.

Ота яна бир нима дермикан деб аёлининг оғзига тикилди. Она индамади. Оёқлари қалтираб ўрнидан турди-да, ўчоқ бошига қараб кетди. Сал ўтиб у ердан эзгин овози эшитилди:

*Қарғалар учса, қарайлик  
Марғилоннинг йўлига.  
Ҳиди келса маст бўлайлик  
Ҳандалакнинг бўйига.*

Ота хавотири ошиб ўчоқ бошига борди. Она ўчоқ ёнида чўнқайиб ўтирарди. Олов баландлаб қумғон жиғиллай бошлаган, она эса аланга тилига тикилганча хаёлан ўғли билан дардлашар эди:

*Ҳандалакбўйликкинам,  
Сен унда зор, мен бунда зор.  
Тўтиқушнинг боласидек  
Иккаламиз интизор.*

*Интизорлик торта-торта  
Танда тоқат қолмади.  
Йўлчвиндек сарғайиб,  
Учарга ҳолим қолмади...*

Отанинг юраги эзилиб кетди. Бир вақтлар аёли жуда кўҳлик эди! “Сайтак маҳаллада Мукаррамхон деган қиз бормиш, ниҳоятда чиройлик байтлар тўқирмиш” деган овозани эшитганда у бўз йигит эди. Аясига дил ёрди.

– Эҳ-э, роса баланд дорга осилибсиз-ку, ўғлим, – дея ташвишланди дадаси. – Сиз айтаётганингиз Мулла Низомиддиннинг ёлғиз қизи, бутун Сайтак шу кишининг қўлида савод чиқарган, биз оддий читгар бўлсак...

– Вой, ўзингизни ерга урманг, дадаси! – деди унча-бунчага бўш келмайдиган онаси. – Бутун Марғилон дўконингизни билади-я! Мен аввал бориб кўрай!

Аяси бир эмас, икки эмас, уч карра борди. Ҳар гал қизнинг уйдан чиқаверишда кавуши кийишга тўғриланиб, жуфтлаб қўйилганини кўрди. Тўртинчи боришида ўғли унинг қўлига бир тугун тутқазди.

– Мана шуни ҳада этинг, ая, – деди. – Иншооллоҳ, бу сафар кўнишар...

Тугунда йигит тўрт кеча-кундуз қадалиб ўтириб нақш босган бўз бор эди. Марғилонда бунақаси йўқ эди. Мато читгар йигит умрида кўрмаган, лекин байтларини эшитиб, ғойибона ошиқ бўлган қизга аталган эди. Йигит матога ислимий нақшлардан ҳошия тушириб, орасига сулс хатида Мавлоно Лутфийдан байт кўчириб ёзган эди:

*Фурқатингни чеккали жон қайдадур,  
Сабр этарга сенсиз имкон қайдадур!*

Шу байт Марғилонга таърифи кетган шоира қиз ва таърифи ундан-да қолишмаган читгар уста йигитни никоҳ иплари билан боғлашда восита бўлди.

...Мана ўша Марғилонга донғи ёйилган шоира – ғамдийда она ўчоқ бошида фиғон чекапти.

Ота йиғлаб юборди. Бориб аёлининг бошига қўлини қўйди. Кейин унинг ғамдан оппоқ оқарган сочини силади. Аёлнинг боши қайноқ эди. Ота унинг юзига назар ташлади: бўғриқиб кетибди.

– Воҳ, онаси, – деди ваҳимага тушиб. – Алангаи оташ бўлиб ёняпсиз-ку!

Аёлини суяб айвонга олиб чиқди. Она боши ёстиққа тегса ҳам, ҳамон шивирларди:

*Йўлчивиннинг ҳолини  
Йўлда йўловчидан сўранг.  
Биз ғариб бечорани  
Ақли расо ёрдан сўранг.*

– Ё, Оллоҳ, – деб шивирлади ота. – Эсдан оғдими ёки?

Она давом этди:

*Ақли расо ёр билмаса,  
Кўзёшим дарё бўлиб,  
Оққан балиқлардан сўранг..*

Ота пешонасига муштраб йиғлади.

– Ё, Оллоҳ! Лоақал ўғлимнинг майитини ерга қўяй, онаси бола-сининг бошида селоват айтсин! Шунгача омонатингни олмай тур!

Онани ваража тутди. Ота ўрнидан турди. Ичкари хонага кириб, тахмондаги кўрпаларни кигизга ағдариб ташлади-да, сандиқни очди. Сандиқнинг бир чеккасида чорсига тугиғлиқ турган кафанлик бўзни чиқарди.

– Дорга тортса ҳам, отса ҳам майли, – деди бировга айтаётгандек баралла. – Бир бошга – бир ўлим!

Кафанликни айвон лабига қўйди. Кейин майитни ювгани тоғора, кўза олди. Белини маҳкам боғлади. Маҳсисидан чиқиб турган дандон сопли пичоғини ушлаб қўйди. Ҳовли девори тагига ётқизиб қўйилган нарвонни кўтарди.

Томларда қарға келса ҳайдашга чоғланиб ўтирган одамлар нарвон орқалаб кўчадан ўтиб бораётган чолга ҳадиғу хавотир билан қаради. Кимдир хўнграб йиғлади. Кимдир кўрқувдан қалтироқ босди. Кимдир юрагини чангаллаб йиқилди. Кимдир қўлларини мушт қилиб қисди.

Ота эса нарвонни орқалаб кетаверди. Кетаркан, аёлидан эшитганлари тилига қуйилиб-қуйилиб келди:

*Қарғалар учса, қарайлик  
Марғилоннинг йўлига,  
Марғилоннинг йўлига.  
Ҳиди келса, маст бўлайлик,  
Ҳиди келса маст бўлайлик,  
Ҳандалак...  
Ҳандалак...  
Ҳандалакнинг бўйига,  
Ҳандалакнинг бўйига...*

У ёғини айтолмади, йиғи томоғини бўғиб қўйди.

Кўзёшидан хира торта бошлаган кўзларини йўлга тикди. Ана, Фарғонанинг бўз йигитлари! Эрксевар йигитлар! Бетидан ҳандалак шираси кетмаган йигитлар! Марғилоннинг йўлида қатор...

Ота пичирлади:

– Ҳандалакбўйликкинам...

– Тўхта! Ким у? – Соқчининг дағдағали товуши келди.

Ота жавоб бермади.

– Тўхта! – Милтиқ шарақлади.

Ота парво қилмади. У ҳамон шивирлар эди:

*Қарғалар – бедарғалар,  
Кунни тўсолмас пардалар...*

Милтиқ варанглади. Ота оғриқдан букчайди. Шу вақт орқада кимдир ҳайқирди:

– Халойиқ, ур! Ур уларни!

Ота аста ўгирилиб қаради: Марғилон йўлидан ҳамшаҳарлари югуриб келар, кимдир калтак кўтарган, кимдир нарвон орқалаб олган эди...



Насрулло ЭРГАШ

# El ko'ziga Nur bag'ishlab

Рассом Эл Нур (Эгамов) ўзбек тасвирий санъатига янги ифода услубини олиб кирди. Гарчи аралаш услуб бизда аввалдан мавжуд бўлса-да, ҳали бирор рассом холст ўрнига атласу адрас, сўзанаю палак, зардевор ҳамда белқарсу белбоқдан фойдаланмаган эди. Бу матолар ижодкор асарларида шунчаки фон вазифасини бажармайди, балки ўзига хос рамзу тимсол тилида сўйлайди.

Мусаввир картиналарини томоша қилар экансиз, халқ қўшиқларини тинглаётгандек бўласиз. Чунки улар халқ юрагидан, миллат руҳидан униб чиққан!..



“Ҳаёт”



“Келажак”



“Минг бир жон”



“Хонзодабегим”

Одатда, миллий колоритга урғу бергучи ақсар ижодкорлар репертуарини кўпроқ лирик асарлар ташкил этади. Эл Нур картиналарида эса лирик туйғулар миллатнинг оғриқли дардларига вобаста бўлиб кетганини кўрамыз.

Оддийгина пахта гули тасвирини олайлик. Муаллиф уни тимсол даражасига кўтарган. Пахта – бизнинг миллий ифтихоримиз, бойлигимиз ва фожиамиз рамзи. Миллий туғромиздан тортиб чойнак-пиёламизгача “оқ олтин” тасвири зарб этилган. У содда ва танти ўзбек халқининг қалби инъикоси ҳамдир. Картиналардаги пахта гули тасвирига диққат ила назар солсак, қулоқларимиз остида ғурурга тўла ҳайқирқлар билан бирга Орол денгизининг нидосию машъум “пахта иши” қурбони бўлган миллатдошларимизнинг фарёди янграгандек бўлади.



“Z авлод”

Рассом ижодида миллийлик тарих, бугун ва келажак билан уйғун ҳолда ақс этади. Масалан, бир картинада миллий либосдаги аёл кўза эмас, газбаллон кўтарган ҳолда тасвирланади. Ана шу биргина деталь нозик хилқат қалбидаги олам-олам изтиробларга шохидлик беради.

Эл Нур – ғоялар рассоми. Ақсар картиналарида ғоялар рамзу тимсоллар ортига яширинмай манаман деб туради. Шу билан бирга, унинг топишмоқ услубидаги жумбоқ картиналари ҳам бисёр.

Алқисса, Эл Нур – дунёга айтар сўзи бор мусаввир.

Олим ТОШБОЕВ



## MAZLUMANING KO'ZYOSHLARI

Литва шўро империяси кулаши арафасида миллий ўзлик учун кураш рамзи эди. Усмон Азимнинг қуйидаги сатрларини сиз ҳам ўқиган чиқарсиз:

*Эрдан бошқа ахир худом йўқ.  
Озодлик! Висолинг бунчалар қисқа...  
Озодлик – кўзимда сўнаётган чўғ,  
Эрк – Литва!  
Илтимос... ўлмагин, Литва!*

Аксар юртдошларимиз аллақачон унутган 1991 йил январь воқеалари ва бир гуруҳ ўзбек зиёлилари имзоси билан матбуотда эълон қилинган “Хавотирлик” бугун ҳам моҳиятан долзарб. Негаки, XX аср боши ва охиридаги курашлар тарих такрорланишини яққол кўрсатди.

Фидойи маърифатпарвар Турсунали Қўзиев саъй-ҳаракати билан Литва ва қадим Туркистон тарихининг номаълум саҳифаси очилди. Муҳтарам олимимиз бу ҳақда шундай ёзади: “Ёймада савдо қилаётган

қари кампирдан очиқ хат (“открытка”) сотиб олгандим. У Литванинг Паланга шаҳридан L. Vauneukini деган киши томонидан юборилган экан. Олд томонида литвалик расм Антанас Жмуйдзинавичюс мўйқаламига мансуб “Regejimas” асари. Нома эгаси очиқ хатда болалар, кундалик юмушлар ҳақидаги одатий сўзлар, тез орада кўришишга умид билдирилган жумлалар ва умумий танишларга саломдан сўнг матн маъносига умуман тўғри келмайдиган “Карточкада “визия” бу – бизнинг давлат гербимиз, яъни ўлик уйқудан ҳаётга қайтган Литва!” деган жумлани қистириб ўтган”.

Номадаги жумбоқни топишга жидду жаҳд қилган синчков олим ватан рамзини улуғлаган инсон кимлиги билан қизиқади. Суриштирувларда мактуб муаллифи литвалик олим, шифокор ва жамоат арбоби Людас Вайнейкис (1869 – 1938) экани маълум бўлади.

Л. Вайнейкис рафиқаси, ёзувчи-ёдноманавис Станислава Вайнейкене билан бирга 8 йил Туркистонда сургун ҳаётини ўтайди. Доктор ўз ватанида *knugnesys* – “китоб тарқатувчилар” ҳаракатига раҳбарлик қиларди. Бу ҳаракат миллий ўзликни ҳимоя қилиш учун оёққа турган, она тили ва ёзувини сақлаб қолиш учун жонини фидо этишга ҳам тайёр жасур ватанпарварлардан иборат эди.

Стасе Вайнейкененинг “Палангалик қочқин аёл хотиралари” ўзбек зиёлилари учун ҳам бениҳоя қадрли китоблардан биридир. Зотан, туркистонликлар бошига тўппонча ўқталиб, от ўйнатиб келганларнинг таъна-иддаоларга тўла битикларидан зада ўзбек китобхони ғайридин мусофирнинг холис баҳосидан мамнун бўлиши шубҳасиз. Людас Вайнейкис ва Стасе Вайнейкене маълумлар эди. Мустабидлик миллат, дин, мазҳаб танламагани каби, маълумлар аҳвол-руҳияси ҳам бир-бирига яқин бўлади: қалбан англайди тақдирдошларини.

Миллатсеварлиги учун юртдан қувилган, бир муддат Туркистон ўлкасида яшаган бу оила кечмиши бизнинг ҳам аянчли тарихимиз десак муболаға эмас.

Хўш, қочқин оила паноҳ топган Ўрта Осиёда аср бошидаги ижтимоий-сиёсий, маърифий ҳаёт манзараси қандай эди?

“Туркистон вилоятининг газети” 1913 йилда “Бухорода ҳаёт яхшиланмоқда” сарлавҳали мақола чоп этган. Унда бундай жумлалар бор: “*Ҳазрат амир Бухорода қадимги ва эски тор кўчалардин аксарларини испоҳ эта бошладилар. Узун, тўғри кўчаларга тош солдируб, баъзиларини мустовой қилдурибдурлар. Янги Бухорода*

*электрик устунларини ултурғизиб тамом қилдилар. Тез вақтда ёқсалар керак. Эски Бухорога электрик киргизмоққа сўраган эканлар, уламолар рози бўлмабдурлар.*

*Шул сабабдин эски Бухорога электрик киргизолмабдур. Почта, тилигроф, телефонга ўхшаш янгиликларга фатво топилган фикр китобларидан электр ёруғи учун топилмоғида шубҳа йўқ”.*

Мазкур мақола амир Абдулаҳадхон замонида Исмоил Ғаспирали ташаббуси билан очилган жаҳид мактабларини ёпиш ҳақидаги уламолар машваратини ёдга солади.

Дарвоқе, электр энергияси эски Бухорога роппа-роса ўн йилдан сўнг – 1923 йилда келади.

Биринчи жаҳон уруши арафасида Туркистондаги вазият ҳақида гап кетганда, Бухоро амирлигида мустабидга мойдай ёқадиган можаролар – шиа ва суннийлар қирғини совимаган, жаҳид ва қадим баҳси хатарли тус олган паллани эслаш лозим.

Ўша давр матбуотида жаҳидлар ва қадимчилар бир-бирини ҳақоратлаб ёзган мақолалар кўпайганидан газетхонлар мушкул аҳволда қолаётгани, болалар эски мактабларда таълим олишни истамаётгани, жаҳид мактабларининг ёпилиши норозиликлар келтириб чиқараётгани ҳақидаги фикр-мулоҳазалар кўплаб учрайди. “Садои



Туркистон” газетасининг 1914 йил 46-сонидеги “Уламоларимиз” мақоласидеги куйидеги фикрларга диққат қилайлик: “Дунёда ҳеч бир миллат тараққий ва толеға юз тутмайди, магар уламосининг ташаббусоти ва ғайрати ила. Уламо ҳам ташаббусотда бўлинмайдилар, магар инсоф ва ҳаққонийлик кўзи ила қарамоқ ила. Зотан, уламолар шундай бир зотлардурки, азиз умрларини, мол ва жонларини ҳамиша миллат йўлига сарф қилурлар. Шунинг учундирки, ҳазрат Пайғамбаримиз “Уламолар пайғамбарлар меросхўридир” демишдирлар. Бас, уламолар бани Исроил анбиёларининг яхши сифатлари ила муносиф бўлсалар, залолат биёбонида саргардон бўлиб қолгонларни тўғри йўлга солсалар, жоҳил ва авомларга ваъз ва насиҳатлар қилуб дин ва шарият буйруқларини ўргатсалар, албатта қандай улуг ҳоди миллат ва қандай улуг ходим дин ва шарият бўлур эдилар. Эмди Турон ва Туркистон уламоларига диққат ила қарасак налар кўруремиз. Ажабо! Пайғамбаримиз ҳазратлари буюрган уламолар шуларму?!

Инсоф қилмак керак! Усули савтия мактабининг ҳаромлигини қайси оятдан истихрож қилинадур? Муҳим ва эҳтимол миллийўнларча ислом болаларини ўқимокдан ва динга кирганликларини ўрганмоқдан монез қилмоқ дурустми? Қайси виждонли киши миллати исломияга бундай улуг жиноят қилмакни раво кўрур?..

Эй Турон ва туркистонли қариндошларимиз! Қачонгача ғафлат уйқусида ётамиз? Ўзимизнинг атфол ва ушоқларимизга қачонгача зулм ва ситамни раво кўраримиз? Уламоларимиз ишимизнинг истиқболига

қарамасалар ва ҳаракат қилмасалар, биз қачон тараққийга юзланамиз?”

Туркистондаги жадид-қадим можароси каби ички зиддиятлар, ижтимоий-маърифий ҳаракатлар Туркия, Афғонистон, Эрон сингари мусулмон мамлакатларига ҳам хос эди.

Мусулмонлар ҳаётини ичдан кузатган адиба Стасе Вайнейкененинг хотиралари даври каби ранг-баранг. Эрини излаб ўлат тарқалган жойга боришга аҳд қилган аёлни доя кампир ва қирғиз фельдшер йўлдан қайтаролмайди. “Болаларим билан йўлга чиқдим. Ўз ватанига қайтиш умидидан маҳрум бўлиб, ёввойи одамлар орасида чўлда ёлғиз қолгандан кўра ўлган афзал, деган қарорга келган эдим”, дейди у.

Овруполик барибир овруполик-да! Кўҳна қитъа вакилларининг мусулмонлар ҳақидаги қарашлари баъзан бир-бирига уйғун келишидан ажабланмаслик керак. Британи-ялик журналист ва тарихчи Питер Хопкирк “Катта ўйин” асарида Туркистонда изғиган инглиз ва рус хуфияларининг “Бу ерда ўзаро келишмайдиган учта хон ва ярим ёввойи халқ бор” деб ёзганини келтиради.

Стасе хоним мустабид гарчи миллатдошлари бошига оғир кулфатлар солса-да, “ёввойилар” маконидаги рус чегарачилари хузурида (“Заставага келгандан сўнг рус тилидаги суҳбатни эшитиб хурсанд бўлиб кетдим”) ўзини бежавотир ҳис этади.

Хотираларда мусулмон туркийлар ҳаётига оврупоча назар баъзан янглиш хулосаларга олиб келгани сезилади. Овруполик меҳмон туркийларда ўтов тикиш, шунингдек, тандир, ўчоқ юмушлари қадимдан аёллар зиммасида бўлганини тушунмай-

ди. Бундан ташқари, қирғиз аёлларининг эрнинг меҳмонларига хизмат қилишини чўрилик, эркаклар даврасида бирга ўтирмаслигини журъатсизлик деб билади, зиёфатдан қолган нарсаларни ейишини ҳазм қилолмайди. “Ўзбеклар ва қирғизларнинг тўнғизни кўришга тоқати йўқ эди. Чўчка бор уйга бирорта мусулмон ҳатто оч бўлса ҳам қадамни босмас эди”, дея хотирлайди Стасе хоним.

Амударё ёқаси – Афғонистон билан чегарадош тоғли Пули Зиндон қишлоғини эшақда кезган литвалик қочқин очиқ юзли ўзбек аёлларининг меҳмондўстлигини эътироф этар экан, маҳаллий аҳоли русларни ёқтирмаслигини ҳам қистириб ўтади: “Ўрсияга қарам бўлиб қолган Бухоро аҳолиси унчалик ҳам ишончли эмасди ва вақти-вақти билан ўз васийларига қарши исён кўтарарди”.

Стасе хонимнинг умид ва қўрқув, шубҳа ва ишонч орасидаги ҳаётини тўғри тушунмоқ керак. Муҳими, битикларда ғайирлик йўқ. Аксинча, олийжаноблик, мардоналик уфуриб туради. Асар муаллифи нозиктаъб адиба, зукко руҳшунос, билимдон қадимшунос, синчков табиатшунос ва зийрак жамиятшунос сифатида намоён бўлади. Қочқин оила кўчиб юрган манзиллар харитаси тузилса, улар туз-намак бўлган шахру кентларга, овлоқ овуллару дара-чўлларга аркони давлат қадам ҳам босмаганига ишонч ҳосил қиласиз.

Асарда ўқувчи танг қоладиган ўринлар талайгина. Тасаввур қилинг: қувғиндаги оиланинг энг катта бойлиги – китоб. Мутолаа – беканинг доимий юмуши. Болаларига ҳам тинмай китоб ўқиб беради. Сафар қариб,

ватанга қайтар чоқда рўзгор буюмлари ва китоблар сотувга қўйилади. Лаш-лушларнинг харидори топилади, аммо китобларга олувдор йўқ!..

### Шарққа мафтун мазлума

“Мен шарқ бозорларининг мисли кўрилмаган ҳашаматидан ҳайратда эдим... Ҳар хил узум солинган катта саватлар, тоғдай уюлиб турган, пишганидан ёрилиб кетган анор донлари алвон ёқутдек товланади...”

Узун расталар туслари ол шафтолиларга тўла. Ўриклар тоғ-тоғ бўлиб уюлиб ётибди. Қаёққа қараманг Чоржўйнинг тиллими тилни ёрадиган хушбўй, тилларанг қовунлари. Ҳар тусли ҳолваларнинг ҳиди кишини маст қилади. Ширинликларнинг кўплигидан расталарнинг бели букилиб қолган. Шираворлар устида арилар ғужғон. Кўмирда пишаётган кабоб иси анқийди, дошқозонларда палов дамланган, моллини мақтаётган савдогарларнинг ғала-ғовури, эшакларнинг ҳангераши, туюларнинг бўкириши – буларнинг барчаси ўрганмаган одамни чўчитиб юборади”.

Қадимий шаҳарнинг тутзор кўчаларию бозорларини айланиб чиққан литвалик аёл бугунги бухороликлар учун ҳам янглик бўладиган маълумотлар тақдим этади: “Бухорода дарахтлар эрта баҳор – мартда гуллай бошлайди. Атиргулларнинг хушбўй ифори шаҳар узра таралади. Ўзбеклар ясан-тусан қилиб, от ва эшакларини атиргуллар билан безайди. Бозордаги тоғ-тоғ атиргулларни атиргул мойи ишлаб чиқарувчи тадбиркорлар сотиб олади”.

Туркистонни кезган масиҳий аёл мусулмон маданияти ва ахлоқига тан беради. Қумга белбоғини ташлаганча хушӯ-хузуъ ила намоз ўқиётган (*“илоҳий бир ҳаяжонда”*) ўзбеклар ҳақида мароқ билан ҳикоя қилади. Амирободда мойчироқларнинг сирли милтиллашида эртақнамо манзара – келин ясантириш маросимида қатнашган Стасе хоним қават-қават кўйлак кийган, бўйни ва қўлларига ялтир-юлтирлар сепилган, қулоқлари ва манглайда тилла тақинчоқларнинг тошлари ярқираган келиннинг ғоза сурилган юзига ҳавас-ла тикилади. Хира ёритилган кенг ўтов, патнислар тўла турфа таом, ипак тўн кийган кувёв, созандалар, аёлларнинг маҳзун қўшиғига жўр бўлган эркаклар даврасида ҳайратланиб ўтиради.

Китоб шаҳрининг яшил манзаралари, атиргул буталари, қуюқ баргли қайрағочлар, ёнғоқзорларини кўриб севинган хорижлик хоним бозорда савдо қилаётган кекса ўзбек чолнинг номаҳрамга кўзим тушмасин дея юзини кафти билан ёпиб тескари қараганидан ҳаяжонланади. Қушларга айрича меҳр кўйган миллатдошларимиз ҳақидаги фикрларини куйидагича қоғозга туширган: *“Ўзбеклар қуш уриштиришни хуш кўради. Махсус ўргатилган қушлар учун катта пул тикишади. Бозорлардаги чойхоналарда тез-тез қуш уриштириб туришади. Кўпчилик томоша қилади, одамлар баҳс бойлашади”*.

Шаҳрисабзни томоша этган Стасе хоним Амир Темур ва у қурдирган масжид ҳақида ҳам маълумот беради. У ҳатто шаҳрисабзлик тадбиркорлар эшакларда тоғдан муз келтириб, хандон писта ва хушбўй ванил аралаштириб музқаймоқ тайёрлаши, гуноҳ-

корларга бозорда – халқнинг кўз ўнгида дарра урилиши, қариндошлари олиб келган егуликлар ва одамларнинг хайр-садақалари ҳисобига кун кўрувчи маҳбуслар сақланадиган зиндонлар бадбўйлигини ҳам назардан қочирмаган.

Бир ҳовлида қурилган ўрмакни кўриб, гилам тўқиш жараёнини кузатади ва қўлигул ўзбек аёлларига тасанно айтади: *“Ўзбек аёллари қўлда тикилган ёки тўқилган буюмларни турли нақшлар билан безашни ёқтиради. Энг кўркем нақшлар эркакларнинг дўпписини безайди, жойнамозларни айтмайсизми – нақшлар хилма-хиллиги ва ранглар уйғунлиги кўзни қамаштиради! Бу оддий аёлларнинг меҳнати эканига ишонини қийин”*.

Бир гал Қарши беги эр-хотин шифокорларни баланд ўймакор тош деворлар ила ўралган саройида меҳмон қилади. Қўноқларга атаб дошқозонда ош дамланади. Стасе хоним меҳмоннавозликни бундай хотирлайди: *“Бизни оврупоча стол-стуллар ва ҳатто кўзгулар билан жиҳозланган хоналарга олиб киришди, турли-туман шарқона ширинликлар ва чой билан меҳмон қилишди. Эшиклар очилиб, бек мулозимлари билан кириб келди. Ўзбекча саломлашди ва қаршимиздан жой олди. Бекнинг эғнида кимхоб либос товланарди. У биз билан тилмоч орқали гаплашди, узоқ шимолий ўлкаларимиз билан қизиқди. Бек қора соқолини тез-тез силар экан, чиройли, узун бармоғидаги катта ёқут ярқирарди”*.

Хотиралар муаллифи қадимий кентлар – Бухоро, Шаҳрисабз, Қаршидаги масжид ва мадрасалар пештоқи ва деворла-

рига битилган Қуръон оятлари – нақшларнинг неча асрлар ўтса-да ярқираб туриши, улуғвор меъморчилик қаршисида лол бўлганини қайд этган.

Қочқин оила қизи Люда ичтерлама бўлиб қолади. Шифокорлар қизчанинг соғайишидан умид узган кунларнинг бирида касалхонада аравакаш бўлиб ишлайдиган кекса чол тумор келтириб беради. Мўъжизаларга ишонмайдиган оврупочлик хоним тўртбурчак қилиб тахланган оқ мато парчасини ҳушсиз ётган қизининг боши остига истамайгина кўяди. Атрофдаги кўпчилик, ҳатто шифокорларнинг аёллари бандаликни бажо келтираётган бир вақтда Оллоҳнинг қудрати билан қизча тирик қолади: *“Люда тузалганидан кейин бобо келди ва иттифоқо туморни сўради. Чолнинг овозида мағрурлик ёки мақтанчоқликдан асар ҳам йўқ эди. Мен ундан туморни бир кўришга ижозат сўрадим. У матони очди ва бир неча қават қилиб букланган қоғозни кўрсатди. Унда қандайдир бир дуо битилган эди, холос”*.

Эҳтимол, дуонинг кучи Стасени Шарққа мафтун этгандир?

Китобда унутилган қадриятларимиздан бири – сардобалар “ҳордиқ чиқариш жойи ва умид воҳаси” дея тилга олинган. Сардобалар каби кўмилган мозий, қуюқ мирзатерақлари сокин шитирлаган, сон-саноксиз ариқларида сувлар жилдираган Тошкент кечмишини билишни истаган одам литвалек аёл хотираларини ўқисин.

Муаллиф тошкентлик муслималар ҳақида ёзар экан, исломда аёлларнинг безаниши моҳиятини жуда нозик илғгани сезилади: *“Аёллар юзларини қора от қилидан чачвон билан ёпади, узун кулранг либосга*

*ўраниб, кўчалар бўйлаб арвоҳдай изғишади. Аслида эса, ўзбек аёллари жуда гўзал, безаниб юришади, аммо бегоналарнинг кўзи учунмас, фақат ўз оиласи учун”*.

Юз йилда табиатда ҳам, жамиятда ҳам, одамларнинг онгу тафаккурида ҳам жиддий ўзгаришлар содир бўлди. Бундан бир аср бурун тоғларда қор эриши билан тошқинлар бўлиши, Амударёнинг шаҳру қишлоқларни вайрон қилиб, экин майдонларини ювиб кетиши одатий ҳол эди. Бугун на дарё тошади, на саратонда эрийдиган қору муз бор...

Муҳожир аёл инқилоб гирдобига тушган Когонни, қоронғи кечалардаги митингларни эслар экан, *“Узоқ уйқудан уйғонган халқда жуда улкан ва муҳим бир кайфият ўсиб борарди”*, дейди.

Стасе хоним шу ўринда андак адашган. Юрт пешволари нафақат аср боши, кейин ҳам уйғониш бемисл тарихий имконият эканини англамади. Жиллакурса, англаганларни тингламади. Пировардида, ўсиб келаётган “жуда улкан ва муҳим бир кайфият” уйқу билан ўрин алмашди...

Тузумлар, ҳукуматлар алмашинуви дўкайларнигина эмас, балки авомни ҳам ҳар томонлама синовдан ўтказар экан. Стасе хоним Керенский даврида инқилобчи-социалист бўлган, большевиклар келгач бир думалаб “қизил”га айланган миллатдоши, саводсиз, аммо Бухорода маориф комиссари лавозимини эгаллаган Шпокас каби кимсаларни кўриб кўзи очилганини ёзади. Аммо бутун бошли бир халқ – кўринганни пир деб билган, ичи-таши бир бўлмаган, эл бўлмаган элбошиларга инонган эл улкан фожиалардан ҳам сабоқ чиқармагани жумбоқ...

Чоржўйга кўчиб ўтган оила кўпчилики сингари очарчилик ёқасида яшайди. Биринчи жаҳон уруши тугамаган, рус империяси қулаш арафасида. Узоқ давом этган уруш амирлик иқтисодини ҳам издан чиқарган: бозорлар ва омборлар шип-шийдам, нарх-наво баайни томдан-томга сакраган мушук, нон қулоққа ўлчаб берилаётган эди.

Бутун ўлкада очарчилик узоқ давом этганини 1923 йил 8 – 12 июнь кунлари Москвада бўлиб ўтган РКП (б) Марказий кўмитасининг тўртинчи кенгаши ҳам тасдиқлайди. Туркистон АССР раиси Турор Рисқулов “Биргина Фарғона областида 400 минг киши очлик ҳолатида. Оч қолган бу омма бир тўғрам нонга зор...” дейди.

Даҳрий большевикларнинг Авлиёотадаги қирғинлари гувоҳи бўлган Стасе хоним булутдай ёпирилган чигиртка балосини кўриб даҳшатга тушади ва далаю тузни, боғ-роғларни кунпаякун қилаётган бу ҳашарот очликдан силласи қуриган одамларнинг жонига ора кирганини ёзади: “Улар чигирткани хомлай, қовуриб ва қуритиб ейишарди”.

Очарчилик Туркистонни бутунлай қамраб олади. Бир кафт ун одамдан азиз бўлган йиллар! “Оч баччағардан қоч баччағар” деганлари рост келади. “Қизил байроқ” газетасининг 1922 йил 169-сонидан босилган “Марғилонда очарчилик” мақоласида ўқиймиз: “Фарғонанинг қай ерига борсанг, 37-йилнинг (1837 йил назарда тутилган – О. Т.) уси келадир. Кундан-кунга Фарғона очлик даҳшати билан ўралиб борадир. Бозор, расталарда очликдан тиланиб юрган хотун-қиз, ёш болалар, мўйса-

*фид чолларнинг ҳисоби йўқдир. Буларнинг ораларида очликдан шиша бошлагонлари ҳам кўп кўринадир”.*

Ўша давр матбуотида ёзилишича, Марғилонда очларга кўмак ниятида ўтказилган сайилда ҳатто қимор ўйнашга ижозат берилади. Қимор бошланиши билан шаҳарда кўп тартибсизликлар кузатилади. Марғилонликлар қиморбозликни битиришни сўраб маҳкамаи шаърияга мурожаат этади.

Собиқ хонликлар ва амирлик ҳудудида безгак кирмаган хонадон қолмайди ҳисоб. Москвадаги йиғинда Фарғонадаги аҳволдан сўз очган давлат ва жамоат арбоби Иномжон Хидиралиев “Ўтган йили ёзда шаҳарларда безгакдан ўлганлар сони кунига 100-150 кишини ташкил қилган, қишлоқда ҳеч ким бунинг ҳисобини юритолмаган”, дейди.

Бухорода безгак туфайли қишлоқ ва овуллар, маҳаллалар ҳувиллаб қолади. Бухоро халқ шўро жумҳурияти раҳбари Файзулла Хўжаев қизил империя раҳбарларига ёш республикадаги ташвишли аҳволни куйидагича баён этган: “Инқилобга қадар уч миллион аҳолига иккита доктор ва битта дорихона тўғри келар эди. Ҳозирги вақтда барча асосий шаҳарларда унча катта бўлмаган шифохоналар, йирик пунктларда фельдшерлик шохобчалари мавжуд. Аммо безгак бу – халқимиз бошига келган бало. Шу туфайли кўпчилик Бухорога боришдан бош тортади. Биз безгакка қарши катта кураш олиб боряпмиз. Германиядан 150 пуд хина сотиб олиб, уни Москва орқали Бухорога жўнатдик. Безгакка қарши бешта станция Москвадаги станциялар услу-

бида жиҳозланди. Доктор Исаев бошчилигидаги рус врачлари гуруҳи жойга бориб, ботқоқликларни қуритиш, аҳолини даволаш билан шуғулланмоқда”.

### Зеҳниятдаги ришта

Когон яқинидаги Амиробод қишлоғида яшаган Стасе хоним Бухоронинг бир-бирига уланиб кетган пахса уйли, мешкоблар сув сепиб ўтадиган торкўчаларини эринмай томоша қилади. Қимматбаҳо гилам ёпилган, кумуш ва феруза тошлар билан безатилган кўркам араб отларида гердайиб ўтаётган бек ва қозиларнинг кўлларини кўксига босганча салом бераётган авомга заррача қиё боқмаслигидан таажжубга тушади. Бухоронинг жинкўчалари, у ёқдан-бу ёққа ўтиб-қайтаётган паранжили аёллар сирли-тилсимли туюлади; кўҳна кент унинг кўзига Инжилга ишланган суратлардаги шаҳарга ўхшаб кўринади.

Муҳожир шифокорнинг рафиқаси мусулмон қиз-жувонлар ҳаётига қизиқиш билан қарайди. Бироз русча биладиган қизини амир ҳарамига уч юз тўртинчи ёки бешинчи танмахрамликка узатаётган отани кўриб ҳангу манг бўлиб қолади.

Палангалик аёлнинг Бухорода кўрганлари ҳам тарих ишқибозлари учун ғоятда ибратли: “Бозордаги чойхонада дам олиб ўтирган эдик, эшакларни етаклаб кетаётган ва улов минган одамларга кўзимиз тушди. Уларнинг айримлари яҳудийлар эди. Агар олдидан бирон бир ўзбек пидеда ўтиб кетаётган бўлса, яҳудийларга уловда юриш тақиқланган эди. Улар ўзбекларга ўхшаб кўркам ипак кийим киёлмасди. Камбағал яҳудийлар бўз чопонла-

рини чиройли белбоғ билан эмас, балки чилвир билан боғларди...”

Бухоро амирлигида яшовчи яҳудийлар жия – жон солиғи тўлаган.

Қочқин аёл хотиралари юз йил бурун ҳам амирликда обиҳаёт тақчил бўлганини тасдиқлайди: “Сувнинг тўғри тақсимланишини амалдорлар – ариқоқсоқоллар назорат қилади. Яқингача сув ўғрилари қаттиқ жазоланган экан: биринчи марта – чап қўли, тақрор ушланса – ўнг қўли кесилган, учинчи марта сув ўғирлаган кимса ўлимга буюрилган”.

Маҳмудхўжа Бехбудий “Бухоро аморати” мақоласида (1915) “Икки миллион халқ учун бухоройи икки дўхтур эмас, биргина фельдшер-да йўқ” деб куюнган эди: “Бухоро рижоли ҳукумат ёлғуз ўз нафсини, ўз кайфини, ўз беш кунлигини кўрар. Табаъага, миллатга, исломият ва мусулмонларга на бўлсун, шул бўлсун ва алар қайғусини чекмоққа фикри етмас ёинки истамас”.

Стасе хоним хотиралари муфтий ҳазратнинг фикрларини тўлиқ тасдиқлайди. Чор маъмурлари яшаган шаҳарда эса темирйўлчилар учун шифохоналар очилган ва у ерда овруполик докторлар ишлаган.

Абдурауф Фитратнинг “Нажот йўли” асаридаги куйидаги жумлаларни ҳам изтиробсиз ўқиб бўлмайди: “Барчага маълумки, ёзнинг уч ойида шахримиздаги кўпчилик одамлар касал бўладилар. Бу бечораларнинг кўпчилигига йигирма-ўттизта ришта чиқиб, бошдан оёқларигача қон ва йирингга ғарқ бўлиб юрадилар. Ҳар бир хонадонда тўрт-бешта одам ўттиз-қирқ кунлаб иситмалаб ётадилар”.

Табобатнинг йўқлигидан миллат зое бўлаётганига ачинган Фитратнинг бонги кошки ўз замонасигагина тааллуқли бўлса: *“Муҳаммаднинг юзлаб умматлари жароҳатларига малҳам бўладиган дори орзусидадирлар, уларнинг чеккан нолаи оҳларидан малоикалар қалбига ҳам изтироб тушади”*.

Фитратга замондош литвалик аёлнинг қуйидаги хотиралари эътирофдек кўринса-да, аслида, аянчли ҳаёт манзарасидир: *“Кўчада ғаройиб табибларни учратиш мумкин, улар шу ернинг ўзида оғриган тишингизни олиб ташлайди ёки нозик хивич билан мушаклар орасидаги қуртни ипдай суғуриб олади. Бундай қуртлар туриб қолган ёки нотоза сувни ичадиган кишиларда бўларкан. Европада врачлар буни қандай даволашни билмайди дейишади, фақат ўзбекларгина бу қуртларни хивичлар ёрдамида чиқариб оларкан ва бу жуда кўп вақтни талаб қиларкан”*.

Бундан юз йил бурун моҳир табиблар риштани тери остидан минг бир машаққат билан бўлса-да суғуриб олган. Ҳақ-рост, вужуддаги дард эртами-кеч тузалади, албатта. Аммо онгу тафаккурдаги, руҳиятдаги иллатларга қайдан даво излаймиз? Табиблар чорасиз қолган, чўпга илинмаган ришталар миллий зехниятимизни эгаллагандек. Унга “ҳалоллик вакцинаси” қор қилармикан?! Қаёққа қараманг, ришта қуллари, риштасеварлар... Ислохотпарварлик нафспарварликка айланиб кетгандай, назаримизда. Бир кўнглимиз “Кўринмас ришталарнинг барҳаётлиги шундан” деса, яна бир кўнглимиз “Табибнинг ўзи бемор бўлса-чи” дейди.

Китоб яқинида, Самарқанд тоғларида жойлашган моховлар қишлоғи ғайридин

шифокорни даҳшатга солади. Моховга ҳам марҳаматли бўлган ўзбекка қойил қолган муҳожир аёл ҳикояси барибир кўнглини хира қилади.

Тарихий манбаларда ушбу бедаво дардга йўлиққанлар Бухоро шаҳрида – Гузарипесенда жамоа бўлиб яшагани ҳақида маълумотлар учрайди. Шаҳарликлар танаси оқариб кетганларни моховлардан ҳам бадтар ёмон кўрган. Уларнинг ақидасига кўра, Оллоҳ моховни банданинг гуноҳи учун берган, пес эса бутун бир авлоднинг гуноҳлари оқибатидир.

Гузарипесендагилар хайр-садақа эвазига кун кўрган. Бундан ташқари, ўзларига тегишли боғ-роғ ва ер ижарасидан тушган даромад оилалар ўртасида тенг тақсимланган. Гузарнинг ўз масжиди, ҳаммоми, бозори ва мактаби бўлган. Гузар аҳли оралиридаги илмиларни қози, мулла ва оқсоқол этиб сайлаган.

*“Тақдирга ишонувчи ўзбеклар хаевфдан кўрқмайди, касал бўлишса, даво излашмайди, улар тақдирдан қочиб қутулиб бўлмайди, дейишади. Пешонада борини итоаткорлик билан қабул қилишади, нолишмайди”*, дея хотирлайди муаллиф.

Одамни хотиралар ёмон эзади. Қаддимиз тарихнинг маломат ва таъналаридан букилган.

Эвоҳ!..

Ўтмиш хатолари олдида Алпинбийдан қолган ўн тўрт ботмон биринчдан бўлган парли ёй кушнинг қанотидай гап!

### Мозий бамисоли камон

Стасе хоним Каркида ҳам Пули Зиндонда бўлгани каби рус гарнизони борлигини

ёзади. Деярли бутун бир мавзени эгаллаган улкан бозорда дунёнинг турли бурчаклари – Амриқо, Англиё, Фарангистон, Олмония, Ҳиндистон, Эрон, Афғонистон, Чин юртидан келган савдогарларни учратади. Каркида олисларни кўзлаб йўлга чиққан карвонлар, сайёҳ қадами етмаган элларнинг той-той гиламлари, қоракўл, қимматбаҳо мўйналарини, қоп-қоп гуруч, буғдой, арпа, жўхори, майиз, кишмиш, чигит, пиллани, кокилдек эшилган уюм-уюм қовунқоқиларни, турли мамлакатларнинг олтин ва кумуш пуллари тоғ қилиб тахлаганча кўли-кўлига тегмай айирбошлаётган ҳинд саррофларни кўради.

Бозор ўз оти билан бозор-да! Турфа тиллар шовқини тинмайдиган улкан издиҳом... Афғон тужжорларининг туя карвонига, юзлаб кўнгироқлардан таралаётган мусиқа – сокин ва майин товушга мос қадам ташлаётган сахро кемаларига мафтун Стасе хоним учун ҳар қадамда учрайдиган чойхоналарда кабохўрлигу ошхўрлик қилаётган, тоғ-тоғ уюлган ҳолва ва турли ширинликлар савдосини қизитаётган, “Ла илаҳа иллаллоҳ!” дея бақариб юрган дарвешларга хайр-садақа улашаётган мусулмонларни кузатиш завқ бағишлайди, албатта. Қочқин шифокорни нозиктаъб заргарлар ясаган тилла буюмлар, Искандар Мақдуний тасвири туширилган қадимий кумуш тангалар, яшил тусга кирган дубулғалар ва совутлар ҳам ҳайратлантиради: *“Билгувчи кишилар уларга шубҳа билан қарайди. Сотиб олаётганда эҳтиёт бўлган маъқул. Чунки ўзбеклар антиқа буюмларни қалбакилаштиришда устаси фаранг”*.

Каркида салкам бир йил истиқомат қилган Стасе Вайнейкене миллатдошла-

римизнинг Рамазонга атаб янги уст-бош тикиши, уй-жойларини тартибга келтириши ва ифторлик учун бозор-ўчар қилишини қизиқсиниб кузатади. Оллоҳ фарз қилган рўза моҳиятини ўрганган масиҳий аёл *“Қуёш ботиши биланоқ ўзбеклар бизда Пасха байрамидаги каби жонланишади, еб-ичишади. Тун бўйи кўнгилочарлик қилишади, кўшиқ айтиб дам олишади”*, деб ёзади.

Сигинди аёл Рамазон ҳайитини кўркам либосларда шоду хуррамлик билан кутиб олаётган мусулмонларга қўшилиб байрам қилади: *“Кун ботганда масжидда ўқилган сўнги тантанали намоздан сўнг оломон дарё бўйида, маҳаллий бекнинг қасри рўпарасида жойлашган, эртақдагидай фонуслар билан безатилган катта майдон томон юради. Узоқдан ҳаммани байрамга чорлаётган карнайларнинг ғаройиб товушлари эшитилади”*.

Стасе хоним қизлардек ясанган ўғил болалар – баччалар рақси ва туркман йигитларнинг кўпкари чопишини томоша қилар экан, *“Тонггача карнай садолари остида художўй ўзбеклар кўнгилахушлик қилиб ақлдан озадилар”* демоқдан ўзини тия олмайди.

Бир ёқда тасбеҳни кўлдан қўймайдиган тақво аҳли, иккинчи ёқда эса муқаддас мазорлар атрофидаги дарахт шохларига гулдор мато қийқимлари илишни тарк этмайдиган ширк аҳли...

Мозий урфдан қолган қора чироқ эмас. У бамисоли камон. Биз ана ўша кўҳна камондан отилиб чиққан ўқмиз. Садоқда пайконлар бисёр. Ҳар бир авлод учиб бораётган пайкон эканини билса, камонни ёддан чиқармайди.

### Қонга ботирилган Бухоро

Тарихга “Колесов воқеаси” деган ном билан кирган машъум қирғинбарот гувоҳи бўлган муҳожир аёл муаррихлар назаридан четда қолган хунрезликлар ҳақида ҳикоя қилади.

Аввалроқ Туркистон мухториятини қонга ботирган, Қўқоннинг кулини кўкка совурган жаллод – Фёдор Колесов қўмондонлигидаги қизил армия Бухорога юриш қилади. Бухоро ҳукмдори Олимхон эса, ўша давр матбуотида ёзилганидек “ҳеч вақтда совет ҳукумати билан урушмоқни истамас ва истамоққа кучи ҳам йўқ бўлиб, совет ҳукумати ила иттифоқ ва дўст бўлмоқ хаёли ва фикрида эди”.

Стасе хонимнинг Бухорода большевикларга “ёш ўзбеклар” қўшилгани ҳақидаги фикри жиндай тасҳеҳ – тузатишга муҳтож. “Жабрда нодир, зулмда моҳир” Колесов билан ҳамкорлик қилган сиёсий ҳаракат “Ёш бухороликлар” эди. Колесовчиларнинг мамлакатни “Ёш бухороликлар”га топшириш талабига кўнмаган амир халқни муқаддас уруш – ғазовотга отлантиради. Стасе хоним ғозийларни бундай тасвирлайди: “Одамлар кетмон ва пичоқлар билан қуролланиб, Оллоҳ номи билан, Колесовнинг большевикларини ўлдиришга борган”.

Минг-минглаб шаҳид, хунолуд Бухоро...

Қизил қўшин мағлубиятини кўрган Колесов 1918 йил 7 март куни Самарқанд томон чекинади. Қўмондон ўзи билан бирга барча овруполикларни поездларга босиб (“Ўн иккита эшелонга етти минг кишилик тўлди”) Тошкентга чекингани “Палангалик қочқин аёл хотиралари”да батафсил тасвирланган. Муаллиф қаттол зобитнинг

қавмдошларини чўлда оғир аҳволда қолдириб қочишга урингани, аскарларнинг тапончилигию ашаддий хунхўрлигини очиб ёзади: “Йўловчилар ўғирланган кийим-кечакларни кия бошлади, энди ипак кийимларга ўраниб, вагон томида ўзбек кўрпаларини ёпиниб ётган одамларни кўпроқ кўриш мумкин эди”.

### Орзудаги ватанни излаб

Муҳожиротда кўп ва ҳўб қийналган аёл ҳатто тушларида ҳам ватанини кўради. Адоқсиз ғам-ғусса, азоб-уқубат билан кечган ҳаётга мазмун бахш этиб турган нур – Ватан!

Қочқин одам минг зўр бўлсин, бегона юртда барибир тили қисик, қўли калта бўлади. Денгиз ҳавосида улғайган Стасе хоним Туркистон қуёшига тоб беролмай қолган чоқлари она юртининг оқиш, ёмғирли осмони бўйлаб сузиб юрувчи чексиз булутларини соғинади. Халқимизда “Сайил ҳам сайил, саргардон ҳам сайил” деган пурмаъно мақол бор. Стасе хонимнинг хотиралари саргардон сайлидир.

Тошкентдан поездга ўтирган литвалик оила ватанга қайтаётганига беҳад қувонади. Қозоғистон чўлларида ўтган эшелон Урал тоғларига етгач, очарчилик нафақат Туркистонни, Ўрусияни ҳам забтига олгани аён бўлади. Стасе хоним ҳаммаёқда даҳшатли азоб исканжасидаги сон-саноксиз оч одамлар чумолидай ғимирлаб юрганини қайд этади.

Рус ёзувчиси Александр Неверов худди ўша йиллар Волгабўйидаги оммавий очарчилик ҳақида “Тошкент – нон шаҳри” деган қисса битган. Атоқли режиссёр Шухрат Аб-

босов салкам олтмиш йил бурун суратга олган шу номдаги фильмни кўрмаган, ўзи муҳтож бўлса-да, очликдан силласи қуриган шимолликларга нон берган халқимизнинг олийжаноблигидан фахр туймаган юртдошимиз кам бўлса керак.

Алқисса, узоқ айрилиқдан сўнг ватанга қайтаётган бу оила ит азобида Москвага етиб боради. Уларни Литва ваколатхонасига жойлашиб олган олибсотар амалдорлар қарши олади. Стасе хоним аламдан “Литванинг бу ердаги гумашталари шунчалик пасткашликка борган экан, унда биз орзу қилган Литва қаерда қолди?!” дея ҳайқиради.

Не тонки, она юртда сургундан қайтган оилага ётлардек қарашади. Ҳаёт қийинчиликларидан кўркмайдиган, иродаси метин, миллатсевар аёл хотиралари изтиробли яқун топган: “Кичкинаминг қорни очиб, инжиқлик қиларди. Мен шижачани олиб, қўлимда бир ярим марка билан сут излаб кетдим. Ўтган-кетганлардан қаерда сут сотиб олиш мумкинлигини сўрардим. Узоқдаги бир кулбани кўрсатишди. Уйга кирдим, сигир соғилмагани учун кутушим керак эди. Уй бекаси шижачага сут солиб берди, аммо пул олмади. Бир бўлак нон ва дудланган гўштдан кесиб қўлимга тутқазди. Ғира-шира ошхонадан қандай чиққанамни билмайман. Кўксим аччиқ

кўзёшлардан титрарди: мен йиғлаб борардим. Сут учун пул олмади, демак, менга садақа берибди. Мен шунчалик соғинган она юртимга қайтганимда ана шундай аҳволда эдим! Юрагим эзилиб кетди. Ҳатто энг қийин дамларда ҳам садақа сўрашимга тўғри келмаган. Она ерга қадам қўйишим билан садақага “сазовор бўлдим”.

Хотиралар ҳар кимда ҳар хил таассурот қолдиради, албатта. Кимдир унга озодлик учун кураш тарихи сифатида қараса, бошқа биров “Туркистон таназзули ҳақида экан” дер. “Стасе хоним садоқати покдомон момоларимизни ёдга солади” дейдиганлар ҳам ҳақ. “Йўқ, бу – миллатга васиятнома!..” дегучиларга ҳам эътироз билдирмаймиз.

Яхши асар афкор оммада баҳс кўзғаш билан қадрли. “Бир кун туз еган жойга қирқ кун таъзим” мақолига амал қилиб хотиралар битган Стасе хоним билан Туркистонда бир ярим асрдан бери яшаса-да, ўзбеккона ҳаётга заррача қизиқмаган, ўзбекнинг дини, тили, урф-одат ва қадриятларига ҳурмат бажо келтиришни камситилиш деб биладиган, отдан тушса ҳам эгардан тушмайдиганларни таққосласангиз...

Ўҳ-хў-ў!..

Улар самимий, беғараз битиклар битган диндоши бошидан сув ўгириб ичсин.

“Палангалик қочқин аёл хотиралари” – бағрикенг ўзбек халқига эҳтиром рамзи.

Султонмурод ОЛИМ



## TURKIY BIRLIK TIMSOLI

### Дастурий даъво

Навоий Самарқандда ўқиган йиллари (1466 – 1469) устози Саййид Ҳасан Ардашарга ёзган шеърий мактубида гапни нега Ҳиротдан кетишга мажбур бўлганига қараб буради-да, шоир ўлароқ қадр топмагани, туркий тилда қалам сургувчиларнинг яққо яғонаси эканини ҳеч кимса инобатга олмагани, бошини силамаганини биринчи сабаб қилиб кўрсатади. Турк тилида мендай шеър ёзадиган шоир чиққан эмас, фалак бу тахлит нодир, назм битишда Низомий каби қодир бир кишини кўргани йўқ, дейди. Ҳолбуки, Навоий у фурсатда ҳали “Хамса” ёзишни бошламаган, ҳатто девон ҳам тузмаган эди. Кейин яна Фирдавсий ўттиз йилда яратган

“Шоҳнома”дек асарни ўттиз ойда қоғозга тушира оламан, ийҳомдек қийин бадий санъат (ийҳом – шаклдош, яъни омоним сўзни бир марта ишлатиб, бир неча маънони юклаш) шарт қилинган тақдирда ҳам кунига юз байтни ҳолва егандек осонгина бита оламан, деб даъво қилади. Алқисса, шогирд устозига бор дардини тўкиб солади: лекин менга ҳеч ким юзланмади, мураббийлик қилмади, ёзишга ундамади, ҳаёт кечирим ҳам оғир бўлди, бу мушкул аҳволга тушган киши қандай қилиб оворалик йўлини тутиб, бошини олиб бир тарафга кетмайди, ахир (қаранг: Алишер Навоий. *Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 3-том. Тошкент, “Фан”, 1988. 516-518-бетлар!*)

Йигирма беш-йигирма саккиз ёшлардаги шоир ўзининг туркий шеърий осмондаги энг ёрқин юлдуз эканини тўлиқ ҳис этган, олдига она тилида Низомий Фирдавсийлар яратгандек буюқдан-буюқ асарлар битишни дастурий мақсад сифатида аллақачон қўйиб улгурган эди. Бу шахсий орзугина эмас, балки бутун бир халқ олдига турган асрий буюқ мақсад эди. Туркий адабиётни форсий шеърийнинг юксакдан-юксак даражаларига кўтариш Юсуф Хос Ҳожибдан (XI аср) то Мавлоно Лutfийгача (XIV – XV асрлар) бўлган туркий шоирлар олдига миллий вазифа бўлиб келган эди. Ёш Навоий шу улкан вазифани охирига етказишни гарданига олганини устозидан яширмайди. Кейинчалик “Садди Искандарий” достонида ёзишча, Суруш (фаришта) гўёки шундай дейди:

*Бу тил бирла то назм эрур халқ иши,  
Яқин қилмаиш халқ сендек киши.*

(Алишер Навоий. *МАТ. 20 томлик. 11-том. Тошкент, “Фан”, 1993. 60-бет.*)

“Фарҳод ва Ширин”ни тугатар чоғида эса “*Олибмен тахти фармонимга осон // Черик чекмай Хитодин то Хуросон. // Хуросон демаким, Шерозу Табрез // Ки, қилмишдур найи килким шакаррез!*” деб баралла айтади. Хитойдан Хуросонгача, ундан нари – Шерозу Табризгача бўлган ҳудудлар теурийлар салтанатининг тасарруфида бўлган, бу ерларда ўзбеклар ва уларнинг тилини тушунадиган қардош туркий халқлар яшар эди...

### Миллий мафкура нима?

Муайян гуруҳ, ижтимоий қатлам, халқ ёки миллатнинг орзу-мақсадлари, интилиш-

лари, қизиқ ишлари, манфаатларини ифода-лаб, уларни ҳимоя қилишга қаратилган ғоялар тизими (мажмуаси, йиғиндиси) мафкура ҳисобланади. Бир мамлакат ё бир миллат манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ғоялар тизими эса миллий мафкурадир.



Навоийнинг туркий тилда муаззам адабиёт яратиш мақсади Мовароуннаҳр ва Хуросонда ҳукмронлик қилаётган туркий давлат – теурийлар салтанати миллий мафкурасининг таркибий қисми; мутафаккир шоир яратган ўша адабиёт ичидаги давлату халқ манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилган ғоялар мажмуаси эса, шак-шубҳасиз, миллий мафкура эди.

### Сиёсат ва адабиёт

Биз – қадим ва гўзал тилга, шу тилда яратилган жуда бой, ҳатто дунёдаги манаман деган адабиётлар билан бемалол беллаша оладиган сўз санъатига эга халқмиз. Рост, тилсиз адабиёт бўлмайди, адабиётсиз эса тил ривожини тасаввур қилиш қийин. Ҳар қандай халқ учун шу иккисидан кўра миллийроқ, улардан-да азизроқ бойлик йўқ. Бироқ тилнинг ҳам, адабиётнинг ҳам чинакамига камол топиши учун ҳокимият халқнинг қўлида бўлиши, бу соҳалар тараққийтини ҳаммадан бурун ҳукмрон сиёсат кўпроқ исташи керак. Бу – Навоий-

нинг фикри. У адабиёт равнақини бевосита шоҳларга боғлайди. “Муҳокамат ул-луғатайн”нинг талай ўринларидаги Хусайн Бойқаро тўғрисида айтилган ўта илиқ сўзларни зинҳор-базинҳор шоирнинг шахсий хушомади деб тушунмаслик керак. Навоий бу замона ҳукмдорининг “ўзига сўз жиҳатидин азим эътибор ва сўзига ўз жиҳатидин бийик поя ва миқдор” (*Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик. 16-том. Тошкент, “Фан”, 2000. 30-бет*) қилгани, унга қанча-қанча раҳнамоликлар кўрсатганини айтади.

Ахир, Навоийни Навоий қилган омиллардан бири ҳам ўша вақтдаги гуллаб-яшнаган салтанат – теурийлар давлати эмасмиди? Шоирнинг туркий эл шону шуҳратини тоабад оламга ёйган дурдона асарлари билан Хусайн Бойқаро умр бўйи фахрланмади ёхуд улуг дўстини улкан, оламшумул ижодий ишларга рағбатлантирмадимми?! Қайси подшоҳ мамлакатида она тили, она юрти ва она халқи шарафини то рўзи Маҳшар кўкларга кўтариб турадиган шоири бўлишини орзу қилмаган?!

Хуллас, Темур Кўрагон бўлмаганида Хусайн Бойқарони, Хусайн Бойқаро бўлмаганида Навоийни ҳозиргидек юксакликда тасаввур этиш амримаҳол бўларди.

### Туркий сўз равнақи йўлида

Аруз – арабий вазн. У форсий ва туркий шеърятга мос эмас, аксинча, бу тилларда битилган назм унга мослаштирилган. Шунинг учун Шайх Аҳмад Тарозий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур аруз ҳақида ўзбек тилида битган рисолаларида назарий фикр исботи учун форсийдан ҳам, туркийдан ҳам мисол келтираверганлар.

Лекин Навоийнинг “Мезон ул-авзон”и махсусан туркий аруз қоидаларига бағишланган ва фақат шу тилдаги шеърлардангина мисол олинган. Бу – миллий мафкура талаби эди. “Муҳокамат ул-луғатайн”да Навоий бу қатъиятини очиқ-ошкор баён этади ҳам: “...Ва ҳунарсиз туркнинг ситамзариф йигитлари осонлиққа бўла форсий алфоз била назм айтурға машғул бўлубтурлар... салоҳият ва таъбларин, ўз тиллари турғоч, ўзга тил била зоҳир қилмаса эрди ва ишга буюрмасалар эрди. Ва агар иккала тил била айтур қобилиятлари бўлса, ўз тиллари била кўпрак айтсалар эрди ва яна бир тил била озроқ айтсалар эрди. Ва агар муболаға қилсалар, иккала тил била тенг айтсалар эрди” (*ўша манба, 19-20-бетлар*).

### Турк мамлакатин “якқалам айламак”

Навоийни Худо халқ хизмати учун яратган эди. Унинг шахсий ғояси миллий ғояга, миллий ғоя эса унинг шахсий ғоясига айланиб кетган. Халқ – шоир ижодидаги энг асосий тимсоллардан биридир.

Ҳисоблаб чиқилса, назму насрда ёзганларим юз минг байтдан ошади, деган эди унинг ўзи. 1991 йили мутафаккир ижодкор таваллудининг 550 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Миллий боғи баланд тепалигида бунёд этилган улугвор ҳайкал пештоқиға ўша юз минг байтдан битта энг муҳимини – миллий ғоямининг мағзини акс эттирадиганини топиб, ёзиб қўйиш керак эди. Топилди:

*Олам аҳли, билингизким, иш эмас душманлиғ,  
Ёр ўлунг бир-бирингизгаки, эрур ёрлиғ иш.*



Туркий давлатлар бошкентлари, жумладан, Анқара шаҳрида улуг шоирга ҳайкал ўрнатилган.

(*Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик. 3-том. 214-бет.*)

Бу – шиор. Бўлганида ҳам, бутун башариятга қарата айтилган абадий буюк даъват. Инсоният бўлар, Ер юзида турли миллат ва элат вакиллари истиқомат қилар, дунё давлатларга бўлинар, бир мамлакат жамияти ҳар хил этник гуруҳлардан ташкил топар... экан, душманлик эмас, ёрлик – яъни дўстлик байроғини баланд кўтаришимиз керак. Бундан оқилроқ йўл йўқ.

Эҳ-ҳе, Навоий меросида шиор бўладиган байт ва ҳикматлар шу қадар кўпки!..

“Лисон ут-тайр” достонида:

*Турк назмида чу мен тортиб алам,  
Айладим ул мамлакатни якқалам,*

дея ифтихор қилади шоир. Бу “Турк назмида мен байроқ кўтариб, у мамлакатни

(яъни турклар юртини) якқалам қилдим” дегани. “Якқалам” сўзининг иккита маъноси бор: 1) халқни бир буйруққа бўйсунадиган қилмоқ; 2) уни бир адабий тил атрофида бирлаштирмоқ.

Амир Темур, биламизки, “Соҳибқирон” бўлган. Бу сифат коинотда икки юлдуз туташган фурсатда туғилган буюқдан-буюк зотларга нисбатан ишлатилади. Навоий кўп бор Хусайн Мирзони ҳам шундай тавсифлаган. Қизиқки, Хусайн Мирзо ҳам “Рисола” асарида Навоийни “Соҳибқирон” дея улуглайди. Ҳа, туркийларнинг юртларини якқалам айлаган шахсга бу сифат жуда-жуда ярашади.

### Буюк мафкурачи

Навоий ўзбек адабиётидаги энг мафкураравий қалам соҳибидир. Кўплар бу фикрга

кўшилмас, балки оғирроқ олар ҳам. Чунки шўро даврида мафкуралашган адабиётнинг бадий жиҳатдан саёзлашиб кетганини кўп кўрганмиз-да. Йўқ, мафкура билан мафкуранинг ўртасида ер билан осмонча фарқ бор. Навоий бутун ижоди билан те-мурийлар давлатида яшаган халқларнинг миллий мафкурасини яратдиким, унинг уч асоси бор:

1. Навоий нимаики ёзган бўлса, ўз олдида *“Комил инсон қандай бўлиши керак?”* деган масалани кўндаланг кўйди; бунда бошдан-охир ислом дини ва унинг бағрида пайдо бўлиб, тараққий этган тасаввуф таълимотининг энг илғор ғоялари-га таянди.

2. Навоий нимаики ёзган бўлса, туркий эл, аниқроқ қилиб айтганда, ўзи мансуб бўлган ўзбек халқининг манфаатлари, бахту иқболини кўзлаб ёзди.

3. Навоий нимаики ёзган бўлса, те-мурийлар манфаатларини ҳимоя қилиб ёзди.

Булар унинг буюк мафкурачи бўлганидан далолат беради.

Юқорида келтирилган уч йўналишнинг ҳар бири ҳақида алоҳида-алоҳида монографиялар ёзиш мумкин.

Навоий яратган миллий мафкуранинг мужмал нуқталари йўқ. Бир мисол: “Муншаот”нинг 11-мактубидаги рубоийда аввал Ҳақ амрию наҳйини, кейин Пайғамбар (с.а.в.) шариатини, сўнг эса подшоҳ амри-ни бажо келтиришга даъват қилинади. 95-хатда эса Оллоҳга шукр – Тангри таоло тарафидан буюрилган ишларни бажариб, ман этилган ишлардан тийилиш экани уқтирилади. Беш фарзи айн, яъни имон, намоз, рўза, закот ва ҳаж эслатилади. На-

моз ҳеч баҳона билан банда гарданидан халос этилмаслиги таъкидланади, на-моздан озод этадиган бирор асос бўлса, келтиринг, дейди у: “Тенгри учун ё Тенгри-нинг буйруғини бажо келтуринг, ё бир оят, ё ҳадис, ё машойих нақли, ё ривоят, ё масала топилгон бўлсаким, бу амрни тарк қилмоқ керак, топилгон бўлса бу бандага ирсол қилингизким, заъфим ғолибдур ва бу тақлиф бағоят куллий” (*Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик. 14-том. Тошкент, “Фан”, 1998. 227-бет*). Мактуб мазмунидан маълум бўладики, у ҳукмдор шахсга йўлланган, у шахс ва аъёнлари эса на-мозни тарк этган экан... Шоирнинг ислом ақидаларига амал қилишни бу даражада талаб этиши нима? Мафкурадан бошқа нарса эмас, албатта!

### Навоий – давлатшунос

Илму фанимизда буюк шоир ва мутафаккир ижодининг кўп қирралари қисман ўрганилган. Аммо “Навоий – давлатшунос” деган масалага кам эътибор берилган. Аввало, шўро сиёсати бундай мавзуни борича ёритиш имконини бермас эди. Ўрганилганда ҳам, давлат ҳақидаги феодал қарашлар сифатида баҳоланиб, зарарли ғоялар тарзида талқин этилиши мумкин эди. Қолаверса, шоир мероси шу қадар кенг ва чуқурки, ҳали навоийшунослигимиз бу дақиқ мавзуларга етиб борганича ҳам йўқ.

Навоийнинг давлатшунослигини, аввало, амир оиласида туғилиб ўсганидан излаш керак. Отаси Ғиёсиддин Кичкина те-мурийлар салтанатининг содиқ мулозим-ларидан бири; онаси те-мурийлар хонадони

хизматидаги аёллардан эди – у амирзода шайх Абу Саид Чангийнинг қизи бўлган. Тоғалари Мир Саид Кобулий, Муҳаммад Али Ғарибийлар ҳам салтанат мулозимларидан эди.

Навоийнинг ўзи ҳам давлат хизмат-чиси бўлгани маълум. 1469 йил бошида Султон Ҳусайн уни муҳрдор қилиб тайинлайди. Кўп ўтмай шоир бадий ижод билан шуғулланиш мақсадида истеъфога чиқади. 1472 йили султон уни, норозили-гига ҳам қарамай, вазирликка тайинлаб, *“амири кабир”* (*катта амир*) унвонини беради. Амир Музаффар барлосгина Навоийдан юқорига муҳр босиши мумкин эди. Демак, шоир салтанатнинг учинчи ўринда турадиган мансабдорига айланган. 1476 йили Навоий бу мансабдан ҳам расман истеъфога чиқади. Бироқ *“амири кабир”* унвони умрининг охиригача сақланиб қолади. 1487 йил қишида Ҳусайн Мирзо Навоийни узоқ Астрободга ҳоким қилиб жўнатади. Стратегик жиҳатдан Астробод Хуросон давлатининг ғарбий чегарасидаги энг муҳим манзил ҳисобланар, серсув, кўкаламзор, обод, ипакчилик ривожланган, савдо-сотик учун ниҳоятда қулай бўл-га эди. 1488 йили Навоий ўз ўрнига Амир Бурҳониддинни қолдириб, ҳокимликни топшириш нияти билан Ҳиротга келади. Бироқ Султон Ҳусайн уни қайтариб юбо-ради. Бир неча ойдан кейин шоир бари-бир Ҳиротга қайтади. Махсус давлат хиз-мати топширилмаган бўлса ҳам, Ҳусайн Бойқаро унга *“муқарраби ҳазрати султони”*, яъни *“ҳазрат султоннинг энг яқин кишиси”* деган унвон беради. Бу унвон соҳибининг бир ваколати – муайян маса-

ла юзасидан ҳукмдорга тўққиз мартага-ча мурожаат қилиши мумкин эди. Демак, Навоий жами 13 йилча давлат хизматида бўлган-у, бироқ умрининг охиригача дав-лат ва жамият ташвишидан ортмаган. “Ҳайрат ул-аброр”да ўзи қайд этганидек, унинг бош қашишга ҳам вақти бўлмаган:

*Ким бор эди бошима кўп меҳнатим,  
Йўқ эди бош қошиғали фурсатим.*

“Хамса” – бир қарашда, соф бадий асар. Бироқ унда те-мурийлар салтанати тақдирини ўйлаш, ҳукмдорларни улуғлаш баҳонасида мирзоларга насиҳат қилиш тамойили, ул буюк салтанатнинг келажак-гине ёруғ кўриш умиди барқ уриб туриб-ди. Айти жиҳати билан бу эпопея замо-насининг миллий мафкура концепцияси илгари сурилган буюк сиёсатномаси ҳам эди. Бугунги тушунчалар билан ёндашсак, бешлик ўз даврининг кучли мафкуравий-публицистик асари вазифасини ҳам ўта-ган. “Фарҳод ва Ширин”даги *“Эрурсен шоҳ, агар огоҳсен сен, // Агар огоҳсен сен, шоҳсен сен!”* ёки “Садди Искандарий”даги *“Навосиз улуснинг навобахши бўл, // Навоий ямон бўлса, сен яхши бўл!”* байтла-рининг ўзиданоқ шоирнинг қанчалар дав-латшунос бўлгани ойдинлашади.

“Хамса”да анъанавий ҳамд, наът, “хамса”навислар, икки пир – Баҳоуддин Нақшбанд ва Хожа Аҳрорга бағишланган боблардан ташқари, дostonларнинг ҳар бирида Султон Ҳусайн ва ё унинг хонадо-ни вакилларига махсус боблар бағишлан-ган. “Ҳайрат ул-аброр”нинг 20-мақолати Султон Бадиуззамонга насиҳат тарзида битилган. “Фарҳод ва Ширин”да Султон Бадиуззамон, шаҳзода Шоҳғариб Баҳо-

дир; “Лайли ва Мажнун”да Султон Бадиуззамон, шаҳзода Султон Увайс; “Сабъайи сайёр”да Султон Ҳусайн, унинг суюкли хотини Хадичабегим; “Садди Искандарий”да Султон Ҳусайн, Султон Бадиуззамон, Навоийнинг Балхда ҳокимлик қилган укаси Дарвешалига боблар бағишланган. Шунингдек, “Садди Искандарий”нинг 84-бобида Султон Ҳусайн Мирзо, унинг ўғил ва неваралари, хусусан, Музаффар Мирзо мадҳ этилади. “Хамса” бадиий асар бўлса, унда сарой аҳлига боблар ажратишдан кўзланган мақсад нима эди? Албаттаки, насиҳат! Бу насиҳатлар замирида эса миллий мафкура ётади.

### Туркий қавмлараро иттифоқ

Темурийлар барча туркий қавм ва уруғларни бир кўз билан кўришга ҳаракат қилган. Бу уларга улуг боболари Соҳибқирон Амир Темурдан мерос бўлиб келаётган эди. Буни “Вақфия”даги мана бу қайддан ҳам англаш мумкин: “Чун замоннинг азим уш-шон содот ва фузалоси ва давроннинг карим ул-хулқ қузот ва уламози ва темурийнаход шаҳзодалар ва барлосий ниҳод озодлар ва арлотий исмлик садрнишинлар ва тархоний расмлик айшгузинлар ва қиёт насаблик мутаайинлар ва кўнғирот ҳасаблик мутамаккинлар ва уйғурий сифот бахшилар ва уйғурчарғалик яхшилар ва чўлилик биёбонида жонсипорлик қилғон жондорлар ва бойрилик айёмида хизматкорлик қилғон жонсипорлар ва жалойир ғавғоси ва қавчин алополи мавжуд эрди ва ҳар мавжудқа бир мақсуд ва подшоҳона иноят ва ҳар қайсиға бир муносиб мансаб билан сарбаланд ва хус-

равона тарбият, ҳар бирисини мувофиқ амал шуғлиға пайванд қилдилар” (*ўша манба, 249-бет*). Бу парчада Хуросон давлатида етарли обрў-эътибор ва мартабага эга бўлган асосий туркий уруғлар (барлос, арлот, тархон, қиёт, кўнғирот, уйғур, чўли, бойри, жалойир, қавчин) бир-бир саналади, уларга Султон Ҳусайн тарафидан кўрсатилган иноятлар қайд этилади. Эл-улус орасида адолат ўрнатиш, ўзаро тенглик, бағрикенгликни сақлаш учун давлатга бу ишлар жуда-жуда керак эди. Бу ўша замонда ҳокимиятни қавмлар орасида адолатли тақсимлаш, коалициявий қатъиятларга амал қилиш вазифасини ўтаган. Мантиқан олиб қараганда, ушбу туркий уруғлар беклари ва жангчилари Ҳусайн Бойқароннинг ҳокимият тепасига келишига муносиб ҳисса қўшган бўлиши керак.

### Хулосалар

- ✓ Навоий – турк дунёсининг оташин тарғиботчиси. Унинг бутун ҳаёти, фаолияти ва ижоди туркий халқлар манфаатларини ҳимоя қилишга бағишланган. Бунинг замирида ўзи мансуб эл-улусни бахтли кўриш умиди мужассам эди.
- ✓ Унгача ҳам, ундан кейин ҳам ҳеч ким туркий тилда бу қадар кўп ва хўб асарлар битгани йўқ. Ижоди туркий тилли адабиётни жаҳон сўз санъатининг энг юксак даражасига кўтарди. Шоир туркий тил шунга қодир эканини ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан тўлиқ исботлашни мақсад қилди.
- ✓ Навоий ижодига туркий халқларнинг XV асргача бўлган бой маънавий ме-

- роси, орзу-мақсадлари, интилишлари, манфаатлари акс этган миллий мафкура сифатида қараш учун ҳамма асослар мавжуд.
- ✓ Туркий халқлар таърифи, туркий қавмлар, туркий тиллар таснифи борасидаги қарашлари қимматли тарихий илмий маълумотлар ҳисобланади.
- ✓ Туркий аруз қонун-қоидаларини баён қилиш учун “Мезон ул-авзон”га яқкаш туркий шеърятдан мисоллар олди.
- ✓ Туркий адабиётни фақат форсий сўз санъати даражасига кўтаришнигина эмас, балки ундан ҳам юқорига олиб чиқишни қатъий мақсад қилиб қалам тебратди ва ниятига етди. Буни Мавлоно Абдурахмон Жомийнинг ушбу эътирофи ҳам тўлиқ исботлаб турибди: “У форсий тил эгалари, форсча назм дурларини тизгувчиларга раҳм қилди. У ҳам шу форсий тилда ёзганида, бошқаларга сўз айтишга мажол қолмасди. Бу мўъжизакор назм тарозиси қаршисида Низомий киму Хусрав ким бўлди?!”

- ✓ Навоий ва турк дунёси – жуда катта, кенг қамровли, бир неча тадқиқотлар яратишни талаб этадиган серқирра мавзу.
- ✓ Бугунги кунда Туркий давлатлар ташкилоти (ТДТ) Евроосиёдаги нуфузли халқаро бирлик сифатида дадил бўй кўрсатмоқда. Бироқ туркий халқлар бирлигини таъминлашга асқатиб, мафкуравий асос сифатида қўл келадиган Навоий меросидан бошқа тап-тайёр таълимот йўқ. Шу боис буюк ўзбек шоири ва мутафаккирига туркий халқлар бирлиги ғоясининг байроқдори сифатида суянишга тўла ҳақлимиз. Бугун туркий халқлар бирлиги ғоясини оқилона ва бекаму кўст амалга оширишимиз учун кимнинг мероси бизга асқатади, олдимиизга қўйган эзгу мақсадларимиизга эш бўлади, ТДТнинг мафкуравий суянчи ва таянчи вазифасини ўтайди? Жавоб шундай: буюк ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий ижоди! Бу фикрга ҳеч бир туркий халқ эътироз қилмаса керак.



ОЛИМЖОН ДАВЛАТОВ



## “Iso nafaslik rindi Sheroz”

Муаззам Туркистон қадимий тамаддун бешикларидан бири ҳисобланади. Миср, Ҳинд, Эрон, Хитой каби кўҳна цивилизациялардан фарқли ўлароқ, икки дарё оралиғида сўнги ўн беш асрда илм-фан, маданият ва санъат араб, форс ва туркий тиллар уйғунлигида нашъу намо топди. Ана шу лисоний рангбаранглик бағрида шаклланиб, туркий халқлар орасида биринчи бўлиб мумтозлик даражасига кўтарилган ўзбек адабиёти-нинг жаҳон адабиёти тарихида назири йўқ яна бир жиҳатини таъкидламоқ лозим: мумтоз шоиру адибларимизнинг аксари туркий ва форсийда барабар, баракали ижод қилган. Мавлоно Лутфий ва Мир Алишер Навоидан бошлаб, Ҳамза ва Фитратгача бўлган беш асрлик давр мобайнида бадиий ижод намуналари туркий-ўзбек ва форс-тожик, айрим ҳолларда араб тилларида жаранглаган. Шу сабабли мумтоз ўзбек адабиётини бемалол зулписонайн адабиёт дейишга ҳақлимиз.

Мумтоз адабиётимизнинг энг сара намуналарида тажассум топган бадиий тафаккур тарзининг шаклланиши ва ривожланишида туркий шоирлар билан бир қаторда форс-тожик шеърияти намояндаларининг ҳам ўрни катта. Бундай узвийлик, муштаракликнинг пойдеворини яратган буюк сиймолардан бири, шубҳасиз, Ҳофиз Шерозийдир (1325 – 1390).

“Майхона” тазкирасида ёзилишича, Ҳофизнинг исми Шамсиддин, насаби – Муҳаммад, тахаллуси – Ҳофиз, Шероз – у туғилиб вояга етган шаҳардир. Шамсиддиннинг отаси асли Исфаҳондан бўлиб, хизмат тақозосига кўра Шерозга кўчиб боради. Ҳофиз роппа-роса етти юз йил аввал Шайх Саъдийнинг киндик қони тўкилган ушбу шаҳарда таваллуд топади.

Болалигида қиблагоҳи оламдан ўтиб, етимликда ўсган Шамсиддин кўп қийинчиликлар кўради. Ривоят қилинадик, у ўн икки ёшида новвойга шогирд тушади. Кечаси билан хамир қориб, тандир қиздиради, устага ёрдамлашади. Бомдодга яқин хизмат ҳақи сифатида икки дона нон билан уйга қайтади. Битта нонни онаси билан бирга тановул қилади, иккинчисини мактабга олиб боради. Устоз нон эвазига унга Қуръонни ёдлатади. Хушовоз Шамсиддин қисқа фурсатда Каломуллоҳни тўлиқ хатм этиб, ўн тўрт усулда мукамал қироат қила бошлайди:

*Ишқат расад ба фарёд, ар худ ба сони Ҳофиз  
Қуръон зи бар бихонӣ бар чордах ривоят.*

Таржимаси:

*Айлайди оху фарёд ишқинг, мисоли Ҳофиз  
Қуръонни сен ўқисанг ўн тўрт усулда агар.\**

Шамсиддин Қуръон ҳофизи сифатида тез орада тилларга тушиб, ўз даврининг йирик олимлари Иззуддин Ийжий ҳамда Имомулҳарамайн Жувайнийга шогирдлик шарафига муяссар бўлади. Айниқса, Ийжий ҳузурида Маҳмуд Замахшарийнинг “Кашшоф” тафсири бўйича олган сабоқлари унинг тафаккур тарзига кучли таъсир



кўрсатади. “Кашшоф” Қуръони каримнинг филологик тафсири бўлиб, Замахшарий Каломуллоҳни сўз мўъжизаси ўлароқ англашга ҳаракат қилган. Мухтасар бир оятга ўнлаб маъно сингдирилиши сўз бадиияти талаблари асосида талқин қилинган мазкур тафсир Ҳофизнинг ижодий услуби шаклланишида муҳим ўрин тутган.

XIV асрга келиб Шероз шеърият, ижод марказларидан бирига айланган, ғазал-нависликни ҳадди аълосига етказган Шайх Саъдийнинг шарофати ила шерозликларнинг бадиий диди юксалиб, таъби нозиклашган эди. Шу боис Ҳофизнинг дастлабки машқлари элга манзур бўлмади, ҳатто айрим густохлар очикчасига унинг устидан кулади. Шоир шаҳар этагида жойлашган Бобо Кўхий деган улуг авлиёнинг мақбарасига бориб, ўша ерда бир кеча қолади. Субҳи содиқда ажойиб бир ғазал куйилиб келади:

*Дўш вақти саҳар аз ғусса начотам доданд,  
В-андар он зулмати шаб оби ҳаётим доданд.*

Таржимаси:

*Ғуссалардин кеча тонг палласи топдим нажот,  
Ўша зулмат, тун аро бердилар обиҳаёт.*

\* Мақолада келтирилган форсий байтларни шоир Одил Икром ўзбекчага ўзгирган.

Шерозга қайтгач, Ҳофиз янги ғазалини сўз синчиларига ўқиб беради. Дастлаб бу ғазал Ҳофизники эканига шубҳа билдирган шеършунослар деярли ҳар ҳафта бири биридан гўзал байту ғазаллар яратилишига гувоҳ бўлгач, унинг ашаддий мухлисига айланади. Ҳофиз девонининг биринчи тўпловчиси Муҳаммад Гуландом ёзганидек, "...жаҳонгир ғазаллар карвони қисқа бир муддатда Туркистон ва Ҳиндистон ўлкаларига қадар етиб, дилтортар сатрларининг овозаси Ироқу Озарбойжонга гўлгула солди... Орифларнинг самоъ мажлислари Ҳофиз шеърларининг навоси билан қизиби, подшоҳларнинг нафис мажлислари байту мисралари билан зийнат топарди. Шавқангиз шеърлари майпарастларнинг базмида валвала (шовқин-сурон – **О. Д.**) кўтарар, муҳаббатномалари ила ошиқларнинг оҳу нола бозори чаққон бўлар эди".

Ҳофизнинг ёшлик даврида Форс ўлкаси элхонийлар сулоласи вакили Абу Исҳоқ Инжуга бўйсунарди. Абу Исҳоқ кўлиочиқ, саховатпеша, айни чоқда, базмни хуш кўрадиган маишатсевар подшоҳ эди. Назмга бегона бўлмаган ҳукмдор саройида Салмон Соважий, Хожу Кирмоний каби атоқли шоирлар ҳам хизмат қиларди. Аслида, ўрта асрларда шоирлар учун саройга яқинлашиш ҳаётининг зарурати эди. Сарой ном чиқармоқ учун ҳам, нон топмоқ учун ҳам асосий даргоҳ ҳисобланарди. Ҳофиз ҳам Абу Исҳоқ ҳузурига бориб турар, аммо бир бурда нон ё арзон-гаров туҳфа важдан ўзини хорлашларига асло йўл қўймас эди. У саройни ўз фикр, шеърларини оммага ёядиган бир восита деб биларди. Подшоҳ арзимаган чақа эвазига ёзилган мадҳнома

сабаб номини мангуликка муҳрлаётганини нозик ишора билан баён этади:

*Зи хофизони чаҳон кас чу банда чамъ накард,  
Латоифи ҳикамӣ бо китоби Қуръонӣ.  
Ҳазор сол бақо бахшадат мадоеҳи ман,  
Чунин нафис матоъе ба чун ту арзонӣ.*

Таржимаси:

*Йиғмади ушбу жаҳон хофизлари мен сингари  
Ул ҳикоятларки, ҳикмат конидир Қуръон аро.  
Бахш этар минг йил бақолик ҳар сано-мадҳим  
маним,  
Бил, фақат сенга муносибдир нафис ушбу мато.*

Абу Исҳоқ салтанатидаги осойишта давр саккиз йил давом этади. Шоҳнинг хулқ-атвори раиятга ҳам таъсир этиб, Шероз аҳли айш-ишрат ва майхўрликка ружу кўяди, мамлакатда тартиб-низом издан чиқади. Музаффарийлар сулоласи вакили Амир Муборизиддин вазиятдан фойдаланиб шаҳарга ҳужум қилади ва Абу Исҳоқни қатл этиб, ўзи тахтга ўтиради. Ушбу тўнтариш Ҳофизнинг аҳволи руҳиясига қаттиқ таъсир қилади:

*Ростӣ, давраи фирӯзаи Бӯисҳоқӣ  
Хуш дурахшид, вале давлати мустаъҷил буд.*

Таржимаси:

*Ростдан, фирузаранг ул Абу Исҳоқий узук  
Товланарди, лек давлат жонсарак, шошқин эди.*

Амир Муборизиддин Абу Исҳоқнинг тамомила акси эди. Беш вақт намозини ўз вақтида ўқиб, бошқаларни ҳам қаттиқ назорат қиларди. Шероздаги майхоналарнинг барчасини ёпиб, шаробу мусаллас хумларини синдиргани учун "Муҳтасиб" лақабини олган ҳукмдор қон тўқмоққа ҳарис эди. Арзимаган айб-гуноҳ важдан қатл ҳукми-

ни бераверганидан ўзи ҳам васваса касаллигига чалинади. Ҳатто энг яқин мулозимларини ҳам суиқасду хиёнатда айблаб жазолайди. Ахийри ўғиллари Шоҳ Шужоъ ва Шоҳ Маҳмуддан гумон қила бошлайди. Вазият танглигини сезган ака-ука тил бириктириб, ҳукмдор отанинг кўзига мил тортиб зиндонга ташлайди.

Шоҳ Шужоъ дастлабки даврларда Хожа Ҳофизга эҳтиром кўргизиб, молиявий томондан қўллаб-қувватлайди. Кейинчалик ўз пири – шоирлик даъвосида бўлган тасаввуф шайхи Имомуддин Фақиҳ таъсирига тушиб, Ҳофиз билан муносабати бузилади. "Ирфон ул-ошиқин" тазкирасида келтирилишича, бир куни Шоҳ Шужоъ Ҳофизни танқид қилиб бундай дейди:

– Ҳазалларингизнинг бирортасида саҳиҳ асос йўқдур. Ибтидосида ишқ, сўнг висол, ундан кейин фироқдан сўз очиб, бирданига тасаввуф ва ҳикматдан байт келтирасиз. Ўша онда яна шаробни сифатлаб, зоҳидларга ҳамла қилурсиз. Охирида эса дунё вафосизлигидан шикоят этурсиз. Бундай талаввунни (фикрий тутуруқсизлик – **О. Д.**) шоирлар қабул этмаслар ва у фасоҳат қоидаларига ҳам мос эмас. Дуруст ғазал бошдан-охир ягона мавзуда бўлмоғи, турли шаклда бир маъно ифода-ланмоғи лозим.

Хожа шоҳга мулойимлик билан эътироз билдиради:

– Табаррук каломингиз айни иноят ва савобдир, аммо не қилайинки, шунча айб-лари бўлатуриб, каминанинг ғазаллари иншо бўлган кунидан оғиздан-оғизга кўчиб, бир ўлкадан бошқа мамлакатга сафар этажак. Аммо ўзгаларнинг шеърлари негадир

шунча нодир фасоҳат ва мукаммал баҳога билан ўз шаҳридан бир қадам ҳам ташқарига чиқмайди.

Ҳофизнинг кинояси, аслида, иғвогар Имомуддин Фақиҳга қаратилган эди. Аммо шеър машқ қилиб турадиган Шоҳ Шужоъ буни ўзининг истеъдодсизлигига шама деб билиб, шоирдан норози бўлади. Бу орада тасодифан Ҳофизнинг янги бир ғазали шоҳнинг қўлига тушади. Ҳазалда бундай байт бор эди:

*Гар мусулмонӣ ҳамин аст, ки Ҳофиз дорад,  
Оҳ, агар аз паи имрӯз бувад фардое!*

"Байт мазмунига қараганда, Ҳофиз қиёматни шубҳа остига олаётир. Не тонгики, у куфр келтирибди!" деб бўхтон тарқатади айрим муллалар. Шоир бундай майда-чуйда гапларга парво қилмаса ҳамки, сарой хайрихоҳлиги сабабли фитна олови аланга олади. Айни ўша кунлари машҳур шайх Зайниддин Тойбодий (кейинчалик Соҳибқирон Амир Темурнинг пири муршиди бўлган) Шерозга келиб, ардоқли шоири билан дийдорлашади. Суҳбат асносида Хожа Ҳофиз бўлаётган гап-сўзларни баён этиб, шайхдан маслаҳат сўрайди.

– Уларга ўз йўсинида жавоб берган маъқул, – дейди Зайниддин Тойбодий. – "Куфрни ҳикоя қилиш куфр эмас" мазмунида бирор байт кўшинг, олам гулистон.

Шоир ғазалга қуйидаги байтни илова қилади ва ёқасини маломатгўйларнинг кўлидан кутқаради:

*Ин ҳадисам чӣ хуш омад, ки саҳаргаҳ мегуфт  
Бар дари майкадае бо дафу най тарсое:  
"Гар мусулмонӣ ҳамин аст, ки Ҳофиз дорад,  
Оҳ, агар аз паси имрӯз бувад фардое!"*

Таржимаси:

*Келди хуш бул сўзларим, майхона эшигинда, боқ,  
Битта тарсо доира, най-ла дер айни саҳар:  
"Гар мусулмонлик шудир, улки қилар Ҳофиз амал,  
Ох, бугуннинг ортидан келгувсидир эрта агар!"*

\* \* \*

Ҳофиз яшаган даврда мўғул империяси кичик хонликларга бўлиниб кетган, чингизийлик даъвосидаги хонзодалар мулкини кенгайтириш ниятида тинимсиз урушлар олиб борар эди. Форс ўлкасида картлар сарбадорлар билан, музаффарийлар жалойирлар билан, туркманлар тоторлар билан доимий саваш ва муҳорабада эди. Бундай майда ва бемаъни урушлар ўн минглаб бегуноҳ аҳолининг ёстиғини қуритарди.

Манбаларга кўра, Ҳофиз Шероз шаҳри олти марта қўлдан-қўлга ўтганига шоҳид бўлади. Тинчлик ва осойишталик, адолат ва фаровонликка умид боғлаган халқнинг орзулари қайта-қайта саробга айланиши; жамият "раҳнамо"лари – олим ва руҳонийлар, савдогар ва шоирлар, мулозим ва сипоҳийларнинг аксар қисми олтибетлик, хиёнат виждонсизликлар қилатуриб садоқат ва мардликдан лоф уриши; ҳар гал "шариати муҳаммадия" номидан гапириб, ислом динининг "Мўмин – мўминнинг биродари" деган тамал қонидасини оёқости қилишлари; тахту тож қутқусида бўлаётган хунрезликларни кўравериб юракбағри қон бўлган Ҳофиз бор аламини қаламидан оларди:

*Сина молмоли дард аст, эй дарего, марҳаме!  
Дил зи танҳой ба чон омад, Худоро, ҳамдаме!  
Хез, то хотир бад-он турки самарқандӣ диҳем,  
К-аз насимаш "Бӯи чӯи Мӯлиён ояд ҳаме".*

Таржимаси:

*Эй дариг, кўксимни дард ўртайдӣ,  
ул малҳамни бер,  
Ҳамдам эт Оллоҳниким, ёлғизлик  
ич-этимни ер.  
Тургин, эслайлик суюкли ул  
самарқандликни биз,  
То насими "Мӯлиён анҳорин атри келди", дер.*

Абу Абдуллоҳ Рудакийнинг мисраси тазмин қилинган байтдаги "турки самарқандий" ибораси марказлашган адолатли давлат барпо этаётган Амир Темурга ишора экани маълум. Умуман олганда, Амир Темур ва Ҳофиз Шерозий муносабатлари тўғрисида кўплаб ривоятлар мавжуд. "Агар он турки шерозий..." байти сабаб шоир ва ҳукмдор ўртасида латиф мусохаба кечгани тилларда достон. Кейинги асрларда яратилган "Темурнома"ларда ҳам Ҳофиз Шерозий гоҳ Соҳибқироннинг элчиси, гоҳида мушовири сиймосида тасвирланди. Бизнингча, бундай ривоятлар кейинги давр хушназар ижодкорларининг тахайюли маҳсули. Эҳтимол, қалам аҳли бир даврда яшаган икки буюк сиймонинг дўст тутинмоғига астойдил хайрихоҳ бўлгандир. Аммо тарихнинг шафқатсиз ҳақиқати шуни кўрсатадики, кўпинча йирик сиёсий арбоблар теграсида майда кимсалар жамланади. Акс тақдирда, Амир Темурнинг энг яқин маслаҳатгўйи Хожа Баҳроуддин Нақшбанд бўлмоғи лозим эди.

Ҳофиз Шерозий Амир Темурнинг марказлашган йирик империя барпо этишини ақлан тарихий зарурият ва адолатли ёндашув ўлароқ ҳис этса-да, нозик қалб соҳиб-и, гуманист бир ижодкор сифатида ҳар қандай уруш ва қирғинбаротни рад этарди.

Жумладан, шоир Амир Темурнинг жаҳон-гирлигига фатво берган тасаввуф шайхларига бундай эътироз билдиради:

*Як ҳарфи сўфиёна биғўям, ичоза ҳаст?  
Эй нури дида, сулҳ беҳ аз чангу доварӣ.*

Таржимаси:

*Сўфиёна битта сўз айтай, ижозат борми, айт?  
Нуридийдам, жанеу ҳокимликдан сулҳ афзал эрур.*

Соҳибқирон ва Ҳофиз учрашуви ҳақидаги машҳур ривоятга қайтсак. Амир Темур Шерозни фатҳ этганида Ҳофиз пайғамбар ёшига етган, фарзанди ва аёлини тупроққа топширган бир мусибатзада инсон эди. Ҳукмдорга хуш ёқмоқ ёки унга қарши чиқмоқ унинг кўнглига сиғмасди. Қолаверса, ота юрти Исфаҳондаги хунрезликларга гувоҳ бўлган шоир имкон қадар саройдан узоқроқ юрмоғи ҳақиқатга яқин. Агар Ҳофизга мулозимлик керак бўлганида, Ҳиндистон, Бангола, Ироқ ҳукмдорларининг даъватномаларига кўниб, ўша юртларга кўчиб борган бўларди. Аммо у ватани тупроғини азиз тутди, умри мобайнида Шероздан бир қадам ҳам ташқарига чиқмади. Васиятига кўра, ўзи барпо этган Мусалло боғига дафн этилди. Бугун унинг мақбараси сўз шайдоларининг зиёратгоҳига айланган.

\* \* \*

Ҳофиз ҳаётлиги давридаёқ жаҳоний шуҳрат қозонган шоир бўлса-да, девони вафотидан йигирма беш йил ўтгандан кейин тузилган. Шунга қарамай, унинг ғазаллари етти асрдан буён султонлар ва дарвешлар, обидлар ва орифлар, зоҳидлар ва ошиқлар, тожирлар ва шоирлар, ёшу қари,



Ҳофиз сиймоси XIV аср миниатюра усталари талқинида

эркагу аёл – жамиятнинг барча қатлами учун маҳбуб ва мақбул бўлиб келаётир. Девони асрлар давомида мадрасаларда дарслик сифатида ўқитилди. Мутафаккир шоирни ўқимаган киши оми ҳисобланарди.

Мир Алишер Навоий ҳам Ҳофиз ижоди ва шахсиятига ўзгача эҳтиром кўрсатган, ул мунаввар зотни "лисон ул-ғайб ва таржумон ул-асрор", "Исо нафаслик ринди Шероз" деб улуғлаган.

Ҳофизнинг оламшумул шуҳрат ва маҳбубият касб этганининг сабаблари бисёр. Бизгача етиб келган олти юзга яқин ғазали ҳақида бугунги кунга қадар икки мингдан зиёд монография ва рисола ёзилгани, де-

вони бошқа шоирлардан кўра энг кўп нусхада кўчирилгани, юзлаб шарҳлар битилгани ҳам айна сабабларга боғлиқ.

Авалло шуни қайд этиш керакки, ҳар бир ижодкор адабиёт мамлакатига ўзининг қаҳрамони ё тимсоли билан кириб келади. Рустам (Фирдавсий), Лайли ва Мажнун (Низомий), Фарҳод (Навоий), Юсуф ва Зулайхо (Жомий) каби қаҳрамонлар дostonлардан кўнгиллар мулкига кўчган бўлса, Бухоро (Рудакий), най (Румий), сорбон (Саъдий), қароқўз (Навоий) каби тимсоллар лирик асарлар орқали адабиёт гулшанига зийнат, муаллифига мангу шараф бағишлаган.

Ҳофиз лирикасида эса ринд образи етакчилик қилади. Агар Ҳофизгача бўлган давр шеъриятида ринд маишатпараст, майзада, кўчабезори сифатида талқин қилинган бўлса, новатор шоир ижодида у риекорлик, хўжақўрсинчиликни фош этувчи, зоҳири абгор ва ботини обод, икки оламини ҳақиқатга қурбон келтирган шеримард тимсолига айланди.

Ҳофиз иккиюзламачи, буқаламун кимсалардан нафратланган. Риекорликка муросасиз шоир бу иллат домига тушган зоҳидни кўчада тупроққа беланиб ётган майхўрдан ҳам тубан деб билади:

*Боданўшӣ, ки дар ӯ ҳеч риёе набувад,  
Беҳтар аз зӯҳдфурӯшӣ, ки дар ӯ реву риёст.*

Таржимаси:

*Бода ичмакликда бўлмаиди мунофиқлик сира,  
Зӯҳдфурӯшлик баттар ундан, унда бор макру риё.*

Шоирнинг байтлари бамисоли Искандар кўзгуси. Бу кўзгу қаршида ўтирган

киши кўнгил оламидаги қувонч ва қайғу, қониқош ва ташвиш, ҳақиқат ва гумонларни кўради. Ҳофиз дардингизни ўзингиздан ҳам яхшироқ биладиган мусохиб каби мулоқотга киришади, сизга қанот бўлиб, дунёнинг майда-чуйда ташвишларидан баландроқ руҳоний юксакликларга олиб чиқади. Мутафаккирнинг қудратли қалами сўзларга заргарона ишлов бериб, шундай тартиб ила жойлаштирадики, бир байт ё мисрада олам-жаҳон маъно тажассум топади. Мисол тариқасида нисбатан содда бир байтини олайлик:

*Онҳо, ки хондаам, ҳама аз ёди ман бирафт,  
Файр аз ҳадиси дўст, ки тақрор мекунам.*

Таржимаси:

*Ўқидим недир, улар чиқди эсимдан бирма-бир,  
Қолди дўст сўзи фақат, ул сўзки, тақрор айларам.*

Байтнинг луғавий маъноси "уй" демак. Калит сўз эса "ҳадиси дўст" иборасидир. Мазкур байтни агар муфассир, муҳаддис, сўфий, дўст, ошиқ талқин қилса, қуйидаги манзара ҳосил бўлади:

**Муфассир:** Ҳофиз Шерозий Қуръони каримни тўлиқ ёд олган зот эди. Қуръон ҳофизлари илоҳий каломни эсдан чиқармаслик учун доимо тақрорлаб турмоғи лозим. Бинобарин, ушбу байтда ҳам дўстнинг каломидан бошқа ҳамма нарса хотиридан ўчганини таъкидлайди. Чунки Қуръон – барча китоблар онаси, жамики билимлар сарчашмасидир.

**Муҳаддис:** Ушбу байтда икки оламга раҳмат қилиб юборилган Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) ҳадиси шарифига эҳтиром мужассам. "Ҳадиси дўст" иборасида-

ги дўст – Пайғамбаримизнинг Ҳабибуллох (Оллохнинг ёри) сифатига, ҳадис эса у зотнинг ҳикматли сўзларига ишорадир.

**Сўфий:** Ҳофиз девонини кўплаб тадқиқотчилар ирфоний девон деб биладилар. Унда тасаввуфий маъно-мазмун бадиият либосида жилва этади. Жумладан, мазкур байтда руҳий тарбиянинг муҳим бир амали – зикрнинг аҳамияти кўрсатилган. Тариқатда мурид ўз ихтиёрини дунёдаги энг беғараз дўсти – пирига таслим этиб, у ўргатган зикр талқинига тушади. Зикр кўнгилда ёнаётган ҳою ҳаваслар олови ўчгунга қадар давом этади. Муаллиф ушбу байтда зикр талқини орқали барча кераксиз билимлар хаёлидан кўтарилиб, бутун вужуди дўст ҳадиси – зикр ҳақиқатини англашга қаратилганини баён қилган.

**Дўст:** "Мўмин – мўминнинг кўзгусидир", дейилади ҳадиси шарифда. Инсон ўзини танимагунча Ҳақни танимайди. Ўзини та-

ниши учун эса унга кўзгу лозим. Ҳақиқий дўст – инсоннинг кўзгуси. Ана шу ҳақиқатни англаган одам дунёнинг жамики сабоқларини ўзлаштирган ҳисобланади.

**Ошиқ:** Борлиқнинг моҳияти, ҳаётнинг асоси муҳаббатдир. Ишқ бор жойда ақл, билим, маърифат – барчаси ожиз қолгуси. Пешқадам толиби илм бўлмиш Қайс Лайлининг ишқига асир тушгач, ўқиганларининг барчасини унутади. Зотан, ишқнинг бош талаби ҳам шу – барчадан юз ўгириб, ёрга юзланмоқ. Байтда ишқнинг ана шу босқичи ҳақида сўз боради.

Бундай талқин ва шарҳларни яна давом эттирмоқ мумкин, аммо моҳият ўзгармайди. Зеро, Ҳофиз Шерозий умрбоқий назм дурдоналари ила наинки Шарқ, балки жаҳон адабиётида мустаҳкам ўрин эгаллаган, форсий шеърятнинг энг юксак чўққисини забт этган, замону макон сарҳадларидан ошган сўз сеҳргаридир.



Шоир мақбараси сўз шайдоларининг зиёратгоҳига айланган.



Исажон СУЛТОН

## KO'CHQIN QUSHINING DEMISHLARI

Кўчқин қуши булутлар остида қичкириб Бойкўл, қирғоғи кўринмас туманли Идил, қанот қоқади. Олис қарағай ўрмонлари, Ой ости юртлири, Яксарт ва Ўқуз устида қорлари эримаган ўлкалар, мавж урган учади.

*Иқтидорли олима, филология фанлари доктори Зебо Қобилова Хоразм сафари чоғида ўзи гувоҳ бўлган бир воқеани айтиб қолди. Шовотда бир кампир билан танишибди. Кўп йиллар олдин Фарғонадан келин бўлиб борган аёл ҳар кун кўчага чиқиб, кунботарга термилиб ўтирар экан. Бунинг сабабини сўрашса, “Туғилиб-ўсган юртим ўша ёқда-ку”, дер экан.*

*Гоҳида биз ҳам ўша онахон ҳолига тушамиз: кўлимизни манглайга қўйиб, шарпаси кўриниб қолармикан дея олис ўтмишимиз томон боқамиз.*

*Сердолға замон сўрайди: “Отанг ким? Бу ёруғ оламда ўрнинг қаерда?” Атай чалкаштирилган, излари яширилган, ўзлигини билиб қолмасин дея, ҳадик тупроғи остига қўмилган бўлса-да, ўтмишни йўқотиш осон эмас: у ер-сувимизда, қонимизда, тилимизда, ранг-баранг шеваларимизда барҳаёт. Буларга қараб, миллат тарихи ҳеч қачон унутилмаслигига амин бўламиз.*

*Ботир танериқут қиссаси туркийлар тарихининг шонли саҳифаларидан десак муболаға бўлмайди.*

“Ёвқур, тўғрисўз, довюрак улусим! Тўғрилиқни, элини юксалтирган эрларини ардоқлайдиган сендай улус ер юзида яна борми?!” деб хитоб қилади у.

Тангригоғ этакларида, Алашан чўлида, тиниқ сувли кўллар ёқасида, қорли яланларда билагида ов қуши тутган, ёй кўтарган отлиқларни кўрса, айланиб чағчағлайди. Севинади, елиб бораётган отлиқлар узра потирлаб қанот уриб, улар билан бирга-бирга елади.

Кўчқин – Тангрини танийдиган қуш, шому саҳарлар унга мақтов айтади. Содиқ қуш – тоғ чўққиларига ин қуриб, танлаган жуфти билан умрбод яшайди. Ҳалқуми тоза қуш – ўлимтиққа қарамайди, зилол сувлардан ичади. Ўзғир қуш – манзили ҳам, парвози ҳам юксакларда...

\*\*\*

Туркийларнинг ашина улуси Сирдарё ва Амударё бўйларидан Ёйиқ чўли бўйлаб Олтойга, ундан Турфон тоғлари ёнбағрига кўчган эди. Туманхон (Қорахон) бош бўл-

миш хун эли шу улусдан тўраган бўлиб, Ордос ялангида кун кечтирар, улардан кунботарда жунгу эли ўрнашган эди. Бир қанча вақтдан бери



икки эл орасида келишмовчиликлар юз бериб турарди. Кўчманчиларнинг босқинидан безиган жунгу хоқони узун девор барпо эта бошлади, бироқ у наф бермади: ёвқур хун отлиқлари садни айланиб ўтаверди.

Ниҳоят, жунгу хоқони қардошлик ва бирлик сулҳи тузиб, кўшқидаги маликалардан бири – Йениши деган қизни Туманхонга хотинликка йўллади. Йениши хотун Туманхонга Бўрча деган ўғил туғиб берди.

Ботир Туманхоннинг тўнғичи эди. Йигит етилганида оёғи буқа оёғидек, бели бўри белидек, яғрини сувсар яғринидек, кўкси

*Бу хоқоннинг номи замонавий манбаларда Мете, Модэ, Маодунь, Модун каби шаклларда қўлланади. У ҳозирги Хитой билан Мўғулистон орасидаги Ордос ўлкасида милoddан аввалги 234 – 174 йилларда яшаб ўтган.*

*Инсоният Нуҳ алайҳиссаломнинг уч ўғлидан тарқалгани маълум. Мирзо Улуғбек “Тўрт улус тарихи” асарида бундай ёзади: “Ёфас алайҳиссаломга Чин Машириқининг бошқа муҳитлари, Қомарун тоғлари ва рус ерлари охиригача чўзилган оқ чўққилар ва бешинчи иқлимнинг қолган учдан бир қисми то маъмур ерларнинг охиригача ва Шимолнинг зулуммотигача ерлар бахш этилган эди. Шуниси равшандирки, бу барча халойиқ ҳозир оламда мавжуддирлар... Айтадиларки, Туронзамин ва Туркистонни Ёфас алайҳиссалом ўзига асраб қўйган эди. Шу сабабли у Абут Турк дейилган”.*

*“Абут Турк икки юз қирқ ёшга етганида тўнғич ўғли Абулчохонни халқ маслаҳати ва савоб усуллари юзасидан тахтга ўтқазди, ўзи бутун халқ билан видолашиб оламдан ўтди”.*

айиқ кўксидек бўлди. Қўшни уйчи эли билан ихтилоф чиққанида Туманхон жунгу хотиннинг иғвосига учиб, ўн тўрт яшар ўғли Ботирни уларга гаровга бериб юборди.

Кўп ўтмай Ботир уйчи ҳукмдори отларидан бирини олиб қочиб, ўз улусига қайтиб келди. Рақиб уни қувиб ета олмади. Бундан мутаассир бўлган Туманхон деди: “Қарчиғайдай ўғлон етилибсан. Эр киши шундай бўлсин экан. Ўн минг йигитни сенга берайин. Ўйна, кул, яша!”

Жунгу малика буни эшитиб куйди-ёнди, Ботир хоқон бўлишни кўзлабди дея хавотирга тушиб қолди. Ўз ўғлини хоқон этмоқни кўзлаган аёл айланиб-ўргилиб эрини аврайверди. Туманхон унинг сўзига кўниб, Бўрчани ябғу этиб тайинлаганида, Ботир “Қандай қилиб ўзга эл кишиси улусимга хоқон бўлади?!” дея эътироз билдирди.

Ўғли сўзини олмаганидан аччиқланган Туманхон унинг устига қўшин тортди. Чопқинда Туманхон ҳалок бўлди. Айтадиларки, шаънини булғамасликнинг бошқа йўли йўқ эди, шу боис хоқон ўзини атай ўққа уради. Ўлими олдидан чўк тушиб, кўкка қараб

“Тангрим, мен бурчимни ўтадим!” деб хитоб қилган экан. Туманхоннинг йиғи-йўқловини қилиб ерга бердилар. Ўрнига Ботир хоқон сайланди.

Улус қийинчиликда кун кечирарди. Чўлда қуш-қуён овлар, қиш совуғида оч қолар эди. Ўша кезлар кунчиқардаги қудратли эл – дунхулардан элчи келди.

– Хоқонимиз энг чопқир отингни, энг сулув чўрингни ва чегарадаги бир парча ерингни беришингни тилади, – деди элчи ёш хоқонга.

– Сизларга от пешкаш қилганим бўлсин. Чўрига-да эътирозим йўқ. Бироқ бир қарич ҳам ер бермайман, – деди Ботир қатъият ила.

– Сўраганимиз қақроқ, унумсиз ер бўлса, нега йўқ дейсан?

– Оту оқсоч ўзимники, ер эса элники, – деб жавоб қилди хоқон.

Шундан сўнг элининг улуғларини йиғиб, кенгаш тузди. “Сўлда дунху, ўнгда уйчи ёвлашиб турибди. Бари хун улуси Туманхон ўлимидан сўнг заифлашди деб, босиб олмоқни кўзлаётир. Кунботарда ҳам жунгу

хоқони қўшин йиғаетган эмиш. Душман келишини кутмай, ўзимиз отни қамчилайлик”, деди Ботир тангрикут.

Улус эрлари кўнишди. Қўшин қиш кунда дунху томон йўлга чиқди.

Кутилмаган босқиндан дунхулар эсанкираб қолди, ёйларини бўйнига осиб таслим бўлишди. Ботир уларга талон солмади, “Қон-қардош улуслар қандай қилиб бир-бирига ёвлашсин? Бирингиз отам, бирингиз онам томиридан қариндошсиз. Ягона туғ остида бирлашайлик!” дея иттифоқ таклиф қилди.

“Янаги йил жунгу хоқони устимизга қўшин тортмоқчи экан. Агар келса уруғингизни қуритади. Бу очунда ҳеч ким сизга бир парча ерни раво кўрмайди. Шундай экан, улардан олдин ўзимиз босайлик”, деди у.

Ёз бошида хун ўрдуси жунгу эли сари от солди.

\*\*\*

Ўртада бийдай чўл бор эди. Жунгулар Ботир тангрикут қўшини келаётганини билгач, сахродаги қудуқларнинг ичига ўлимтик

солиб кўмиб ташлаган эди. Қўшин оқсоқолларидан бири отларнинг орқа пайи ёнидаги кичик томирни кесиб, қонини ичишни маслаҳат берди. Хун ўрдуси шу йўсин биёбондан омон-эсон ўтди.

Жунгу ҳукмдори Гаозу (Лю Бан) кўпни кўрган доно киши эди. Хунлар юришга чиққани хабари уни кўп ҳам ташвишга солмади, аввалгидай бироз талон қилиб, қайтиб кетишса керак деб, чегарадаги Маи кўрғонига жияни Хансинни юборди.

Хунларнинг қадами жунгу ерларига етганида куз келган эди.

Хунлар кўрғонни денгиздай бўлиб ўраб олгач, Ботир Хансинга элчи юборди. Сўзлашувдан сўнг Хансин Ботир томонга ўтди. Кўпчилик бу сотқинликдан ҳайратга тушди. Бироқ Хансин ўзини қутқармоқ учун шу йўлни танлаган, Гаозунинг хотини келажақда унинг тахтга ўтиришидан хавфсираб, йўқотиш пайига тушган эди.

Жунгу хоқони вилоятлардан черик йиғиш буйруғини берди. Ўзак қўшиндан ташқари шолчилик, боғдорчилик, деҳқончилик, ўтинчилик билан шуғулланиб юр-

*“Абулчохон ёши улуғлашганида ва жўнашдан ўзга иложи қолмагач, салтанат тахтини отаси сингари, тўнғич ўғли Дибадқуйга топширди. Дибадқуй бошқарувни Куюкхонга, Куюкхон Алмужаннахонга, Алмужанна Мўғулхонга, Мўғулхон Қорахонга топширди”.*

*Бундан тахминан 2500 йил аввал Яксарт ва Ўкуз сувлари оралигида яшаган айрим уруғлар тўпдан ажралиб, шимолга қараб йўлга чиқади: буюк кўчиш содир бўлади. Улар орасида кўҳна ашина улуси ҳам бор эди.*

*Академик Юрий Буряковнинг қайд этишича, ашина – турк хоқонликларини ва Марказий Осиёнинг айрим ҳудудларини бошқарган ҳукмдорлар сулоласидир.*

*Ашина улуси ўз ҳукмдорларини “тангрикут” (Тангри ато этган неъмат) деб атаган. Машҳур “Ўғузнома” достони қахрамони Ботир тангрикут ҳам ашина улусига мансуб бўлган. У Туманхоннинг (яна бир исми Қорахон, Фарб манбаларида – Теоман) ўғлидир.*

*Абулғозий Баҳодирхон “Шажараи турк” асарида хабар берадики, “...Отасидан сўнг тамом элга подшоҳ бўлди. Артоғ ва Картоғ, бу замонда ани улуғ тоғ ва кичик тоғ деб турурлар, ани ёйлар эрди. Қиш бўлганда Қорақум ва Сир сувининг ёқасида қишлар эрди”.*

*Айни тарихга қадимги Хитой кўлёмаларида ҳам дуч келамиз. Кўҳна Чин, яъни жунгу тилидаги манбаларда бугун биз хунлар деб атайдиган улус хунюй ёки сунюй дея эсланган. Юнон ва лотин тилига эса бу атама гунна ва сунна шаклида ўтган.*

*Шуниси аниқки, бугун шиддат билан юксалаётган Ўзбекистон – барча туркий элу элатларнинг олтин бешигидир. Зотан, “ботир”, “тангри”, “қут” каби кўҳна сўзлар ҳозир ҳам тилимизда яшаб келмоқда.*

*Эл ўз тарихи, қахрамонларини билиши керак. Ота юрт бағридан узилса-да, урф-анъаналарига содиқ қолган Ботир тангрикут ана шундай сиймолардандир.*

**Муаллиф**

ган минглаб киши бойиб кетиш илинжида черикка ёлланди. Жиноятчилар ҳам мажбуран ҳарбийга олинди. Ёлланма кучларнинг жанговар тайёргарлиги йўқ бўлса-да, Гаозу илғор ёйчиларига ишонарди. Беш бўлукдан иборат жунгу қўшинининг кўчма истехкомлари бўлиб, ўқчилар улар ортига яшириниб, шинакларидан ёй ота-ота илгарилар, отликлар уларни қўриқлаб борар эди. Шунингдек, қўшинда олисга отадиган ёйлар ҳам бўлиб, унга икки-уч киши масъул эди. Учи мойга ботирилган ёнувчи ўқлар, ўзиотар ёйлар ҳам бор эди. Хуллас, қарийб олти миллион нуфусли, ўз даврининг энг қудратли мамлакати ўрдуси яхши қуролланган эди.

“Хун черигида яёв аскар йўқ, барчаси урушларда чиниққан отлик эрлардан иборат. Зотан, ёйиқ даштда кун кечириш шуни тақозо қилади. Улар билан ялангда эмас, ўрмонда урушган тузук”, дея таклиф киритди жунгу қўмондонлари.

“Хунлар тангрикути ўлимга ўз оёғи билан келибди. Маи қўрғони ҳам, унга ёндош худудлар ҳам ўрмон-ку! Сиз айтгандай бўлақолсин, бунча қўшин билан тез фурсатда уларнинг кулини кўкка совурамиз!” деди ўз кучига ишонган Гаозу.

“Ботир қўшинини бизникидай бешга эмас, еттига бўлибди. Барчадан илғорда юрадиганини қоровул деб атабди, унга жангда чиниққан эрларни жойлаштирибди. Унинг ортидагисини манглай дебди, унга шижоатини намойиш этмоқни истайдиган жўшқин ёшларни тайинлабди. Учинчисини сўл қанот, тўртинчисини ўнг қанот атабди. Ўзи ясовга, қўшиннинг юрагига ўрнашибди, туғ ва байроқни шу бўлукка берибди. Ортадагисини жангдовул дебди, у сўл қанот ор-

тидан, аммо ғўлдан кейин юрар экан. Бухтарма – у ўкча ҳам дейилар экан – ўнг қанот ортидан келадиган бўлибди. Шундай қилиб, қўшинини одам ёки қуш тузугида тузибди”, дея маълумот берди жунгу қўмондонлари.

\*\*\*

Гаозу ва Ботир тангрикут қўшини қарама-қарши келди. Аммо туркийлар урушга кириш ўрнига қўтилмаганда кунчиқарга қараб чекина бошлади.

Гаозу бунга кўриб, рақиб қўрқиб кетди деб ўйлади: сон-саноксиз жунгу қўшини қаршисида тарқоқ-сарқоқ черик нима қила оларди?! Хоқон хунларни таъқиб қилмоқни буюрди.

Уч юз йигирма минглик қўшин силжишини тасаввур қилиб кўринг. Бошидан охиригача етмоқ учун неча кун от чоптириш керак экан? Отлару хачирлар уч мисли кўп, миллион чоғли ҳайвонни боқшни айтинг. Айни ҳолат хун қўшинида ҳам ҳукм сурарди. Шу сабабли Гаозу урушни “энг қиммат кўнгилхушлик” деб атаган эди.

Таъқиб бир неча ой давом этди. Бу орада Гаозу туркийларга элчи юборди. Бундан мақсад – узил-кесил ҳамлага ўтиш бўлиб, элчилар тангрикут билан сўзлашув баҳонасида қўшиннинг кайфияти, ҳолатини билиб келиши керак эди. Музокарадан қайтган элчилар Ботир ўрдуси ҳориб-тўзгани, отлари ориқ, навкарларининг аксари кексалар эканини айтди.

Гаозунинг ғалаба муқаррар эканига ишончи комил эди. Жунгу элининг энг катта зафари шу бўлса ажабмас: ахир, йиллар давомида хавф солиб келган “от минувчилар”нинг кучи кесилади, ғарбдаги минглаб қақирим ерлар тортиб олинади.

Ўша кечаси қор ёғди. Эртаси куни қаттиқ совуқ тушди. Гаозу хунларни заифлашган деб ўйларди, шу сабаб асосий қўшинни қолдириб, ўзи сараланган йигирма минг киши билан қувишни давом эттирди.

Яна бир неча кун ўтди. Хун қўшини олислаб кетмас, аммо жунгуларни ўзига яқинлаштирмас, бир зайлда чекина эди.

Кейинги кун улар Байденг ялангига чиқишади. Ҳар томон очиқ, изғирин урарди. Совуқ янада кучайди, жунгу аскарлари таъқиб ўрнига ҳар ер-ҳар ерда ўт ёқиб исинмоққа тутинди.

Бир маҳал тўрт тарафдаги ўрмон ичидан отликлар чиқиб келгани кўринди. Шимолдан келаётганлар қора, ғарбдан келаётганлар оқ, шарқдагиси кулранг, жанубдагиси сариқ от миниб олган эди.

Туркийлар тўрт ёндан жунгулар устига оқарди. Бу ҳечам озган-тўзган қўшин эмас, ўзғир эрлар от устида қуйиб қўйгандай маҳкам ўтирар, бари эгнига пўстин, бошига бўрк кийган, қўлларида қўлқоп, қаҳратон уларга таъсир қилмасди.

Гаозу алампдан ўкиргудай бўлди. Уруш ҳийлаларини яхши билган жунгу ҳукмдори Ботир тангрикут уни доғда қолдиргани, тузоққа тушганини англаб етган эди.

Хунлар тўғридан ҳужум қилмай, айлана ясаб ўқ узар эди. Ҳаммаёқни шувиллаган овоз тутиб кетди. Юз минглаб ўқ ҳавода хуштак чалиб учарди. Бир ёни тешик, хуштак чаладиган ўқлар экан. Жунгу қўшини эсанкираб қолди, гўё қўқдан аждарлар ҳужум қилгандек!

Айланиб чопаётган отликлар жунгу аскарларини арқон ташлаб судраб кетарди. Юзлаб рақиб аскарлари от туёқлари остида ҳалок бўлди.



Ботир тангрикут ҳайкали. Улан-Батор шаҳри, Мўғулистон

Яна бир таҳлика – ов қушлари бўлиб чиқди. Туркийлар қўлга ўргатган жанговар қушлар черик билан теппа-тенг урушга кирар, потирлаб учиб келиб жунгу аскарларининг бошига човут солар, кўзини ўяр эди.

Ҳаш-паш дегунча йигирма мингли бўлук яқсон этилди. Гаозу чор-ночор, шу яқин орадаги Петенг қалъасига қочиб бориб яширинди.

Шундай қилиб, ер юзининг энг қудратли ҳукмдори чекка бир қалъада қамалиб қолди.

\*\*\*

Ботир тангрикут осонликча жунгу қўшинини тамомила маҳв этиши, Гаозунинг қатл қилиши мумкин эди, бироқ у сулҳни маъқул деб топди.

Гаозу эса келишув баҳона, ортадаги асосий қўшин билан бирлашиш ўйида эди.

Қолган-қутган одамлари билан қалъадан чиққанида яна бир ҳолатга дуч келди: хун чериги кўз етгунча масофада икки ёнга тизилиб, жонли йўлак ҳосил қилган, барча эрлар ёйларини жунггу аскарларига тўғрилаб турар эди. Улар тангрикут турган ялангача бўлган узун йўлни ўлим кўркуви остида босиб ўтишди. Жунггу етакчиларининг руҳи синди, шашти сўнди.

Ботир тангрикут Гаозу билан яраш битими тузиб, йиллик ўлпон тўлашга мажбурлади. Карвон йўллари туркийлар қўлига ўтди. Бироқ тангрикут ўз кишиларини у ерларга бошқариш учун юбормоқни истамасди, жунггулар кўпчилик, улусдошларим уларга аралашиб, уруғи йўқолиб кетмасин, деди.

Гаозу сўзида турди, хунларга ўлпонни ўз вақтида тўлади. Орадан икки йил ўтгач, кўқдан сариқ турна тушиб, Гаозуни ўзи билан олиб кетди. Ўрнига тўнғич хотини Луй ҳукмдор бўлди.

Қадимги ривоятларда ўша вақтда юз берган яна бир воқеа нақл этилган. Ботир тангрикут Итил, Синд, Танғут ва Шағамни (Шомни) бўйсундириб қайтганидан сўнг Луй хотунга нома юборди. Битикда бундай дейилган эди: *“Мен, Ботир тангрикут, дарёллар, қўллар ўлкасида туғилдим. Сувлар, отлар орасида, ёйиқ чўлларда улғайдим. Бир неча қайтим жунггунинг чегараларига келдим.*

*Сен сўққабош, тул ўтирган экансан, мен-да ёлғиз қолдим. Биз икки хоқон учун севинч йўқ. Иккимиз учун юпанч бўлгулик, севинтиргулик нарса йўқ. Мен ўзим эга чиққанларимни эга чиқолмаганларимга алиштирмоқ истайман...”*

Луй хотун мактубга бундай жавоб қайтаради:

*“Хун тангрикути бизга эзгу истак ила битик йўллабди. Эндиликда будуним кўркув домиди. Мен ўта кучсизланганман, чарчаб ҳолдан тойганман. Сочларим тўкилиб, тишларим қийшайиб қолган. Энгашишга-да кучим етмайди. Сен, хун тангрикути, мени яхши йў ила ёдлабсан. Сўзимдан аччиқланмаслигингни истайман. Довруғинга яраша, икки от қўшилган бир юкли қанқа юбормоқдаман. Барчасини эваз ўлароқ билгайсан”.*

Луй хотун ўзини кичик тутиб, “икки от қўшилган бир қанқа” дегани билан, арава тўла барчин-баркут, олтин-кумуш, шунингдек, ёш, гўзал бир жунггу қизини тортиқ қилиб юборган эди.

Ботир тангрикут Луй хотунга нима деб жавоб берганини биров билмайди. Бироқ, қаранги, жунггу қизи бошига келган савдолар ўтмиш бағрига тамғаланиб қолган экан.

Қизга орзудаги ҳаёт насиб этмади. Ўзи билан сеп ўлароқ олиб келган ялтир-юлтирлар орасида, қул-чўрилар ардоғида яшаса-да, ҳукмдор унинг қошига икки-уч ойда бир келар ё келмай қўяқолар эди.

Айтишларича, жунггу қизи қайғуга тушиб, бундай кўшиқ куйлаган экан:

*Қардошларим олис юртга узатишди,  
Хун хоқони ерларига кузатишди.*

*Юм-юмалоқ, кигиз уйда еб-ичарлар,  
Эт вярлар, от минарлар, сут ичарлар.*

*Тупроғимни кўмсаб дейман: бир ғоз бўлсам,  
Қанот қоқиб, ўз юртимга учсам-кетсам...*

\* \* \*

Ботир тангрикут кейинги юришларидан қайтганида унга сариқ турна Луй хотунни ҳам олиб кетгани, ўрнига ўғли Хан Венди

тахтга ўтиргани маълум қилинди. Шу билан бирга, жунггу беклари келишувни бузганию хун элининг ўнг қўл ябғуси улар устига босқин ясаганидан хабар топди. Ботир тангрикут Хан Вендига тубандагича нома юборади:

*“Кўк Тангри қутлуғ қилган Ботир тангрикут сўзим!*

*Сенинг чегарадаги кишиларинг менинг бекларимдан ўнг қўл Билгахонни босибди. Ўнг қўл Билгахон буни менга билдирмай, бекларимдан Ғойру, Кенжа деган кишиларинг сўзига кириб, Шанси йўлининг теғрасига ҳужум қилиб, сенинг бекларинг билан чопишибди. Шундай қилиб, икки эл орасидаги келишув бузилиб, қариндошлик ипларимиз узилибди...*

*Мен Тангримнинг кўмаги, қўшимнинг ёвқурлиги, отларимнинг учқурлиги билан барча ёвларни эздим, бошларини кесдим. Ўлган ўлди, бўйсунган бўйсунди. Шундай қилиб, ер юзида тинчлик ўрнатилди.*

*Лулан, Уйшун хонлигини, барча ўғузларни, уларнинг теғрасидаги йигирма олти хонликни ҳукмим остига олдим. Уйшунларни, қанғлиларни, олонларни тўлиқ бўйин эздирдим.*

*Жунггу хоқони, шуни бил: эндиликда ўқ-ёй кўтарган улусларнинг барчаси бирлашди. Ой ости ўлкалари қўл остимга ўтди.*

*Кунчиқарнинг сўлидаги барча ўлкаларга омонлик ҳадея этдим. Энди яроғларни бир четга қўйиб, қўшинга тин бериш, отларимизни ўтлатиш чоғи келди. Чўлиқ-жўжиқларимиз, ёшларимиз эркин улғайсин, бола-чақали бўлсин, ёши ўтган улуғларимиз қутли яшасин...”*

Хан Венди бу чоғда йигирма тўрт ёшда эди. Сўзлар остидаги англамларни яхши

биладиган оқсоқолларини чорлаб, номанинг мазмунини тушунтириб беришларини буюрди. Кенгашчиси деди:

– Ботир тангрикут Кўк ўғлига ўнгу сўлдаги барча элларни тиз чўктирганини айтиш билан ўз кучини эслатмоқчи бўлибди. Уйчилар у ерлардаги энг кучли эл эди, уни енгганини айтиши – истасам сени-да енга оламан, деганидир. Эски келишувни тиклаш бўлса, жунггу эли Ботир тангрикутга хоқон Гаозу чоғидагидай ўлпон тўлайверишини билдиради.

Хан Венди бу сўзларни маъқул деб топиб, Ботир тангрикутга шундай жавоб қайтарди:

*“Кўк ўғли Хан Вендидан улуғ хун тангрикутига!*

*Хун тангрикути элчи орқали бизга юборган битигида “Энди қўшинларни уруш қилишдан тўхтатиб, тин олишга чиқариб, уруш отларини яйловга қўйиб, ўпкаланишларни унутиб, бурунги келишувга кўра иш тутилса, чегарада яшовчи будун омонлиг-эсонлигиди кун кўрса, чўлиқ-жўжиқ ўйнаб-кулиб улғайса, ёши улуғлар қайғусиз яшаса, яхши бўлади деган йўдаман”, дебди. Мен бундан хўб севиндим. Бу ўтмишда яшаган улуғ хоқонларнинг истаги эди. Жунггу билан хун эли орасида илғари тузилган қариндошлик келишувимиз бор. Шунинг учун мен хун тангрикутини юксакка кўтариб келдим. Келишувни бузиб, қардошлик ипларини узганлар сизлар бўлдингиз. Шундай эса-да, ўнг қўл Билгахон келишувни бузишидан анча бурун кечирилгандир. Уни қайтадан сўроқ-қийнов қилмагайсан. Сўзларим улуғ тангрикутга ёқса, ўз бекларига бундан кейин келишувни бузмаслиги тўғрисида қатъий амр берсин...”*



Ботир тангрикут даврида хунлар давлати сарҳади

Хоқон нома билан бирга Ботир тангрикутга тўн-чопонлар, олтин тўқалар, баркут, ипак, қимматбаҳо идишлар, кийик мугузи каби сийловлар жўнатди.

Алқисса, жунгу эли хунларга ўлпон тўлашдан қутулолмади. Хан Венди қандай қилиб ўз элини уларнинг қўл остидан чиқариб олишни ўйлаб бош қотирди. Хун улусига бас келолмаслигини билиб, кўп йиллар аввал бошланган буюк девор қурилишини давом эттиришга фармон берди.

Қудратли Тангрикут давлати эса гуллаб-яшнади. Унинг ҳукми жанубда Эрон ва Шомгача, ғарбда Сибирдан то қорли зулмат ўлкаларигача етиб борди.

\*\*\*

Кўчқин қуши шулар ҳақида сўзлайди.

Озодликни севадиган яна бир қуш – олатўғаноқ-чи?

“Орадан юз йилга яқин вақт ўтди, – дейди у. – Буюк Хитой девори хануз битмади. Ўша кезлар Кўк ўғли У-Ди олти ойлик масофадаги ўлкада чопганида қон терлайдиган учқур самовий отлар борлигини эши-

тиб, ўша мамлакатга элчи юборди. Бироқ элчи хунлар қўлига тушиб қолиб, ҳибсга ташланди.

Император У-Ди Парканага бошқа элчи юборгани, ниятига эришолмаган ялавочлар қайтишда ўлдирилгани, Хан хоқони бундан ғазабланиб икки бора қўшин юборгани, Эрши ва Ўзган қалъаси ғаним аскарига мардонавор қаршилиқ кўрсатгани – буларнинг ҳар бири алоҳида дoston бўлгулик воқеалардир.

У-Ди Парканани босиб олишни кўзламаган эди, чунки мамлакатидан олти ойлик йўл узокликдаги элларни ўз ҳукмида тутиб туришга кучи етмасди. Боз устига, тева-рак-атрофдаги бошқа туркий эллар ҳамда хунлар бирлашса, ҳар қандай ўрдуни яқсон қилиши мумкин эди. Черик юборишдан мақсад – Фарғона самовий отларини қўлга киритиш, шу йўл билан хунлардан устун келиш, ўша ўлкаларни Тангрикут давлатига қарши қайраш бўлган.

Охир-оқибатда сулҳ тузилиб, Хан қўшинининг қолган-қутгани иккита от билан юртига қайтади. Бироқ отлар манзилга етиб-етмай ўлиб қолади. Берилган емишга қайрилиб ҳам қарамайди. Жунгу хоқони бунинг сабабини топишни буюради. Маълум бўлишича, у отлар Парканада ўсади-ган йўнғичқанигина ер экан. Жунгу элидан бу юртларга ипак келган бўлса, турк тупроқларидан у ёққа беда ва узум уруғи йўл олди. Айтадиларки, “Хан ҳукмдори самовий отларни кўпайтириш мақсадида ҳосилдор ерларга беда ва узум уруғини эктиради. Чет эл элчилари келганида, уларнинг кўпчилиги саройдан чиқиб, атрофдаги узум ва бедазорларни айланиб кузатадиган бўлди...”

Бу орада уйшун улуси хунлар ҳукми остида яшашни истамай, Или дарёси ва Иссиққўл атрофига кўчиб ўтади. Уларнинг пойтахти Қизил кўрғон бўлиб, Шарқий Туркистондаги Кусан шаҳрининг шимоли-ғарбида жойлашган эди.

У замонда Сир ва Аму дарёси бўйида бир нечта давлат бор эди. Улардан энг каттаси Қанғли бўлиб, ҳудудлари Жанубий Қозоғистон, Тошкент, Самарқанд, Қашқадарё, Шаҳрисабз ва Урганчни қамраб олган. Бу эл етти юз йилдан зиёдроқ ҳукм сурган.

Ботир тангрикут кўкка учганидан сўнг, Хан сулоласи қўмондони Доу Шян Шимоллий Тангрикутни юридан сиқиб чиқарган. Ҳукмдор ўз одамлари билан Тангрикутдан ўтиб, Қанғлига кетган ва Парканага бориб ўрнашган. Улар яйпанлар деб аталган.

Бу кўчишлар кейинги асрларда ҳам давом этади, чунончи, хоқон Аттила ғарбга йўл олганида, хунлардан бир қисми довурак Алп Эр Тўнга юрти бўлмиш Самарқандга келади ва эфталийлар давлатига асос солади.

Круран деган юрт ёнбошида яшаган қудратли улус – қиданлар, яъни қорахитойлар ҳам ота юртга йўл олади. Айрим халқлар Чин элини Хитой деб номлашига айнаи шу қорахитойлар сабабчи. Бу улуснинг бир қисми Аму ва Сир бўйларида яшаб қолади.

Шу каби воқеалар оламдаги барча туркий улуслар Туркистонни ота юрт деб би-

лиши боисини кўрсатади гўё: “Абут-Турк... Туркистонни ўзи учун айирган эди...”

\*\*\*

Олатўғаноқ шулар ҳақида сўйлайди.

Ёғалбой қуши эса қуйидагиларни нақл этади: “Ўқ-ёй кўтарган улусларнинг барчаси бирлашди... Энди яроғларни бир четга қўйиб, қўшинга тин бериш, отларимизни ўтлатиш чоғи келди. Чўлиқ-жўжиқларимиз, ёшларимиз эркили улғайсин, бола-чақали бўлсин, улугларимиз мўл-кўлликда яшасин...”

Қизиқ, ҳадсиз чўллар, ўрмонлар, буралиб оққан сувлар, юксак чўққилар узра учган бошқа қушлар – турумтой, қарчиғай, попишак, лочин, туйғун, баҳрин, сариқа нималарни сўзлаб берар экан? Уларнинг сардори – қут-барака, тинчлик, фаровонлик ва юксалиш тимсоли бўлмиш Ҳумо қуши-чи, не дер экан?

“Сен тўғрилиқни ардоқлайдиган, юртим бор бўлсин дейдиган ор-номусли элсан. Тангри тўғрилиқни хуш кўради. Қара, ўғлонларинг қарчиғайдай, шунқордай, бургутдай, лочиндай бўлиб улғаймоқда. Томирида хоқонлар, ботирлар қони оқмоқда. Минглаб йиллардан буён бошига турли синовлар тушса-да, ўзлигини йўқотмай яшаб келаётир.

Шундай тенгсиз эл Ер юзидан йўқолиб кетиши мумкинми?

Асло мумкин эмас!

Бор бўл! Мангу яша!..”



Сёрен КЪЕРКЕГОР

## Umidbaxsh g'ussa

Қайгуларим – менинг кўрғоним. Булутлар ўртасидаги лочин уяси каби тоғ тизмасида қарор топган истеҳкомимга ҳеч ким даҳл этолмайди. Ундан қуйига – реал ҳаёт сари юриш қилиб тураман. Ўлжани қўлга киритгач, ортга қайтаман ва ундан минорам деворларини безайдиган картиналар ясайман. Мен бу ошёнда зоҳиддек умргузаронлик қиламан.

*Даниялик файласуф Сёрен Кьеркегор (1813 – 1855) тафаккур оламида экзистенциал-эстетик, ахлоқий ва диний қарашлари билан ном чиқарган донишварлардан ҳисобланади. Ўзига тўқ олада таваллуд топган бўлғуси файласуф Копенҳаген университетининг теология факультетида таҳсил олади. Дорилфунун таҳсили, айниқса, илоҳиётшунослик бўйича сабоқлар унинг дунёқарашига кучли таъсир кўрсатган. Кьеркегор “Киноя ҳақида”ги магистрлик диссертацияси (1840) ва “Ёки, ёки” (1845) деб аталган дастлабки йирик асаридеёқ илк насронийлик экзистенциясига қайтиш масаласини кўтаради. Айнан шу нуқтаи назардан у олмон файласуфи Ҳегель диний-фалсафий қарашларидаги ноқислик, хусусан, инсон “мен”и ва эркига эътибор қаратилмаганини танқид қилади.*

*Ҳегелнинг “мутлақ ғоя”сида шахс, унинг эрки, масъуллиги, ахлоқий императивларга ишонч, эътиқод каби жиҳатлар инobatга олинмаган. Аслида, ин-*

Syoren KYERKEGOR  
Umidbaxsh g'ussa



Энг яқин дўстим – акс садо, чунки у ардоқли ғуссаларимни тортиб олмайди. Тунги сукунат менинг жону дилим, негаки, у – гунг-соқов.



Мен, чамаси, тажриба орттирмоқ учун турфа руҳий изтиробларни кечирмоққа маҳкумман.



Мен тақдирим эгаси эмасман, балки ҳаёт матосидаги бир ипман, холос.



Кўпчилик завқу ҳузур кетидан ҳаллослаб чопиб, ундан ўзиб кетганини ҳам сезмайди.



Эътиборга молик барча ҳодисалар бесас сукунатда рўй беради. Зотан, унда илоҳий куч яширин.



Аёллар! О, улар не учун қадрли? Ҳусну латофат туш сингари ёки кечаги кун каби бир зумда ғойиб бўлади. Уларнинг садоқати... ҳамма гап ана шунда!

*соннинг мавжудлиги (экзистенцияси) эркининг мавжудлигини тақозо этади. Бу жиҳатдан ҳегелчилик насронийликни эрк орқали идрок этишга халал берган. Кьеркегор олмон ҳамкасбининг зиддиятлар ҳақидаги фикрларини ҳам рад этади.*

*Файласуфнинг “Ваҳима ва титроқ”, “Ваҳима тушунчаси”, “Ўлимга мубталолик”, “Восвоснинг кундалиги” каби асарларида экзистенциал-эстетик, ахлоқий ва трансцендентал-диний мавзулар насронийлик нуқтаи назаридан таҳлил қилинади. Тадқиқотчилар олимнинг асосан биз санаган асарларига мурожаат этади. Ваҳоланки, С. Кьеркегорнинг 15 жилдли илмий асарлари ва 20 жилддан зиёд мактублари, ҳикояю ёзишмалари мавжуд. Бу атиги қирқ икки йил умр кўрганига қарамай, у жуда сермахсул ижод қилганини кўрсатади.*

*Муштарийлар эътиборига даниялик донишварнинг айрим ҳикматларини ҳавола этмоқдамиз.*

Таржимон



Ҳаёт тубанлигининг ёрқин исботи – унинг буюклигини тасдиқлашдадир.



Мен вақтимни иккига ажратаман: бир қисми ухлашдан, яна бир қисми хаёлга берилишдан иборат.



Замондошларнинг фикрлари сийқа ва бетайин, ўзи эса тутуриқсиз. Шунинг учун уларни ҳатто гуноҳкор деб атамоққа тил бормайди.



Вужудимда кўз ёрадиган ҳайратангиз, асов майлларни бирор бир ҳомиладор аёл дунёга келтиролмайди.



Вақт учяпти, ҳаёт олға кетяпти, дейишади. Камина эса буни сезмайман. Вақт – муқим, мен ҳам турғунман. Ақлу идрок-ла тузган режаларим рўёбини тополмай сарсон-саргардон.



Нариги дунёдан ҳеч ким қайтмаган... ҳеч ким бу дунёга кўзёшсиз келмаган... қачон туғилишинг изниндан хорижда ҳал этилган... қачон кетишинг борасида ҳам биров сендан ижозат сўрамайди...



Ҳаёт мен учун бамисоли аччиқ ичимлик, уни секин-аста, чама-лаб-хомчўтлаб, томчи-томчи ичмоғим лозим.



Баъзан улкан сабаб арзимас натижага олиб келганидек, оддий сабаб йирик натижаларга олиб келади.



Яшашга тоб-тоқат топмоқ мушкул!.. Мен майса қандай бош кўтараётганини кўрмайман... Фикр-мушоҳадаларим умр майдо-нида беҳуда чопқиллаётган дайди ва сафсатабознинг вайсашла-

рига ўхшайди. Дейишадики, Яратган одамнинг кўзидан аввал ошқозонини тўйдирганмиш. Қайдам!.. Кўзларим аллақачон ҳаётга тўйган, бироқ ўзим ҳамон очман.



Одамлар беҳад безовта, жонсарак. Бу ҳол, асли, жуда кулгили. Улар кулбасига ўт тушганда тароғинигина олиб қочишга улгурган аёлни эслатади.



Ҳаётини қарашларим – ажабтовур. Аллақандай ёвуз руҳ менга сирли-тилсимли кўзойнак тақиб кетгандек. Бир ойнаги нарса-буюмларни баҳайбат, улкан, иккинчиси эса, аксинча, митти, мўъжаз кўрсатади.



Ёлғизман, мудом танҳо бўлганман. Мени одамохун мусоҳиблар эмас, балки шодлик илоҳлари тарк этган.



Инсон ҳузурдан зерикиши мумкин, имкониятдан эса... ҳеч қачон.



Киши ҳаётга уни йўқотиш ваҳимаси билан ёпишади. Баъзан менга олдинги барча тажрибаларим гўдак эрмагидек кўринади. Қалбимда буюк кашфиётларнинг мавҳум йўлидан бормоқ истаги уйғонади.



Оломон олдидан гўё саодат маъбудидек бахтиёр, масъуд ўтганимда, улар менга бадбинлик билан боқади. Қаҳ-қаҳ уриб куламан, ҳасадгўйлардан шу йўл билан ўч оламан.



Менинг ҳаётим худди шоирникидек. Бундан-да оғир мусибатни тасаввур этмоқ мумкинми?! Тақдири азал гўё устимдан кулмоқ учун жамики қусурларимни назмиётга айлантирган.



Мен, эҳтимол, ҳақиқатни англаб етарман, аммо қалбнинг ҳузурни англаб етмоғи душвор.



Халқ поэзиясининг ўлмас кучи шундаки, унда истак қуввати мавжуд. Бизнинг истакларимиз қусурли ва тубан; майл-ниятларимиз яқинларимизнинг ранжу алаmidан озикланади.



Кексалик ёшлик орзуларини рўёбга чиқаради дейишади. Жонатан Свифт ёшлигида телбахона қуришни орзу қилган экан. Не тонгки, умрининг кузи телбахонада кечган.



Саноксиз танишларим ичида энг яқин дўстим – надомат... Юрагим надоматдек маҳрам топмади. Бинобарин, мен бутун юрагим, вужудим ила ғуссаникиман.



Инсон табиатидаги асосий ноқислик хоҳиш-истакларининг зиддаинлигидадир. Масалан, ваҳима касалга (ипохондрия) чалинган кимса ҳазилга мойил; шаҳватпараст – осойишталикка ўч; бадахлоқ кўпроқ ориядан лоф уради; бадгумон (скептик) тақво даъвосида... Дарвоқе, авлиёликка ҳам қусурлар орқали етадилар.



Ёзувчи аҳлига маслаҳатим – хаёлингизга келганини дарҳол ёзинг ва дарров нашрга жўнатинг; тузук фикрлар эса охирги, босма нусхасини ўқиётганингизда келади.



Туғилган заҳоти оний лаҳзада ўладиган ҳашаротлар бор; бизнинг қувончларимиз ҳам худди шундай: энди шодлик завқини тотаман деганингизда ғойиб бўлади.



Одамлар ғалати-да! Бир соҳада берилган эркинликдан фойдаланмай, бошқа жабҳада эркинлик сўрайдилар. Масалан, фикрлаш эркинлигини берсангиз, сўзлаш эркинлигини ҳам талаб қиладилар.



Шоир ким? Оғир руҳий азобларга мубтало бахтиқаро; илтижо ва нолалар унинг тилида ғаройиб мусиқага айланади. Шоир қисматини тириклай оловда куйдирилган маҳбус кечмишига менгзаш мумкин.



Кишиларни икки тоифага бўлиш мумкин – бирлари яшамоқ учун ишлайди, бошқалари яшамоқ учун ишламасликни маъқул кўради.



Ҳаёт ҳақидаги фалсафий қарашлар оддий шамоллаш муолажасига доир маслаҳатлардан тортиб ўлимсиз ҳаётни ваъда қиладиган сеҳргарларнинг ўтриқларига ўхшайди.



Менинг қалб раъйим, фикрларим бесамар. Улар муттасил яралиш азобига маҳқум. Наҳотки, менга эрксевар руҳ ошно бўлмаса?! Наҳотки, умр бўйи тилим тугунлари ечилмай дудуқланиб ўтсам?!



Бахт эшиги ичкарига эмас, балки ташқарига очилади.

**Виктор АЛИМАСОВ таржимаси**



## CHIN MEROS

*Publitsist Ahmadjon MELIBOYEV  
mutolaa qiladi*

### ТАСОДИФАН ТОПИЛГАН ХАЗИНА

Ёшлигимдан мутолаага берилганим, шахсий кутубхонамда анча-мунча китоб йиғилиб қолгани учунми, нодир асарлар билан боғлиқ ҳикоятларга кўп бор дуч келганман. Шулардан бири Маҳмуд Кошғарий қаламига мансуб “Девону луғотит-турк” асарининг бугун Истанбул шаҳрида сақланаётган ягона нусхаси қандай топилгани ҳақида.

Алқисса, 1857 йили Туркиянинг Диёрбақр шаҳрида таваллуд топган Али Амирий исмли йигит ёшлигидан мутолаага муккасидан кетади. Бу иши боис бошига кўп ташвишлар келишига қарамай, нодир китобларни йиғишда давом этади. Жамғарган китоблари сони ўн мингдан ортиб кетади. Али Амирий бамисоли буюк хазинани излаётгандай китобга ошноликдан чекинмайди. Ҳаётининг асл маъносини шу ишда кўради. Ва ниҳоят, кунларнинг бирида унинг бошига омад куши кўнади: китоб растасидан ўзи билмаган ҳолда “Девону луғотит-турк” кўлёмасини атиги 33 лирага сотиб олади.

Бу янгиликдан хабар топган давлатмандлар Али Амирийдан ушбу асарни катта пул эвазига сотиб олишга ҳаракат қилади, лекин у кўнмайди. Ҳикоя қилинишича, бу ноёб топилмадан воқиф бўлган можаристонлик элчи Али Амирийга нақд 10 минг олтин танга таклиф этади. Франциялик бир олим эса Парижнинг қоқ марказида қурилган ҳашаматли саройни ваъда қилади. Аммо Али Амирий ҳар икки таклифга ҳам рад жавобини бериб, “Мен Ватанимнинг ноёб хазинасини пулга сотадиган хоин эмасман”, дейди. Ҳукумат унга 300 олтин танга жўнатганида эса бу пулни оч-наҳор камбағалларга бўлиб бериш кераклигини айтади.

Тарихда бундай ибратли мисоллар кўп. Мирзо Улуғбекнинг садоқатли шогирди Али Қушчи устози тўплаган ноёб китобларни жоҳиллардан сақлаб қолмоқ учун не кўйларга тушганини яхши биламиз.

Мавлоно Жалолиддин Румий дафн этилган Кўня шаҳрида китоб савдоси билан шуғулланувчи кишига одамлар турли шаҳарлардан қопда нодир кўлёмаларни олиб келар экан. “Мен қопларнинг оғзини очаётганимда, “Ажабо, бу гал қандай китоблар олиб келинди экан-а!” дея, худди келинчак юзини очаётган кўёвдек ҳаяжонланаман”, дер экан у.

Бир китобда ўқиган эдим. Табризлик Шайх Али исмли машҳур мусаввир Жаҳоншоҳ учун “Хусрав ва Ширин” девонига суратлар чизади. Иш яримлаб қолганида шоҳ ўзига атаб дунёда тенгсиз китоб яратилаётганидан беҳад хурсанд бўлади. Аммо кўнглида хавотир уйғонади: Шайх Али унинг азалий рақиб бўлмиш Узун Ҳасанга янада гўзал ва бебаҳо китоб яратиб бериши мумкин! Бунга эса йўл кўйиб бўлмайди. Иш битиши билан Шайх Алининг кўзини кўр қилиш керак.

Шоҳ мулозимларига тегишли топшириқ беради. Бундан мусаввир хабар топади, лекин Табризни тарк этмай, ҳеч гап бўлмагандай ишини давом эттираверади. Китоб битгач, шоҳ ёвуз ниятини амалга оширади. Бироқ Шайх Али барибир хотираси асосида Узун Ҳасанга янада мухташам китоб ҳозирлаб беради. Бундан илҳомланган Узун Ҳасан Жаҳоншоҳга қарши кўшин тортади, рақибини мағлуб этиб, унинг хазинасидаги ноёб китобни кўлга киритади. Кейинроқ Султон Муҳаммад Фотиҳ Узун Ҳасанни енгиб, иккала китобни олиб кетади.



### МАВЛОНОНИНГ ЎГИТИ

Манбаларда келтирилишича, Жалолиддин Румий тўнғич ва севимли ўғли Султон Валадни муршидининг қизи Фотимабонуга уйлантириб қўяди. Фотимабону Мавлонога ўз фарзанди каби қадрли ва суюкли эди. Шу сабабли Румий тўйдан сўнг ўғлига бундай мазмунда мактуб йўллади: “Ўғлим, кўзим ва кўнглимнинг нури Фотимабонуни асраб-авайла, уни сенга топширдим, зеро, бу сен учун буюк синов ва омонатдир. Унга адолат ила муомала қил, ҳиммат-ҳимоятининг ному номуси ёруғ ва мусаффо бўлсин десанг, аёлинг билан кечган ҳар кунинг тўй, ҳар тунинг никоҳ оқшоми бўлгай. Уни ҳамиша қалбинг тузоғи билан овла, энди ҳеч қачон овлашга ҳожати йўқ бир ўлжа деб қарама. Бундай ўйлагувчилар энгил-елпи назарли кишилардир”.

Ёзувчи Радий Фишнинг “Жалолиддин Румий” асарида аллома вафоти билан боғлиқ лавҳада шундай сўзлар битилган: “Турклар ва хуросонийлар, юнонлар ва арманилар, насронийлар ва яҳудийлар – ҳамма шоир билан видолашишга келган, ҳар ким ўз русумида алвидо айтарди. Фақихлардан бири амир ул-умаро Муъиниддин Парвонага “Ўз шайхини дафн этаётган мўминлар ичра насроний ва яҳудийлар не қилур?” деб, уларни ҳайдашни сўради. “Қуёш Ер юзини ёритганидек, Мавлоно ҳақиқат нури ила бутун башариятни мунаввар этмиш. Қуёш – ҳамманинг мулки!” дейди насронийлар руҳонийси. “Мавлоно – нон кабидир. Нон ҳаммага зарур. Амирим, очларнинг нондан юз ўгириб кетганини қайда кўргансиз?” дея эътироз билдиради яҳудийлар раввини.

### ИККИ ЦЕЗАРЬ

Тарих ҳамиша ҳаққоний ёзилиши керак. Франциянинг Ўзбекистондаги биринчи элчиси Жан Пол Везиан “Тарих воқеалари ҳеч қачон ўзгармайди, фақат... вақти-вақти билан унга нисбатан муносабат ўзгариши мумкин”, деган эди.

Тарихчи Светонийнинг “Жизнь двенадцати цезарей” (“Ўн икки цезарь ҳаёти”) тадқиқотида қайсарларнинг энг машҳури Юлий Цезарнинг эътиборга молик кўп жасоратли ишлари, ҳарбий ғалабалари ҳақида батафсил маълумот келтирилган: “Цезарь сиёсий ва ҳарбий соҳада пешқадамликдан ташқари яхшигина адабиётчи ҳам бўлган. Лотин тилини ўрганувчилар учун ёзган қўлланмасининг тили содда ва раван. Рим империяси ҳудудини Шимолий Атлантикагача кенгайтирган, ҳозирги Франция ҳудудини ўзига бўйсундирган. Бир вақтнинг ўзида ҳам ўқиган, ҳам ёзган ва тинглаган. Кўплаб кутубхоналар очган. Жиноятчиларнинг фарзандларини ишга олган. Қўлларга озодлик берган, йиллик тақвимни, судлов тизимини ислоҳ қилган. Цезарь ҳукмронлиги вақтида Римда яшаб, тиббиёт билан шуғулланган кишилар ва санъат соҳаси ходимлари фуқароликка қабул қилинган...”

Китобда, шунингдек, Цезарь ҳаёти ва фаолиятининг “иккинчи томони”га ҳам ўрин берилган: “Ҳукмдор қимматбаҳо тошлар ва идишлар йиғишни ёқтирган. Чиройли қўлларни сотиб олишга ружу қўйган. Ғалабаларига атаб денгиз жанги ўтказиш учун йиллар давомида неча минг киши мислсиз машаққат билан қазиган кўлнинг сувини қуритиб, тупроқ билан текислаб юборган. Атрофидаги юқори мартабали мулозимларнинг аёллари билан ишқий муносабатда бўлишни оддий бир ҳол деб ҳисоблаган. “Ҳукмдор (яъни Юлий Цезарь) хоҳлаганича хотин олишга, кимнинг рафиқаси бўлишидан қатъи назар, унга уйланишга ҳақли” деган қонун лойиҳасини тайёрлаб кучга киритган”.

### АЛАМНОК ТАРИХ

Тарихий манбаларда Бухоро амири Насруллонинг Қўқонга ҳарбий юриш қилиб юртни қонга ботириши сабаблари хусусида бир-биридан айрича, қай бирининг тўғрилигини аниқлаш мушкул бўлган қарашлар мавжуд. Истеъдодли ёзувчи Алишер Ибодиновнинг “Худоёрхоннинг сўнги кунлари” асарида қуйидаги маълумотлар келтирилади: “Милодий 1740 йилдан то 1875 йилгача, яъни 135 йил ичида тахтга қонуний тарзда ўтирган хонлардан ўн беш нафардан зиёди ёлланган қотиллар, фитначи унсурлар, қиличи қонсираган жаллодлар кўлида жон беради. Абдураимбий, Сулаймонбий, Олимхон, Муҳаммадалихон, Султон Маҳмудхон, Шералихон, Султон Муродхон, Маллахон, Султон Саидхон, Шоҳмуродбек ва бошқалар тахтга ўтирганидан кейин ўлдирилган, сўйилган хонлардир. Ҳатто амир Умархондай маърифатли подшоҳ ҳам ўз акаси Олимхоннинг жасади устидан юриб ҳукмронликка эришган эди”.

Атоқли ёзувчи Чингиз Айтматов инсоният тарихидаги қонли одамқушликлар ҳақида ёзар экан, “Урушнинг даҳшати шуки, бу қирғинбаротларни бошлаган фотиҳлар, саркардаларнинг номи тарихда қолади, аммо бегуноҳ қурбон бўлган миллион-миллион кишилардан ном-нишон ҳам қолмайди”, дейди. Мана шуниси алам қилади.

### ФИКР МУДРАЙ БОШЛАСА...

Сўз тирик жон янглиғ илоҳий неъмат, унга ёлғон, макр, фиску фасод, сохталик ёки ғараз аралашса, жозоба ва латофатини, таъсир кучини, қудратини йўқотади, фазилатларига доғ тушади.

Фикр жамиятни сергак ва огоҳлик ҳолатида, ҳаракатда, курашчанликда ушлаб туради. Фикрлар хилма-хиллиги ҳаётни тараққиёт сари йўналтиради. Фикр мудрай бошласа, жамият ҳам мудроқлик кўчасига юз буради. “Эй ўғил-қизларим, тилга эҳтиёт бўлинглар! Киши дилини оғритадиган, кўнглини қолдирадиган, иззат-нафсига тегадиган, ор-номуси, шаънини оёқости қиладиган сўзлардан йироқ бўлинглар. Тилдан етган озор найза озоридан ёмон”, деб уқтиради улуғ устозлар.

Кайковуснинг машҳур “Қобуснома”сида нутқ ва муомала одобига алоҳида ўрин берилган. Муаллиф одамларни тўрт тоифага бўлади: “Бири улким, билур ва билғонин ҳам билур. Ул олимдур, унга тобе бўлмоқ керақдур. Бири улдуким, билмас ва билмағонин билур, ул қобилдур, унга ўргатмоқ керак. Бири улдуким, билур ва билғонин билмас, ул уйқудадур, уни бедор қилмоқ керақдур. Бири улдуким, билмас ва билмағонин ҳам билмас, у жоҳилдур, ундан қочмоқ керақдур”.

### ЎЛИМ АРАФАСИДА ЁЗИЛГАН МАКТУБ

Рим папаси Франциск ўлими олдидан ушбу мактубни ёзиб қолдирган:

“Шифохона деворлари черков деворларига қараганда самимий дуоларни кўп эшитган... Касалхонада ўзига тўқ врач қашшоқ бир кимсанинг ҳаётини сақлаб қолади. Жонлантириш бўлимида яҳудий шифокор яҳудийлар душманини даволаётганига гувоҳ бўлиш мумкин. Бир палатада ётган полициячи ва жиноятчига бир хил ёрдам кўрсатилади. Жигар кўчириб ўтқазилишига илҳақ ётган бадавлат инсон камбағал бир донорнинг жигарини кутади. Илоҳий до-нишмандлик – бошига мушкул иш тушган турли муҳитдаги одамлар тақдирини касалхонада бир-бирига туташ келади.

Қисмат бундай ҳолатларни юзага чиқарганда бир ўзимиз ҳеч нарса эмаслигимизни тушуниб етамиз. Касалхона – одамларнинг юзидаги ниқобни ечиб, улар аслан қандай бўлса шундайлигича кўрсатадиган жой.

Бу ҳаёт тез ниҳоясига етади, шу боис уни одамлар билан курашишга сарфламанг. Ўзингизга ишонқирамай қарайверманг, нолийверманг. Банкдаги ҳисоб рақамингизни ўйлайвериб уйқунгиз қочмасин.

Яқинларингизни кучиб-ўпиб қўйишга одатланинг. Уйингизда ҳамма нарса бадастир бўлишини ўйлаб кўнглингиз ғаш бўлмасин. Ҳар бир инсон моддий бойликни ҳалол меҳнат билан топиши керак.

Мерос йиғиш ва қолдиришга муккадан кетманг.

Орзуларингиз бағоят кўп – байрамларни, жума кунини, янги йилни, ҳамёнингиз қаппайишини, ҳаётингиз муҳаббатга тўла бўлишини кутасиз, ҳамма нарсани мукаммал кўрмоқни истайсиз. Қулоғингизга қуйиб олинг: бу дунёда мукаммаллик йўқ! Инсон мукаммалликка эришолмайди, чунки одамзод мукаммал яратилмаган. Бизга фақат ҳаётдан сабоқ олиш имконияти берилган, холос.

Ўзингизни ҳурмат қилинг, ўзгаларга эҳтиром кўрсатинг. Парвардигор пешонангизга ёзган йўлдан юринг, сиз учун бошқалар танлаган йўлга яқинлашманг.

Танбеҳ беришга одатланманг, ўзингизча ҳукм чиқарманг, бошқаларнинг ишига аралашманг. Одамларни севинг, кечирувчан бўлинг, уларни бағрингизга босинг – хотиржам ҳаёт кечиринг!

Қолган барчаси Яратган Эгамнинг қўлида”.

### КЎЗ

“Ўткан кунлар” романида муаллиф яратган ҳар бир персонажнинг мукамал портрети ижодкорларимиз учун ноёб тажриба мактабидир. Улуғ адиб “шунчаки тажриба тарзида” бошлаган ишига катта тайёргарлик кўргани, асар қаҳрамонларини ҳаётда мавжуд реал инсон (маҳалладошлар, йўлчи-йўлдошлар) каби аниқ тасаввур қилиб, худди улар билан ҳар куни, ҳар кеч мулоқотда бўладиган танишларидай тасвирлагани чиндан ҳам ўқувчини ҳайратлантиради.

Юсуфбек хожи: *“Тўла кўркам юзли, катта малла кўзли, узун мош-гуруч соқоллик муллонамо бир зот”*, Зайнаб: *“Ўн етти ёшлар чамалиқ, кулча юзлик, оппоққина ўртача ҳуснлик”*, Ҳомид: *“Узун бўйлик, қора чўтир юзлик, чағир кўзлик, чувоқ соқол... кўримсиз бир киши”*.

Кўз таърифи бир-бирига ўхшамайди: Юсуфбек хожи *малла кўзли*, Отабек ва Ҳасанали *қора кўзли*, Ҳомид *чағир кўзли*, Уста Алим *кўй кўзли*, Ўтаббой *кушбеги оғир қарагучи кўзлик*, Райимбек *додхоҳ ичига ботиқроқ*, аммо *қон куйилгансимон кўзлик... Адабиётшунос Баҳодир Карим бу рўйхатни “Бобурнома”дан олинган мисоллар билан бойитади: Умаршайх мирзо – кўба кўзлук, Бойсунғур мирзо – улуғ кўзлук. Халқ тилида кўз билан боғлиқ яна кўплаб ўхшатмалар бор: ғар кўз, ўғри кўз, синчи кўз, қийиқ кўз, илон кўз, писта кўз, мош кўз, мушук кўз, сичқон кўз.*

Кўзлар турлича, ҳар бири ўзига монанд нарсани кўради.

### ҲАМ ИҚРОР, ҲАМ ИНКОР

Лев Толстойнинг “Иқрорнома” асарини такрор-такрор мутолаа қиламан. Унинг ҳар жумласи ўткир, таъсирчан мушоҳада, фикр-инкор, фикр-тасдиқ, фикр-даъватдан иборат. “Ғалати манзара, – деб ёзади улуғ адиб, – одамлар диний эътиқодларга амал қилган ҳолда, уларга зид тарзда ҳаёт кечираётганидан безиб кетдим. Диний эътиқодга қатъий амал қилиб яшаётган одамларни кўрганимда, уларнинг ҳаёти менга ғоятда жозибадор ва оқилона кўринди. Шунда мен нега бир вақтлар бу эътиқодлардан безганимни, нега уларни маъносиз деб ҳисоблаганимни, эндиликда эса нима сабабдан уларни қабул қилганимни... тушундим. Мен адашганим ва қандай қилиб адашганимни англаб етдим. Нотўғри фикр юритганим учун эмас, балки гуноҳкорона ҳаёт кечирганим учун адашган эканман. Англаб етганим – ҳақиқатни мендан яширган нарсани фикрларимдаги хатолик эмас, фавқулодда ишратбозлик, маишатпарастлик шароитида, балои нафсни қондириш йўлида ўтказган ҳаётим экан”.

“Иқрорнома”дан англашиладиган буюк хулоса шуки, нотўғри фикрлаш айб эмас, ҳақиқат излаётган инсон адашиб, янглишиб, ўзининг бу аҳволини идрок этибгина кўзлаган мақсадига эришади.

### АФАНДИНИНГ БУАЛОДАН ФАРҚИ

Француз қироли Людовик XIV шеър машқ қилиб турар, шоир ва мунаққид Никола Буалодан ёзганларига баҳо беришни сўрар экан. “Ҳазрати олийлари, сизнинг кўлингиздан келмайдиган иш йўқ, – дебди бир куни Буало қиролнинг навбатдаги шеърларини ўқиб. – Мана, бемаза шеър қандай бўлишини кўрсатиб қўймоқчи экансиз, бу ишни ҳам қойиллатибсиз, маҳоратингизга таҳсин айтмасликнинг иложи йўқ...”

Бу сингари гап ўзимизда ҳам бор. Афанди подшоҳнинг бемаза шеърларини ўқиб, “Олампадох, сиз подшоҳликда тенги йўқсиз, аммо шеърларингиз

жуда расво” деган экан, подшо Афандини шаккоклиги учун оғилхонага қамаб қўйибди. Орадан бир ҳафта ўтибди. Подшоҳ беш-олтита янги шеър ёзибди, ўқиб кўрса, аввалгиларидан анча яхши чиққандай эмиш. Афанди энди мақта-са керак, дея уни ҳузурига чорлабди. Афанди шеърларни ўқибди-да, бир сўз демай, ўрнидан туриб оғилхона томон кета бошлабди...

Буалонинг Афандидан ёки Афандининг Буалодан фарқи нимада? Енгилроқ ўйлаган киши ҳар икки жавобни бир маънода тушунади. Аммо уларда жиддий фарқ бор: Буало уддабуронлик қилмоқда, Афанди бўлса, оғилхонада яна узоқ қолиб кетиши мумкинлигига қарамай, шеърят аталмиш буюк санъатга хиёнат қилаётгани йўқ.

### КЎНГИЛ ВАРАҒИДАГИ БИТИК

Ҳассос шоира Турсуной Содиқова Андижондаги учрашувлардан бирида хотини ташлаб кетган бир “мўминтой”га истехзо билан қараб, “Эр йигитнинг этиги пошнасида ўт чақнаб турса-да, қаддини ғоз тутиб, гурсиллатиб юрса-да” дегани сира ёдимдан чиқмайди.

Шоиранинг ҳар сўзидан олов, оҳангидан муҳаббат ва садоқат чақнарди. Учрашувларда сўзнинг ўзини ҳам сўзлатворарди, булбулдай сайратарди. Нотиқлик маҳорати, ишонтириш санъати, таъсир этиш, ром қилиш салоҳияти баланд эди. Овозида бошқа нотиқларда кам учрайдиган ноёб сеҳр бор эди. Шоира, ўзи ёзганидай, “Сўз излаш, сўз ўйлаш, сўзга ранг-тус бериш, уни чиройли ижрода тақдим этишга уриниш, кўзларни, қулоқларни ўзига мафтун қилиш учун турли аудиториялар, давраларда жон терига тушиб жанг қилар, баҳслашар, сўзда ўлиб, сўзда тирилар эди”. Опани тингланганлар у билан яна бир бор, яна кўп бор мулоқотда бўлиш, сўз чашмасидан қониб-қониб ичишни, сўз оламига саёҳат этишни ният қиларди.

Шу ҳақда бир нима ёзишни ўйлаб юрардим. Афсус, ёза олмадим. Баъзи иқрору изҳорлар қоғозга эмас, кўнгил варақларига ёзилади деганлари рост шекилли, дейман энди хижолат тортиб.

Шоира ўзига ярашқили, бўй-бастига, ҳаё-латофатига мос турмуш тарзини танлаб, “анжанча” яшаб ўтди, сўз қуролни занглатмади, беадоқ саволларга жавоб қайтаришдан, умидсизлик жарига қулаганларга, зулмат қўйнига ғарқ бўлганларга қўл чўзиш, нажот йўлларини кўрсатишдан чарчамади. Қанчадан-қанча мухлисларни китоб, одоб-ахлоқ, диёнат оламига олиб кирди, хиёнат йўлидан, ҳирсу ҳавас остонасидан, такаббурлик пиллапоясидан қайтарди, шеърятга, бадииятга ошно қилди. Қанчадан-қанча ҳаётий муаммоларни, оилавий машмашаларни нотиқлик маҳорати, сўз сеҳри, кўнгил малҳами билан текислаб ташлади. Оллоҳ берган воизлик инъомини исроф қилмади.

Баҳор таровати ўзгача эпкин бўлиб эса бошлаган эди-я. Ижод осмонида эркин турналарнинг арғимчоқлари кўзга ташланишига оз фурсат қолганди-я. Сал шошдингизми дейман-да, опажон. Майли, ёзигингиз шу экан, охират сафарингиз ўзингиздай, сўзингиздай латофатли бўлсин!

### АДАШИБ БЎЛСА ҲАМ...

Хорижга бориб келган ҳамкасбларимиздан бири сафар таассуротларини сўзлар экан, “Бир жомадон китоб олиб келдим, ҳар биттаси тиллага тенг” деган эди, даврадошлар “Китоб ўзимизда ҳам кўп-ку” дея ҳайрон бўлди. Ёш олим “Шунча тилла бир кишига кўплик қилади, биз ҳам ўқийлик”, деди. Шу гап баҳона суҳбатимиз китоб мавзусига кўчди.

Китоб ҳақида ўйлаганимда, фикрлар ўз-ўзидан қуюлиб келаверади. Инсониятнинг бу буюк ихтироси уй ичига кираётган офтоб нурига ўхшайди. Айтадилар-ку, кўп китоб ўқиган боладан ёмонлик чиқмайди.

Хитой вилоятларидан бирида амалдорлар ҳар йили камида бешта китоб ўқиб, бошқаларга сўзлаб бериши шарт экан. Бразилия қамоқхоналарида битта китоб ўқиган маҳбуснинг жазо муддати беш кунга камайтирилган.

Бизда ҳам шунга яқин тажриба бошланганга ўхшайди. Эндиликда қаерда сўров ўтказилмасин, амалдор, тижоратчи, солиқчи, божхоначи, ҳуқуқ-тартибот соҳаси ходими ўқиган китоблари рўйхатига “Ўткан кунлар”ни киритади. Яхшигина лавозимга ўтиш учун суҳбатга келган номзод “Ўзбек ёзувчиларидан кимларни биласиз, қайси асарларини ўқигансиз?” деган саволга “Абдулла Қодирийнинг “Меҳрибон чаён” китобини ўқиганман”, деб жавоб берган экан.

Майли, адашиб бўлса-да, китоблар оламига қайтаётганимиз рост бўлсин.

### ЎҒРИ

Уйдаги китобларимдан бири йўқолиб қолди. Кимгадир ўқишга берган бўлишим мумкин ёки биров кўзимни шамғалат қилиб қўйнига урган. Жуда зарур китоб эди. Хоразмлик курсдошим Шихназар Аҳмедов Москвадан олиб келган. Бир-икки киши ўқиди. Кейин... исиз йўқолди. Шу чоққача пул, буюм деганни, дўст-қадрдонни кўп йўқотганман, аммо ҳеч бирини АҚШнинг собиқ президентларидан бири қаламига мансуб бу китобчалик қидирган эмасман. Дунёнинг эллиқдан зиёд тилига ўгирилган ушбу асарнинг айрим бобларини таржима қилиш ниятида эдим. Фолбинга боришдан бошқа ҳамма кор-амални қилдим, сўраб-суриштирдим, ўсмоқчиладим ҳам – натижа бўлмади. Кейин... бошқа китобларга андармон бўлиб, ҳовурим босилай-босилай деб турганида изи чиқиб қолди-ку! Бир анжуманда маъруза қилаётган эдим. Йўқолган китобда ўқиганим – бошқа ҳеч бир манбада йўқ ажабтовур воқеа ҳақида сўзлаётиб, бир рақамни сал бўрттириб айтган эканман, ёнимда турган касбдошим мени дарҳол тузатди.

Хурсанд бўлиб кетдим. Китоб топилди! Балки менга қайтмас, аммо жуда узоқда ҳам эмас. Янада муҳими – у ўқилмоқда.

### БАҲРАМАНДЛИК

Мендан кўпинча “Биринчи ўқиган китобингизни эслайсизми?” деб сўрашади. Тўғриси, эслай олмайман. Аммо биринчи эшитган, тинглаган китобларим ёдимда. Улар катталар томонидан узоқ қиш тунлари меҳмонхоналарда, сандал ёнида ўқиладиган жангномалар, эртақлар, қасидалар эди. Абу Муслим, Иброҳим Адҳам қиссаларини жон қулоғим билан тинглардим. Бу китоблар қаерда ўқилаётган бўлса, ўша ерга тортинмай бораверардим.

Кейинроқ ўқиганларимни эслайман. Француз озодлик ҳаракати йўлбошчиларидан бири – афсонавий қаҳрамон Жанна д’Арк ҳақидаги асарни ўқиганимда китоб отлиғ бу илоҳий неъмат ҳақидаги тасаввурим янада тиниқлашган. Фавқуллодда жасоратли бу аёл мени ўзига тамомила ром этган. Жоҳиллар уни оловда куйдиргани тушларимга кириб чиққан. Йиллар ўтиб, йўлим Францияга тушганида, Версаль саройининг маҳобатли залларидан бирида Жанна д’Арк билан юзма-юз келдим. Моҳир мўйқалам устаси Янги Орлеан учун бўлган жанг ғолибининг от устида шу қадар жонли тасвирлаган эдики, суюкли қаҳрамонининг кўзида нур кўргандай, нафас олишию юрак уришини эшитгандай бўлдим...

Ҳаёт мени бир хулосага олиб келди: эртақ, саргузашт китобларни кўп ўқиган бола билан, китоб ўқишга ўргатилмаган бола характерида кескин фарқ бўлар экан. Китобхон болаларнинг нутқи равон, фикрлаш доираси кенг бўлади, феълда меҳрибонлик, бировни беҳуда ранжитмаслик, жонзотларга озор бермаслик каби хислатлар шаклланади.

Мутолаага қизиқишимга муаллимларнинг “Зўр одам бўлиш учун кўп китоб ўқиш керак” деган гапи сабаб бўлган. Зўр бўлиш кимга ёқмайди дейсиз, кўлимга нима тушса, танламай ўқийверганман. Қирғиз тилида ёзилган битта китобни роса қийинчилик билан охирига етдим. Билсам, баҳорда кўзилатиш мавсумини қандай ўтказиш кераклиги тўғрисида ёш чўпонларга тавсия экан...

Юқори синфда ўқийдиган болалар домлалардан яшириб бир нимани ўқийётганини сезиб қолдим. Сўрасам, “Бунақа китобларни ўқишга ҳали ёшлиқ қиласан”, деб беришмади. Бир амаллаб кўлга киритдим. Тўхтасин Жалоловнинг “Олтин қафас” деган мўъжазгина, ўша йиллар кўзи билан қараганда, ишқий қиссаси экан. Эрта азонда Такавойтепаннинг нарёғига ўтиб, ҳеч кимга кўрсатмай ўқиб чиқдим.

Стефан Цвейгнинг “Нотаниш аёл мактуби” китобини ҳам шу тахлит, рус тили ўқитувчимизнинг столидан “билдирмасдан олиб” ўқиганман ва шу шаккоклигим сабаб, “Француз тили ўқитувчиси” фильмининг ёш қаҳрамонига айланганимга бир баҳа қолган.

Тошкент давлат дорилфунунига ўқишга келгач, кўплаб бадиий китобларни домлаларимиздан баҳо олиш учун у ер-бу ерини “чўқилаб” чиқишга тўғри келди. Тасаввур қилинг – имтиҳонга уч кун қолганида тунни тун, кунни кун демай, Лев Толстойнинг “Уруш ва тинчлик”, “Анна Каренина” асарларини, Оноре де Бальзак, Эмиль Золя, Фенимор Купер ва яна шу каби ўнлаб классикларнинг ёстиқдай-ёстиқдай асарларини варақлаб чиқишга, жиллақурса, мазмунини айтиб беришга мажбур бўлганмиз. Хорижий адабиёт бўйича имтиҳонда менга Эмиль Золянинг “Жерминаль” асари тушиб қолса бўладими! Очиғи, бу асарни умримда ўқимаган, аммо бир тўпلامда айна шу муаллифнинг “Маркизанинг елкалари” сарлавҳали ишқий эссесига кўзим тушган эди. Таваккал қилиб домлага ўша эссенинг мазмунини ўзимдан бироз қўшиб, баъзи жойларини бўрттириб айтиб бердим. Домла астойдил қизиқиб қолди ва менга яхши баҳо қўйди. Йиллар ўтиб “Уруш ва тинчлик”ни ҳам, “Анна Каренина”ни ҳам, Бальзак, Ҳемингуэй, Драйзер, Бунин, Чехов, Гоголь ва бошқаларнинг машҳур асарларини ўзим учун, ички бир эҳтиёж сабаб қайта ўқишимга тўғри келди. Бу ўқиш ҳақиқий ўқиш бўлди. Чеховдан кўп таъсирландим, Салтиков-Шчедриннинг маҳоратига қойил қолдим.

Китоб ўқир эканман, улардан топган дур-жавоҳирларим, англаган ҳақиқатларим, мутолаа жараёнида ҳаёлимга келган фикрларни бошқалар билан баҳам кўриш, буюк тафаккур хазинасидан баҳраманд бўлмаганларни китобхонликка чорлаш мен учун ёқимли машғулотга айланди. Бу одаимни ҳануз ташламаганман. Ўзим учун янгилик бўлган сўз ва иборалар, ноёб воқеа-ҳодисалар талқини, улуғ аждодларимизнинг ҳикматли сўзлари, хотирада тўлиқ сақланиши қийин бўлган фактларни ёндафтаримга ёзиб бораман. Мендан бу дунёда топган ва фарзандларимга қолдирадиган мерос ҳақида сўрасалар, ҳеч иккиланмай, ана шу ёзувларимни айтган бўлур эдим...





## G'arazli strategiya

Аваллари маънавий, сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий таҳдид сифатида намоён бўлган миссионерлик мафкуравий экспансиянинг нозик ва нисбатан арзон шаклида аллақачон айрим давлатлар амалиётига айланиб улгурди.

Этиқод масаласида ҳар бир мамлакатнинг ўзига хос ёзилган ёки ёзилмаган қонунлари, қадриятлари, анъаналари ва урф-одатлари бор. Маънавиятни шакллантирувчи ва бошқарувчи бу омилларни ҳисобга олмай туриб, муайян жамоа ёки жамиятни бирор сиёсий мақсад, ғояга хизмат қилдириш мажбурловни келтириб чиқаради. Мажбурлов эса куч ишлатиш ва зўрлик воситаларини талаб қилади. Бироқ инсон онги ва қалбини эгаллаш, уни белгиланган ғоя ва сиёсатга бўйсунувчи шахсга айлантиришда бу муваффақиятли ечим бўлмайди.

Глобаллашув миссионерлик ҳаракати учун кенг имкониятлар эшигини очиб берди. Дунё миқёсида ғоявий курашнинг авж олиши, турли мафкуралар тўқнашви, демократия ёки турли диний таълимотлар шиорлари билан ниқобланган ёвуз ғояларни синдиришга интилиш миссионерлик мисолида тобора кучайиб бормоқда.

Насронийлик таълимоти асосида тайёрланган миссионерлар илгари кўпроқ врач ёки ўқитувчи кўринишида юборилган бўлса, бугунги замонда турли касб эгалари, масалан, сайёҳ, спортчи, сармоядор, тадбиркор, халқаро ташкилот хизматчиси, савдо соҳаси вакили, ҳатто элчилик ходими сифатида йўлланмоқда.

Кейинги вақтларда миссионерлик тармоқлари муҳтож оилалар, мактаб интернати, мактабгача тарбия даргоҳлари, меҳрибонлик ва қариялар уйлари, ногиронлар масканлари ҳамда олий таълим муассасаларига кенг эътибор қаратяпти. Ижтимоий миссия стратегиясида зоҳиран беғараз ёрдам кўрсатиш орқали фуқароларнинг жамиятда ўз ўрнини топиши, оилавий муаммоларини бартараф этиши кўзда тутилади. Миссионерлар моддий ва молиявий ёрдам кўрсатишнинг тур-

ли усулларидадан усталлик билан фойдаланмоқда. Миссионерлик стратегиясида муайян ижтимоий гуруҳларни аниқлаш ва улар билан ишлаш асосий ўрин тутаяди.

Замонавий илм-фан ва технологиялар бирон бир диннинг тарқалиши учун кўп имкониятларни очиб берди. Радио, телевидение, газета, журнал, интернет, ижтимоий тармоқлар бир қатор замонавий усулларни тақдим этди.

Хорижий молиявий кўмак асосида молиялаштирилаётган миссионерлик аксар ҳолатларда сиёсий мақсадларни кўзлаб ҳаракат қилаётгани яққол намоён бўлмоқда. Зиддиятлардан ўз манфаати йўлида фойдаланиб келаётган турли сиёсий-мафкуравий гуруҳлар этник-миллий, диний-этиқодий асосда янги зиддиятларни авжга чиқармоқда (*қаранг: Пахрутдинов Ш. Мустақиллик ва жамият тараққиётига таҳдид муаммоси (сиёсий таҳлил тажрибаси): С. ф. н. илмий даражаси учун ёзилган дисс. Тошкент, 1999*). Бу муайян минтақаларда жамият хавфсизлиги ҳамда мамлакат барқарорлигига путур етишига замин яратмоқда.

Миссионерлик ҳаракатлари натижасида инсон ҳуқуқлари, виждон эркинлиги, демократик эркинликларни олға суриш учун кўрсатилаётган кўмак, аслида, мамлакатни парокандалик, сиёсий бошбошдоқлик сари етаклаётгани яққол намоён бўлмоқда. Эркинлик, демократия, инсон ҳуқуқлари каби жозибали ғояларни ниқоб қилиб олган бу сиёсий кучлар шу асосда дунёдаги хоҳлаган мустақил давлатнинг ички ишларига аралашиб, ғаразли мақсадларга эришмоқчи бўлади (*Қуронова М. Ниқоб ортига бир нигоҳ. Тошкент, "Маънавият", 2018. 12-бет*).

Миссионерлик ташкилоти аъзолари ишга ўз қариндошлари, танишлари, дўстларини жалб этади. Жамиятга кўпроқ аъзоларни олиб келганлар махсус имтиёзларга эга бўлади. Ташкилотнинг асосий мақсади – одамларга ҳақиқий ҳаётни топишга ёрдам бериш, деб талқин этилади. Аъзо-

лар ўзларини кўпроқ "янги ҳаёт" издошлари деб билади. "Янги ҳаёт" тарафдорлари миссионерлик фаолияти билан шуғулланмаётганлари, шунчаки одамларга Исо пайғамбар ва абадий ҳаёт ҳақиқатини етказётганларини таъкидлашади. Уруш, очарчилик, касалликларнинг авж олиши миссионерлик ташкилотларининг фаоллигини янада оширади. Чунки бундай ҳолат улар учун жуда қулай шароит яратаяди.

Асосан, бир нажоткор келиб, бизни бу қийинчиликларнинг баридан қутқаради, деган инончдан фойдаланиб, сохта маҳдийлик, сохта насронийлик, сохта пайғамбарлик даъволари вужудга келтирилди, ботил этиқодлар яратилди. Бу каби ташкилотлар уруш, очарчилик ва касалликлар кенг ёйилишидан манфаатдор йирик муассасалар ва ширкатлар томонидан назорат қилинади, қўллаб-қувватланади. Миссионерлик ташкилотлари фош бўлмаслик, ўз атрофига кўпроқ оммани жалб қилиш учун тинчлик, адолат, тенглик, барча динлар бирлиги каби барчага манзур ифодаларни ишлатади. Миссионерлар маҳаллий аҳолига гўё аълороқ ва устунроқ маданиятни тақлиф этади.

Миссионерлар турли халқ ва миллатларнинг маданий илдизига болта урмоқда. Оқибатда, дунёда этник ва миллатлараро можаролар тобора авж олмоқда, ўта радикал миллатчилик ҳаракатлари вужудга келмоқда, миллий менталитетга раҳна солиш орқали халқлар маънавий тубанлик гирдобига тортилмоқда.

Таҳлилларга қараганда, ташкилот аъзолари онгини назорат қилиш мақсадида уларнинг бошқа ахборот манбалари (радио, телевидение, газета, журнал) билан алоқасини узишга алоҳида эътибор қаратилади. Миссионерлик ташкилотига аъзо инсонлар ташкилот фаолиятига оид адабиётлар, ғоявий-мафкуравий маърузалар билан "бом-

бардимон" қилинади. Ташкилотга оид муайян ахборот "махфий" дея таснифланади (масалан, оқимнинг етакчиси, хайрия, молиявий фаолият).

Миссионерликда ташкилот фаолияти тўғрисида танқидий фикрлар билдириш турли йўллар билан бартараф этилади. Миссионерлар кези келганда ёшларни инглиз тили курсларига, талабалар билан тажриба алмашувга, грант дастурларига ва осон пул ишлашга тақлиф қилади. Хорижий миссионерлик ташкилотлари ёшлар ва болалар оромгоҳлари, инглиз тили ва чолғу курслари, талабалар алмашинуви каби турли тадбирларда фаол иштирок этмоқда. Айрим бузғунчи оқимлар фуқароларнинг оилавий ва шахсий ҳаётига аралашиб, уларнинг ҳуқуқларига ҳам путур етказмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, "Тарбияси издан чиққан нопок кимсалардан огоҳ бўлайлик. Фарзандларимизни уларнинг бузғунчи таъсирдан асрайлик. Келажагимизни ёвуз кучлар қўлига бериб қўйишга асло ҳаққимиз йўқ. Агар барчамиз биргаликда қатъий ҳаракат қилсак, жамиятимизда соғлом ижтимоий-маънавий муҳитни мустаҳкамлашга албатта қодирмиз" (*Маънавият ҳаётимизда янги куч, янги ҳаракатга айлашни керак. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган мажлисидаги нутқи. // Янги Ўзбекистон, 2023 йил, 23 декабрь*).

Хуллас, миссионерларнинг ғаразли мақсадлар йўлидаги пинҳона ёки очиқ ҳаракатларига нисбатан ҳар қандай эътиборсизлик бизга қимматга тушишини унутмаслигимиз лозим.

**Мансур МУСАЕВ,**

*Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти бўлим мудири, сиёсий фанлар доктори*

## Yaltiragan har narsa oltin emas

Замонавий дунёда ижтимоий тармоқлар инсон ҳаётининг ажралмас қисмига айланиб улгурди. "Instagram", "TikTok", "Facebook" каби платформаларда миллионлаб инсон ўз ҳаётининг дерири ҳар бир лаҳзасини дунё билан бўлишмоқда. Аммо, одатда, одамлар бошқаларга ўз ҳаётининг "филтрланган", яъни танлаб олинган, мукамаллаштирилган ва кўзга яхши кўринадиган саҳифаларинигина тақдим этади.

2025 йил февраль ойи сўнги маълумотлари бўйича, дунёда 5 миллиард 240 миллион фаол

ижтимоий тармоқ фойдаланувчиси мавжуд. 12 ой ичида уларнинг умумий сони 4,1 фоизга ошган (*Digital 2025: Global Overview Report. 5 February 2025. <https://datareportal.com/reports/digital-2025-global-overview-report>*). Демак, дунё аҳолисининг 63,9 фоизи ижтимоий тармоқлардан фойдаланади. Уларнинг аксар қисми реал ҳаётдаги ўзлигини виртуал оламда филтрланган ҳолда намойиш қилишга уринади.

Ўзбекистонимизда 2025 йил январидан 11 миллион 700 минг ижтимоий тармоқ фойдаланувчиси

мавжуд эди ва у умумий аҳолининг 31,7 фоизига тенг (*Digital 2025: Uzbekistan. 3 March 2025. <https://datareportal.com/reports/digital-2025-uzbekistan>*).

Фильтрлар ортида қандай дунё яширинган? Ижтимоий тармоқлардаги аксар контентларни эҳтиёткорлик билан тайёрланган саҳна ёки иллюзия деб аташ мумкин. Одамлар энг кўркам кийимларда, мукаммал муҳитда ёки идеал дам олиш лаҳзаларида суратга тушади. Суратларга махсус дастур орқали ишлов берилади, ранглар ўзгартирилади, камчиликлар яширилади. Бу жараён фақат суратлар билангина чекланмайди: видеолар, ҳикоялар, ҳатто постлардаги матнлар ҳам “идеаллаштирилади”. Шунинг учун ижтимоий тармоқлардаги профиллар кўпинча реал ҳаётдан кўра кўпроқ кинога ўхшайди.

Мисол учун, бир одам эрталаб уйғонганидаги хира кўзойнак таққан, уйдаги оддий кундалик ҳаёти акс этган суратни эмас, кечкурун серхашам ресторанда олинган суратни юклайди. Табиийки, суратга техник жиҳатдан обдан сайқал берилади. Бундай контентни кўрган одамларда, бу инсоннинг ҳаёти тўқис-бадастир экан, деган таассурот уйғонади. Аммо бу кўпинча алдовдан иборат бўлади. Зеро, ялтираган ҳар нарса олтин бўлавермаслиги маълум.

Ижтимоий тармоқлардаги “фильтрланган” ҳаёт бошқаларнигина эмас, ўша шахснинг ўзини ҳам ўзгартиради. Кўпчилик ўз профилини бошқалар билан солиштириб, ўзини орқада қолаётгандек ҳис эта бошлайди. Бир кун келиб, идеал суратлар, қалбаки бахт ва сунъий кулги-табассум билан тўлган akkaунтига қараб, ўзига “Мен кимман ўзи?” дея савол беради. У ўз ҳаётини реал вазиятга кўра эмас, балки ижтимоий тармоқлардаги “лайк” ва “комментарий”лар сонига қараб баҳолайди. Бу эса руҳий тушкунлик, ўзини қадрламаслик ва ўзига ишонмаслик каби муаммоларни келтириб чиқаради.

Бундан ташқари, ижтимоий тармоқлардаги мукаммалликка интилиш одамларни ўзининг ҳақиқий шахсиятидан узоқлаштиради. Кўпчилик ўз хато ва камчиликларини яширишга уринади, чунки улар “идеал” имижга соя салади-да. Натижада, биз ўзимизни бошқа одамларга эмас, балки ўзимиз яратган образга мослаштиришга ҳаракат қиламиз. Бу эса пировардида ички зиддиятларга, изтироб, депрессияга олиб келиши мумкин.

Ижтимоий тармоқлардаги “фильтрланган” ҳаёт фақат индивидуал шаклда эмас, балки жамият даражасида ҳам ўз таъсирини намоён этмоқда. Масалан, аксар ёшлар ўртасида муваффақият тушунчаси ўзгарди: эндиликда улар учун

муваффақият кўп “лайк” йиғиш, оммабоп видео яратиш ёки серхашам ҳаёт тарзини англатади. Айрим ёшлар эса сабр-тоқат билан меҳнат қилиш, билим олиш ўрнига тезкор шуҳрат қозонишга интилоқда.

“Фильтрланган” ҳаёт таъсирида ёшлар идеалидаги шахс ҳам ўзгармоқда. Бугунги кунга келиб, инстаблогерлар, вайнерлар, кей-поп юдузлари ва бошқа аллақимлар ёшлар учун идеал сифатида майдонга чиқмоқда.

Тўғри, замон ва макон таъсирида идеаллар ўзгариб туради. Масалан, антик даврда идеаллар қаҳрамонлик, олий ахлоқ ва жамоат манфаатларига хизмат қилиш билан боғлиқ бўлган. Ўрта асрларда диний қадриятлар, хусусан, христианлик ёки исломий ахлоқ меъёрлари устувор эди. Янги даврда индивидуализм, ақл-идрок ва эркинлик ғоялари олдинга чиқди. Бугун эса идеаллар виртуал аҳамият касб этмоқда. Яъни кимки ўз ҳаётини мукаммал тарзда “фильтрлай” олса, ўша идеал инсонга айланмоқда ва ёшлар унинг ортидан эргашмоқда.

Ижтимоий тармоқлардаги “идеаллаштирилган” ҳаёт одамлар ўртасидаги муносабатларга ҳам таъсир қилмоқда. Дўстлар, қариндошлар ёки ҳамкасблар ўзаро мулоқотда кўпроқ ёлғон тасаввурлар ортига яширинишга уринади. Ҳақиқий муаммолар, хавотирлар ёки хатоларни очиб муҳокама қилиш йўқ, кўпчилик ўз ҳаётини “ҳаммаси яхши” деб кўрсатишга интилади.

Замонавий дунёда ижтимоий тармоқлардан бутунлай воз кечиб бўлмайдми, албатта. Аммо ўзимизнинг ҳақиқий қиёфамизни сақлаб қолишга ҳаракат қилмоғимиз лозим.

Одам ўзини бошқалар билан солиштиришни тўхтатиши керак. Ҳар бир инсоннинг ҳаёти бетақрор, беназир. Биз ўз камчиликларимизни тан олишни ҳам ўрганишимиз лозим. Хато қилиш, муаммоларни енгиб ўтиш ва улардан оқилона сабоқ чиқариш – инсон бўлмоқнинг моҳияти шу эмасми асли?!

Ижтимоий тармоқларда ҳақиқий шахсиятимизни кўрсатишга журъат этишимиз муҳим. “Идеаллаштирилган” суратлардан кўра кундалик ҳаётдаги оддий, самимий лаҳзаларни бўлишиш бошқаларга ҳам чинакам завқ бағишлайди.

Бундан ташқари, ижтимоий тармоқларда тарқалаётган иллатларга қарши курашиш мақсадида платформаларни тартибга солувчи ва қарамликни камайтиришга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат ишлаб чиқиш лозим. Масалан, яқинда Германиянинг Золинген шаҳри маъмурияти 2025/26 ўқув йилидан бошлаб 5-синф ўқувчи-

лари уйда ҳам “TikTok”, “Instagram”, “Snapchat” каби ижтимоий тармоқлардан фойдаланишини тақиқловчи ҳужжатни ишлаб чиқди. Бу ташаббусга ота-оналар ҳам рози бўлди. Мактаблар, ота-оналар ва психологлар ҳамкорлигида амалга ошириладиган ташаббус орқали болаларнинг ижтимоий тармоқларга қарамлигини камайтириш кўзда тутилган (*TikTok-Verbot auch zu Hause: Wie eine Stadt die Fünftklässler offline bringt. 16. Mai 2025. TikTok-Verbot auch zu Hause: Wie eine Stadt die Fünftklässler offline bringt – News4teachers*).

Ижтимоий тармоқлар бизга ўзлигимизни намоён этиш, бошқалар билан робита ўрнатиш ва

## Turkona udumlar

Тўқсон икки бовли ўзбек уруғларидан турклар Жиззах воҳаси бўйлаб кенг ёйилган. Улар бошқа уруғлардан фарқ қилувчи урф-одат ва анъаналарга ҳам эга.

Жиззах воҳаси Русия империяси томонидан босиб олинган, турли этнографик экспедициялар ташкил этилган. Жумладан, турк гуруҳи ҳақида ҳам қимматли маълумотлар ёзиб олинган. Айниқса, ҳарбий зобит Афанасий Гребенкин маълумотлари алоҳида аҳамиятга эга.

Турклар ниҳоятда ёпиқ ҳаёт кечирган, никоҳ ҳам фақат ўзаро тузилган. Келинга қалин сифатида саккиз бошдан юз бошгача қўчқор ёки шу миқдорга тенг пул тўланган. Аммо баъзида қалинсиз ҳам турмуш қурганлар. Турк уруғи аёллари юзини яширмаган (*Гребенкин А. Узбеки. Русский Туркестан // Сборник статей. Москва, 1872. Стр. 78-80*). Қалин пули бошқа ўзбек уруғларида анча юқори бўлган. Қалин беролмаган кувёв қиз хонадонидан ишлаб бериши керак эди. Ўрта Осиё ва Қозоғистоннинг туркий халқлари орасида қалин пули тўлаётган кувёв “кучкуе” – “ишчи кувёв” (қирғизларда); “кўчкўв” – “кўчиб келган кувёв” (қарлукларда), “ичкўв” (қўнғиротларда) деб аталган (*Кисляков Н. Очерки по истории семьи и брака у народов Средней Азии и Казахстана. Ленинград, 1969. Стр. 96*).

Ҳар бир туркий аёл ўз иқтидори доирасида алла, ўлан ва ёр-ёр айтган. Д. Гребенкин ўз тадқиқотларида турк аёллари орасида кўшиқ ва лапар (ўлан) айтиш мусобақалари кенг тарқалганини таъкидлайди.

Турк уруғи ўзбек уруғлари орасида минтақда қадимдан яшаб келаётган туркий уруғ бўлиб, кўплаб урф-одатлари форс тилли халқлар урф-одатлари билан яқин ҳисобланади. Элшунос оли-

дунёни кашф қилиш имконини беради. Аммо “фильтрланган” ҳаёт бизни ўзимиздан, ҳақиқий қадриятларимиздан узоқлаштириши тайин. Ўзимизни қайта топмоқ учун ижтимоий тармоқларга оқилона ёндашишимиз керак. Ижтимоий платформаларни мукаммаллик нуқоби эмас, балки асл овозимизни эшитиш, чин қиёфамизни кўриш воситаси деб билмоғимиз лозим. Ана шунда парда ортидаги ҳаётнинг асл жозибасини кашф этамиз.

Алишер МАДРАҲИМОВ,  
мустақил тадқиқотчи

ма Балқис Қармишева ана шу жиҳатларни чуқур тадқиқ этган. Оилавий урф-одатлар ва анъаналар ўтроқ ўзбек-тожик аҳолиси билан кўп умумийликларга эга эди. Асли даштиқилчоқлик ўзбеклар ва туркларнинг тўй маросимларида кўпгина умумий хусусиятлар билан бир қаторда жиддий фарқлар ҳам бўлган. Туркларда ҳам, ўзбекларда ҳам левират никоҳи қатъий ҳисобланган, сорорат никоҳи эса ихтиёрий эди (*Кармишева Б. Этнографическая группа “Тюрк” в составе узбеков // Советская этнография. 1960, №1. Стр. 2-21*).

Фарзанд дунёга келиши билан боғлиқ маросимлар ҳам ранг-баранг бўлган. Энг аввало, чақалоқ қулоғига азон ва такбир айтилган. Азонни чақалоқнинг отаси, бобоси ёки қишлоқнинг ёши улуг, обрўли оқсоқоли, мулла айтган. Ўтмишда болалар, айниқса, чақалоқлар орасида турли хил касалликлар ва ўлим ҳолати кўп кузатилгани маълум. Чақалоқлар ҳаётини сақлаб қолиш, уларнинг соғлигини мустаҳкамлаш мақсадида турли хил чоралар кўрилган, ҳар хил урф-одатларга амал қилинган.

Чақалоққа кийгизилмаган дастлабки кийимга алоҳида эътибор берилган. Гўдак туғилиши билан доя уни бир энлик эски матога ўраб олган. Чақалоқ уч кунлик (айрим қишлоқларда тўрт-беш кунлик) бўлгач, илк кийим – қирқ кунлик “чилла кўйлак” кийгизилган. Бошқа вилоятларда чақалоқнинг чилла кўйлаги “мусулмон кипта”, “кўйнакча”, “куртача” ва бошқа номлар билан аталган (*Рассудова Р. Традиционная одежда народов Средней Азии и Казахстана. Москва, 1989. Стр. 142-144*).

Чақалоқнинг сочи бир ёшга етгандагина олинган. Биринчи соч – “қорин соч” деб аталиб, уни олиш ҳам бир маросимга айланган. Агар чақалоқ қизбола бўлса, отиний ёки доя, ёши улуг кампир,

ўғилбола бўлса, мулла ёки ёши улуғ чол таклиф этилган. Улар боланинг пешонасидаги сочга қайчи теккизиб бергач, чақалоқнинг отаси ёки яқин қариндошлари ишни якунига етказган. Хонадон эгалари соч олиш маросими меҳмонларига совға-салом улашган. Бой хонадон эгалари мулла ёки отинойига тўн, қимматбаҳо мато ва пул, оддий хонадон эгалари белбоғ ва дўппи берган. “Қорин сочи” бирор панароқ жой – қалин баргли дарахт (чинор, сада) қавагига беркитилган, баъзи қишлоқларда мевали дарахт (узум, олма, ўрик) тагига кўмилган (*Йўлдошева Г. Нурота воҳаси аёлларининг анъанавий кийим ва тақинчоқлари (XIX аср охири – XX аср бошлари): Т.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Тошкент, 1995. 98-бет*).

Воҳада кенг тарқалган қадимий одатлардан бири – кокил кўйишдир. Чақалоқларнинг туғилиб ёки бир-икки ёшда вафот этиши кузатилган тақдирда ушбу удум адо этилган. Бунда, янги туғилган фарзанд ўғил бўлса Ўлмас, Турсунбой каби, қиз бўлса Ўлмасой, Турсунбой сингари исмлар кўйилган. Агар ўғил фарзанд ҳалок бўлса, кейинги туғилган ўғил фарзанд қизбола исми билан қақририлиб, бошининг орқасида кокил ўстирилган. Бу ҳолат биринчи мучал ёшга киргунича давом этган. Фарзандга атаб бирор зиёратгоҳга бориб, жонлиқ қурбон қилинган. Соч ҳам ўша вақтда олинган ва фарзанд ўғилболалар исми билан қақририла бошлаган (*дала-этнографик тадқиқотларда ўсмамлиқ 64 яшар Маматкул Каримовдан ёзиб олинди*).

Воҳанинг бошқа ҳудудларида янги туғилган боланинг “қорин сочи” олинаётган куни бирор муқаддас мазорга назр атаб кўйилган. Кокил кўйилган боланинг отаси шу кундан бошлаб “худонинг қарздор бандаси” ҳисобланиб, боласи 7 ёшга (худойи қилиб беришга қурби етмаган оилаларда 12-13 ёшга) тўлгандан кейин мазорда кўй ёки эчки сўйиб, худойи қилган. Боланинг сочини мазорнинг шайхи олган. Шу тариқа ота қарздан халос бўлган. Олинган сочини кўп йиллар фарзанд кўрмаган, боласи касалланиб вафот этган, туғилиб ёки туғилмай нобуд бўлган аёллар олиб кетган (*“Нурота воҳаси аёлларининг анъанавий кийим ва тақинчоқлари”, 99-100-бетлар*).

Манбаларга кўра, ҳар бир уруғ ўзининг муқаддас зиёратгоҳ, қадамжо ва мазорига эга бўлган. Масалан, Зомин тумани Бешбулоқ қишлоғи турклари Қоплон ота, Бахмал турклари Боғимозор ота, Ўсмак турклари Ўсмак ота зиёратгоҳларида ана шундай маросимларни ўтказган. Бугунги кунда ҳам ушбу уруғ мансублари, мамлакатимизнинг қаерида яшашидан қатъи назар, вақти-вақти би-

лан ана шу зиёратгоҳларга келиб, жонлиқ сўйиб, худойи қилади.

Воҳа халқлари аза ва дафн маросимларига ҳам пухта тайёргарлик кўриб борган. Ҳар бир инсонни “ўлимлик” кийими, яъни кафанлиги олдиндан ҳозирлаб кўйилган. Ўзбекларда вафот этган аёл бўлса, марҳумани ёши улуғ энг яқин аёл қариндошларидан бири ювган, унга икки аёл кўмак берган. Воҳадаги бошқа мусулмон халқлари сингари ўзбекларда ҳам марҳумни тоқ сонли гуруҳ (уч ёки беш киши) ювган. Турк уруғлари орасида марҳумлар учун бир неча хотирлаш маросими ўтказилган. Дафн маросими куни эркаклар ҳам, аёллар ҳам баланд овозда кўксига уриб (садр тепиш) йиғлаб мотам тутган (*“Этнографическая группа “тюрк” в составе узбеков”, 2-21-бетлар*).

Аза маросими билан боғлиқ урф-одатлар асосан аёллар ўртасида кучли бўлган. Буни кийиниш билан боғлиқ удумларда яққол кўришимиз мумкин. Азадор аёлларнинг кийими мато рангию сифати ҳамда тикилишига кўра алоҳида ажралиб турган. Кўйлак учун кўк, яшил, ҳаворанг ёки тўқ кулранг, пахтадан тўқилган матолар танлаб олинган. Аза кўйлаги марҳумнинг йили чиққунча кийилган ва бу одат “кўк кийди” деб аталган. Марҳумнинг яқинлари кўк кийимни унга ҳурмат юзасидан бир йилга яқин кийиб юрган бўлса, узоқ қариндошлари бир ойгача гулсиз матолардан, уч ойгача майда-майда гулли пахтали матолардан либос кийган. Эри ёки ўғли вафот этган аёллар тўқ кўк ёки қора рангли кўйлақда юрган (*“Нурота воҳаси аёлларининг анъанавий кийим ва тақинчоқлари”, 82-83-бетлар*).

Азадор хонадондаги аёллар марҳумнинг “еттиси”гача бош, кир ювиши мумкин бўлмаган. Бева қолган ёки фарзанди вафот этган аёллар сочини ёйиб юрган. Марҳумнинг яқин қариндошлари бир йилгача пардоз қилмаган, тақинчоқ тақмаган. Марҳумнинг “қирқи” ўтгач, аёллар оқ рўмолини ечган. Марҳумнинг йили тоқ ойлар – 7, 9 ёки 11-ойда ўтказилган. Бу маросимда азадор аёлнинг кўк кўйлаги тўпланган аёллар олдида ечилиб, йиртилган. Ёши улуғ отинойи аза тутган аёлга оқ ёки бошқа рангли матодан кўйлак кийдирган. “Оқ кийди” думи азадан чиқишни билдирган.

Хуллас, халқимиз қадимий анъаналарга содиқ бўлиб келган. Турли воқеа-ҳодисалар халқ тажрибасини орттириб борган ва унинг урф-одат, анъаналарида ўз аксини топган.

**Музаффар СУВОНҚУЛОВ,**  
*Гулистон давлат университети*  
*таянч докторанти*

## Ma'rifatga tayangan saltanat

Амир Темур ва темурийлар даврида муҳандислик фаолияти, айниқса, қурилиш муҳандислиги тараққий этган. Металлсозлик, шиласозлик, меъморчилик, кулолчилик, қоғозгарлик ҳам ривож топган. Ишлаб чиқаришнинг бу турлари асосан шаҳар ва шаҳар атрофларида шаклланган бўлса, металл қуйиш корхоналари қазилма бойликлар топилган тоғли ерларда барпо этилган.

Металлга ишлов бериш саноатида рангли металллар, жумладан, олтин, кумуш буюмлар муҳим ўрин тутган. Мисни қайта ишлаш, ундан турли рўзгор буюмлари ясаш ҳам ривожланган. Бу ўринда археологик қазималар натижасида Шердор мадрасасининг шарқий тарафидан XIV аср охирилари – XV аср бошларига оид металл қуйиш печи топилганини эслаш кифоя.

Амир Темур даврида ҳунармандлик шунчалик тараққий этдики, Самарқанд шаҳрининг ўзида турли касб-корга ихтисослашган алоҳида маҳаллалар барпо қилинади. Кўхна Самарқандда ҳозирланган ипак матолар, кийимлар, уй анжомлари, заргарлик моллари, тери, чигит, қурилган мева, металл буюмлар карвон йўллари бўйлаб Осиё, Европа ва Африка қитъаларининг олис мамлакатларигача етиб борган.

Соҳибқирон забт этилган юртларда ҳам ободонлаштириш, ер очиш, сув чиқариш, ёдгорликлар барпо этиш ишларини олиб боради. Унинг фармони билан Озарбойжонда, Хуросонда ариқлар қазилган. Масалан, Қорабоғда 70 қақиримли канал қазилиб сув чиқарилган. Хуросонда қазилган йигирмага яқин канал Мурғоб воҳасининг гуллаб-яшнашига сабаб бўлган.

Амир Темур фан ва маданиятга суянмай туриб, давлатни ривожлантириб бўлмаглигини яхши тушунарди. Шунинг учун у мадрасалар тармоғини кенгайтириш, мударрислар ва талабаларнинг моддий таъминотини яхшилашга доир фармойишлар чиқарган. Бу анъана Соҳибқирондан кейин ҳам давом эттирилади. Темурий хукмдорларнинг аксари олимлар, ижодкорлар, ҳунармандларга эҳтиром кўрсатиш баробарида, ўзи ҳам бир нечта хорижий тилни билган, диний илмлардан ташқари риёзий, фалакиёт, тиббиёт, тарих, меъморчилик, шърия ва бошқа соҳаларни пухта ўрганган, бой кутубхонага эга бўлган. Соҳибқирон авлодлари ҳам масжиду мадрасалар иншо этмоқни хуш кўрган.

Салтанатда илм аҳли учун яратилган шароит дунёнинг турли бурчакларидаги олимларни жалб

қилмай қолмайди. Шу тариқа ҳунармандлар, усталар, олимлар Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз, Кеш, Ҳирот ва бошқа йирик шаҳарларга кўчиб келади. Масалан, Мирзо Улуғбек расадхонасида Арабистон, Эрон, Рум ва бошқа диёрлардан келган Қозизода Румий, Фиёсиддин Жамшид Коший, Жалолоддин Астрободий, Низомиддин Биржандий, Мирам Чалабий, Мансур Коший, Абдулқодир Лоҳижий, Муҳаммад Ҳусайний каби олимлар фаолият юритган.

Қайд этиш жоизки, бу даврда ҳеч бир муҳандислик фаолияти қурилиш муҳандислигидек тараққий этган эмас. Шаҳрисабздаги муаззам Оқсарой пештоқига дарж этилган “Агар куч-қудратимизга шубҳа қилсангиз, биз қурдирган иморатларга боқинг!” деган машҳур битик фикримизга исбот бўлади. Бу даврда архитектура декорацияси гуллаб-яшнади, таъбир жоиз бўлса, меъморчиликда инновацион техника ва технологиялар қўлланди.

Соҳибқирон йирик шаҳар ансамбллари ва ёдгорлик иншоотлари билан бир қаторда шаҳар атрофида боғ ва истироҳат боғлари мажмуаларини яратишга ҳам алоҳида эътибор қаратган. Боғ ундириш анъанаси қадимдан Шарқ маданиятига хос эди. Аммо қудратли хукмдор бу борада ҳам янги сўз айтишга муваффақ бўлади: у барпо қилган боғлар шаҳар ансамбллари каби улкан эди.

Амир Темур даврида безак санъати янгича маъно-мазмун билан бойилган. Ўша давр меъморлари ва безакчиларининг “дастхати” ҳандасавий нақшларнинг янги пардозлаш материалларига мослашувидан намоён бўлади. Гўри Амир ва Шоҳи Зинда мақбаралари, Бибиҳоним масжиди, Оқсарой саройи, Улуғбек мадрасаси ва бошқа кўплаб ёдгорликлар геометрик конструкцияларнинг ривожлангани, юксак санъат даражасига кўтарилганини кўрсатади.

XV асрда Мовароуннаҳр пойтахти Самарқандда ҳам, Хуросон маркази Ҳиротда ҳам Амир Темур маънавий анъаналари давом эттирилиб олим уфузало, шоиру бастакор, меъмору бинокорларнинг катта гуруҳи тўпланган эди. Бунда ёшлагиданоқ машҳур олим сифатида танилган Мирзо Улуғбекнинг хизмати беқиёсдир.

Улуғбек даврида математика, геометрия, астрономия, табиий фанлар, адабиёт, тарих, санъат юксак чўққига кўтарилди, Самарқанд ўрта асрлар дунёсининг йирик фан марказига айланади. Соҳибқироннинг аллома набираси қур-

дирган машхур бинолардан бири Бухоро мадрасаси дарвозасига “Илм олиш ҳар бир мусулмон эркак ва аёл учун фарзидир” деган ҳадиси шариф ўйиб ёзилган эди.

Аллома ҳукмдор 1428 йили Самарқандда расадхона қурдиради ва уни нодир қурилмалар билан жиҳозлайди. 1437 йилда тузилган “Зижи жадиди Кўрагоний” каталогида 1018 та юлдуз тасвирланган. Бу телескоп ихтиро қилингунга қадар тузилган дунёдаги энг мукаммал каталоглардан бири эди. Улуғбек астрономик йил узунлигини 365 кун, 6 соат, 10 дақиқа, 8 сония деб белгилайди. Ушбу ҳисоб-китобда хато бор-йўғи 58 сонияни ташкил этади.

## Moziy bilan tillashib

Корейс халқ анъанавий кўшиқлари Ўзбекистонда яшаётган корейс диаспорасининг ҳам миллий бойлиги ҳисобланади.

Корейслар 1937 йили Марказий Осиё мамлакатлари, шу жумладан, Ўзбекистонга жойлашганидан кейин яратган кўшиқларда ҳам миллий анъаналар давом этди. Ўзбекистонлик корейсларнинг бир неча авлоди жамоавий ижоди натижаси ўлароқ маиший, лирик, эпик, ватанпарварона руҳдаги ва кўнгилочар кўшиқлар яратилди.

Ўзбекистонда корейсларнинг узоқ муддат давомидаги ассимиляцияси, яъни ўзга муҳитга мослашуви жараёнида янги халқ кўшиқлари пайдо бўлди. Уларда мазмун ўзгаришлари, ўзбекона мусиқа оҳанглари кириб келгани кузатилади. Масалан, Сирдарё, Чирчиқ дарёлари, шолкорлик, пахта тераётган қизга бағишланган кўшиқларда ана шу тенденция яққол сезилади.

Ўзбекистондаги катта авлод корейслари орасида кенг тарқалган кўшиқлардан бири – “Ватан соғинчи”дир (“Манхян”). Тақдир тақозоси билан Жанубий Сахалинга келиб қолган корейс ишчиси Чо Мён Хининг “Ватан соғинчи” шеърига Чхве Нам Сон мусиқа ёзган. Асарда мустамлака Корейянинг оғир қисмати ҳақида сўз боради. “*Ватаним, қалбим дарди, Ватаним // Минг қақирим нарида...*” сатрлари кучли таъсирга эга.

“Тўқувчи аёл” – ҳунармандлик билан боғлиқ кўшиқ. Бундай кўшиқлар кўпинча аёллар томонидан иш вақтида ижро этилган, шу тариқа улар ҳис-туйғу, фикр-ўй ва орзу-умидларини ифодалаган. Корейяда бундай турдаги кўшиқлар оғзаки тарзда авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда. У Ўзбекистонда истиқомат қилаётган корейс миллатига мансуб аҳоли орасида ҳам ҳозирги кунгача сақланиб қолган. Бун-

Аллома Жамшид ибн Масъуд Коший эса учинчи даражали тенгламаларни ечиш усулини ишлаб чиқади. Бундан ташқари, ўнли касрлар назариясининг тизимли экспозициясини яратади ва Архимед алгоритмидан фойдаланиб, π сонини 16 рақам аниқлиги билан топади.

Мовароуннаҳр олимларининг астрономик ютуқлари кейинчалик Европага қадар етиб боради ва Ғарбда астрономия ривожланишига замин яратади.

**Самарбек САЙФУЛЛАЕВ,**

*Тошкент давлат Транспорт институти мустақил тадқиқотчиси*

дай меҳнат кўшиқлари Корейя номоддий маданий меросининг бир қисми ҳисобланиб, тўқимачилик билан шуғулланган аёлларнинг анъанавий турмуш тарзи ва ички оламига ошно этади.

“Торади Тарён” – анъанавий корейс халқ кўшиғи. У Корейянинг тоғли худудларида ўсадиган торади гулига бағишланган. Гул орқали корейс халқининг феъл-атвори тасвирлангандек бўлади. Бу кўшиқ жаҳон корейслари маданий меросида муҳим ўрин тутати, турли байрам ва тадбирларда ижро этилади.

“Ариранг” корейс маданиятининг рамзи, миллий мероснинг муҳим қисми бўлиб, бутун дунё корейсларини бирлаштирган норасмий мадҳияга айлангани маълум. У ҳар бир корейсга ўз насли, анъаналари ва бирлигини ёдга солади. Кўшиқ оҳанги содда, ўзига хос ва у осон эсда қолади. Ўзбекистонда ва дунёнинг бошқа мамлакатларида яшовчи турли миллатга мансуб халқлар уни оҳангиданоқ таниб олиши мумкин.

Кўшиқда шундай сўзлар жаранглайди: “*Ариранг, Ариранг, Арариё, // Ариранг тоғидан ўтказил мени. // Қорми ёғаётган ё кучли ёмғир? // Мансу тоғида қора булутлар тўпланмоқда. // Агар бу Мёнса-сипри бўлмаса, // Нима учун калина гулламоқда? // Агар бу март ойи бўлмаса, // Нима учун какку сайрамоқда?*”

“Ариранг” корейс тилидан таржима қилинганда шу номдаги тоғ чўққисига чиқиш йўлида босиб ўтиш керак бўлган хаёлий доvon номини англатади. Довон – бахт, фаровонлик ва эркинлик чўққисига чиқиш учун босиб ўтилмоғи лозим бўлган машаққатли йўл рамзи.

Олимлар кўшиқ тарихини олти аср нарига боғлашади. Бу – Сон Бу ва Ри Ране ҳақидаги сев-

ги афсонаси билан алоқадор. Соғинч, адолат учун кураш ва бахтга интилишни ифодаловчи кўшиқ ўнлаб версияга эга. Корейя яриморили минтақаларида “Ариранг” кўшигининг турли вариантлари яратилди. Энг машхурлари – “Чонгсон Ариранг”, “Мирянг Ариранг”, “Кангвондо Ариранг”, “Сангжу Ариранг”, “Хежу Ариранг”, “Чиндо Ариранг”. 1926 йили “Кёнги Ариранг” ёки “Куа Ариранг” деб номланган кўшиқ асосида “Ариранг” деган овозсиз фильм олинганидан кейин у жуда машхур бўлиб кетди (*Dr. Bohi Gim Ban. A Musical Analysis on Korean Diaspora Arirang Songs // Uzbekistan-Korean International Mutual Understanding Music Festival “Arirang”. Institute of North-East Asian Music. Seoul, 2012. P. 25*).

Ўзбекистонлик корейслар орасида “Ариранг”-нинг ана шу талқини энг асл ва анъанавий кўшиқ сифатида эътироф этилади. Ўзбекистонга кўчирилган корейслар 1937 йили айнан шу версиясини ўзлари билан олиб келган. Янги ватанда турли қийинчиликларга дуч келганларида ушбу кўшиқ уларга маънавий далда бўлган. Ўзбекистондаги корейслар бу кўшиқни авлоддан авлодга оғзаки равишда етказиб келяпти. У ҳозирга қадар корейсларнинг энг муҳим уч тадбири – никоҳ тўйи, боланинг биринчи туғилган куни ва ота-оналарнинг 60 ёшлик юбилейида куйланади. Зеро,

## Majozlar oralab

Модерннавис шоир Шермурод Субҳоннинг “Сукунатнинг сассиз садоси” шеърини тўпламида инсоният ғами ва шодлиги турфа бадий буюқларда акс этган. “Шеърят бу – озодликдир, дунёвий шодликдир. Имонли инсоннинг ғами шодликка тўла, шодлиги ғам ичрадир”, деб ёзади Ўзбекистон халқ шоири Рауф Парфи китоб сўзбосида.

Тўпламдаги шеърлар қисқа ҳамда теран; уларда инсоний туйғулар рамзий маъно касб этади:

*Йўқ тонг отмади  
Биз чиқдик балқиб  
туннинг қаъридан*

Шеърда ифодаланган маъно ва мазмун киши руҳияти ҳамда шуурини мувозанатдан чиқариб юборади, қуюқ тазодлар инсоннинг “коинот гултожи” эканини таъкидлайди.

Мана бу уч қаторли мўъжаз шеърда фикр, мақсад, образ, туйғу мужассам: “*сукут // гаплашамиз энди биз // кўзлар тилида*”. Дарҳақиқат,

кўшиқда ғам-алам, айрилиқ, қайта учрашиш ва севги мотивлари акс этган.

Этник корейслар – Ўзбекистон жамиятининг ажралмас қисми. Иллар мобайнида корейс маданияти ўзбек жамиятига сингиб улгурди. Одамлар корейс пазандалиги, урф-одатлари, жумладан, мусиқа маданиятини ҳам осонлик билан таниб олишади.

Корейс маданият марказлари ассоциациясига давлат томонидан кўрсатилаётган ғамхўрлик туфайли корейс халқ кўшиқчилиги Ўзбекистонимизда ўз анъаналарини давом эттирмоқда. Бу эса мамлакат маданий ҳаётида ўзига хос ўрин эгаллаб, корейс миллий маданияти ва санъатини сақлаш ва ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшаётир. Зеро, корейс маданияти вакиллари учун бу шунчаки кўшиқ куйлаш эмас, балки ўтмиш билан жонли мулоқот ҳамдир. Янги авлод шу йўсин ажодларнинг куч-қудрати ва донишмандлигидан баҳраманд бўлади. Ўзбекистонликлар ҳам Узоқ Шарқни эслатувчи ўзига хос куйлар, илдизлари қадимий фалсафага бориб тақалувчи санъат намуналарини қизиқиш ила тинглаётир.

**Людмила КАН,**

*Ўзбекистон давлат Консерваторияси мустақил тадқиқотчиси*

“Олқиш” номли шеърга назар ташлаймиз:

*куннинг авзойи бузуқ  
ғойиб бўлмиш куёш қайгадир  
чақмоқ чақа бошлади мана*

Шеър мана шундай табиат тасвири билан бошланади. Кейинги уч сатрда кўкнинг талвасага тушиб, булутларнинг тараддулланиши оқибатида ёмғир ёғиши тасвирланади, сўнг уйларнинг деразаю эшикларни ёпилиб, кимнингдир танг қотиши ва ёхуд кимнингдир дир-дир титраши ҳақида гап кетади. Хотима эса мана бундай:

*ажаб томоша: ичкарида қиш  
ташқарида эса  
гулдурас қарсақ ёғар*

Асосий моҳият, поэтик ғоя охириги мана шу уч сатрда ифода топган. “Ичкари – ташқари” қарама-қаршилиги хоҳланг халқ, хоҳланг алоҳида олинган инсон сиймосида жам бўлган икки ҳолатни акс эттираётир. Ичида оғир ҳолатларни бошдан кечираётган ўша “кимдир”нинг кўллари гулдурас қарсақ чалади... Мана, шоир англатмоқчи бўлган фожией ҳолат.

“Гўзалсиз” номли шеърда ҳам ниҳоятда кутилмаган ёндашувга рўбарў келамиз. Ажаб, биз шеърларда гўзалларни фариштага қиёс этсак, Шермурод Субҳон гўзалга *“фаришта сизга ўхшар”* дея таъриф беради.

Китобдаги шеърларда тун ва тонг жуфтлиги жуда кўп қўлланган. Бу борлиқнинг оқ ва қора ранглардан иборат экани, ҳаёт борлик ва йўқлик ўртасидаги курашдан иборат эканига ишорадек. Эҳтимол, шоирнинг кўпроқ тунда ижод этиши таъсиридир. Вақт ранглари ҳам шеърда жилва бахш этиши шубҳасиз.

Баъзи шеърларни бир марта ўқийсиз, қайта ўқийсиз ҳолат ҳам, истак ҳам бўлмайди – улар чайнаб оғизга солинган нонга ўхшайди. Шермурод Субҳон шеърлари эса ўқувчини қайта ўқиб, янги-янги маъноларни ўқийсиз ундайди. Баъзи сатрларда “коса тагида нимкоса” шаклида бир инжу яширилгандек, уни топишга интиласиз. Аслида, шеърнинг сеҳру жозибаси шунда эмасми?

*“тун ўтмоқда // ой ҳам ботар // оғир чўкиб юракка”,* дейди шоир бир учлигида. Ўтаётган тун – умр парчаси; шунинг учун ҳам ой уфқлар ортига эмас, юракка ботади, оғир чўқади. Бунда ой аънавий тарзда ёр ёки гўзаллик тимсоли, дардош сингари эмас, оғир тош каби идрок этилади.

Шоир учликларни япон ҳаққуларини эса солади: *“тонг-ла тонгага етамиз // тунда-чи // буниси қоронғу”.* Ўқувчи мажозлару рамзларнинг “кичик

ўрмон”ида дафъатан адашиб қолади: тонг-ла тонгга етиш – бир қарашда содда, аммо кутилмаган ҳол. Кутасизки, шеърнинг давомида “тун-ла тунга етамиз” дейилади. Аммо ундай бўлиб чиқмайди: *“буниси қоронғу”.* Мана шу қоронғилиқда ижтимоий мазмун ҳам, руҳий ҳолат ҳам, туннинг аънавий мазмуни ҳам – ҳаммаси бирваракайига мужассам.

*ЎЙЛАДИМ  
ИЗЛАДИМ  
ТОПДИМ СИЗНИ НИҲОЯТ*

Шоир кундалик ҳаётимиздаги бироз сийқароқ, эътиборсизроқ бўлиб танилган жумладан ишқнинг гўзал манзарасини яратади. “Излаганга толе ёр” деганлари шудир балки?.. Мана бу учликда эса психоаналитик ёндашув кўзга ташланади: *“ухлади деб ўйларсиз балки // йўқ туш кўрмоқдаман // ўнгим давомин”.* Шеър ўқувчини бедорликка чорляпти. Баъзи тушларни таъбир қилиш мумкинлиги ёки ижобат бўлишини эътиборга олсак, туш ҳам инсоннинг ўнгида содир бўладиган воқеа-ҳодисаларнинг даракчиси, тақдир битигидир.

Шоир иккиликлар ҳам ёзган. Қўшмисралар теран фикр ҳамда туйғуларга бойлиги билан эътиборни тартади; маъно асосан контраст бўёқларда ифода топади: *“ҳамма шоир эмас // шоир ҳаммадир”.* Ниҳоятда қисқа шаклда, тарду акс усулида шоирликнинг моҳияти ёрқин, образли ифода этилган. Бу – асл шоирларга берилган юксак баҳодир. Шоирнинг шу хилдаги иккиликлари афоризм каби жаранглайди.

Шоир тўпламни ўзига хос шаклда тузган. Учликлар, иккиликлар қаторида “Бирликлар” ҳам бор. Бир сатрдан иборат шеърлар мақол ёки ҳикматли сўз тасаввурини беради. Уларда ҳаёт ва инсонда жамланган зиддиятлар ниҳоятда ихчам ва образли тарзда ифода этилган: *“эшак эшар қонимда шайтон”, “менга сенга йўл бўлсин”, “ўздан олдин йўл кўради кўз”.*

Айтиш керакки, айрим шеърларда сўз исрофи учрайди. Баъзи шеърлар эса оддий гаплардан иборат бўлиб қолган: *“сен келсанг // нурга тўлади // сенсиз бўшаб қолган юрагим // сен келсанг // чекинади ёлғизлик // бошланади байрам тантана”.* Бунда поэзия ранглари йўқдек; ҳамма билган, кўп айтилган гаплар, холос.

Хулоса шуки, Шермурод Субҳон ўзига хос, дунё шеърятининг турфа товланишларини миллий назмга пайванд этиб, кўзни қувнатадиган гуллар ундираётган ижодкордир.

**Турсун АЛИ,**  
*шоир*

## Ham pinhon, ham paydo

“Ҳамд” сўзи мақтов, мадҳ маъноларини англатади (*Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. Тўрт томлик. 4-том. Тошкент, “Фан”, 1985. 147-бет*). Ислоний ақидага кўра, мақтов фақат Оллоҳгагина тегишли. Маълум бўладики, Оллоҳ таъриф ва тавсиф этилган ғазаллар “ҳамд ғазаллар” деб аталади. Бу ғазалларда Оллоҳ кулли мавжудотнинг яратувчиси экани бадиий шаклда васф этилади.

Алишер Навоий туркийда 37 та ҳамд ғазал битган. Уларни шартли равишда тавҳид ҳамд ғазаллар ва муножот ҳамд ғазалларга ажратамиз.

Агар асосий мақсад Оллоҳнинг сифатларини таърифлаш бўлса, “тавҳид” дейилади. Тавҳид сўзи “воҳид” билан бир ўзақдан ясалган. “Воҳид” эса ягона, яқка-ёлғиз, бир деган маъноларни англатади. Демак, Худонинг яқка-ягоналиги, бирлиги, ёлғиз яратувчи эканини теран англаш, тўла идрок этиш ва таъриф-тавсифлаш тавҳиддир.

Агар бирор асар ёки унинг парчасида тўғридан-тўғри Оллоҳга муножот қилиниб, ундан нималардир сўралса, бу “муножот” ёки “муножотнома” деб аталади.

“Ҳазойин ул-маоний”даги “Ғаройиб ус-сиғар” девонининг иккинчи ғазали – тавҳид ҳамд ғазал. Навоий кўпроқ 7 ва 9 байтли ғазаллар ёзган, мазкур ҳамд эса 11 байтдан иборат, мисралари 12 ҳижоли. Ҳажаз мусаммани солим вазнида битилган. Шу икки шаклий жиҳат ғазалга алоҳида салобатли руҳ бағишлаган.

*Зихе ҳуснунг зуҳуридин тушуб ҳар кимга бир савдо,  
Бу савдолар била кавнайн бозорида юз ғавго, –*

деган матлада Оллоҳ ҳуснунинг кўриниши (зуҳури) орқали ҳар кимга бир савдо тушгани, бу савдолар билан эса икки олам (кавнайн) бозорида юз ғавго бошлангани айтилади. Бу билан шоир оламлар ҳам, одамлар ҳам Оллоҳнинг зуҳури эканини таъкидлаб, ваҳдат ул-вужуд фалсафасини эслатиб ўтади. Савдо сўзи биринчи мисрада ишқ маъносида, иккинчисида бозордаги олди-сотди маъносини ифодалаган.

*Сени топмоқ баса мушкулдур, топмаслиғ осонким,  
Эрур пайдолиғинг пинҳон, вале пинҳонлиғинг – пайдо.*

Иккинчи байтда тазод (қарама-қаршилиқ) санъати орқали шоир Оллоҳни топиш жуда мушкуллиғию топмаслиқ осонлиғини, шунингдек,

унинг пайдолиғи пинҳону пинҳонлиғи пайдолиғини таъкидлайди. Қўшмисрада иккита очиқ тазод мавжуд: мушкул – осон, пинҳон – пайдо. Шоир биринчи тазодни қўллашда қийинликни (мушкулни) тасдиқ шаклидаги (топмоқ), қулайликни (осонни) инкор шаклидаги феъл (топмаслиғ) билан ишлатган.

Иккинчи сатрда эса тарди акс санъати қўлланган (“пайдолиғинг пинҳон – пинҳонлиғинг пайдо”). Бу байтда Оллоҳнинг икки сифати – пайдолик ва пинҳонлик тилга олинган. Оллоҳ яратган барча нарсаларни кўриб, унинг борлиғига (пайдолиғига) имон келтирамиз, аммо қанча фикр, ақл, тафаккур билан интилсак ҳам, унинг зотиға етолмаймиз. Чунки У пинҳонлиғи ва сирлилиғича қолаверади.

Оллоҳнинг ҳам пинҳон, ҳам пайдо экани Навоий ўзи тўқиган талқин эмас. Бу Қуръонда мавжуд. Уни ҳамд ёзган бошқа арабий, форсий ва туркий шоирлар асарларида ҳам кўп учратамиз. Аммо бадиият нуқтаи назаридан бу байт, кўриб ўтганимиздек, тамоман оҳорли, ўзига хос ифодавий-тавсирий гўзаллик касб этган.

*Чаман оташғаҳига оташин гулдин чу ўт солдинг,  
Самандардек ул ўтдин кулга ботти булбули шайдо, –*

деган байтда зимдан гул шохлари билан бирга булбул ҳам ўтга тушгани билдириб ўтилган.

*Не ишка бўлди беором кўзгу аксидек Мажнун,  
Юзи кўзгусида аксини гар кўрғузмади Лайло.*

Тўртинчи байтда айтиляптики, қўлда ушлаб турилган кўзгу қимирласа, унда кўриниб турган кишининг акси беором ҳолга тушади. “Агар Лайло (унинг) юзи кўзгусида ўз аксини кўрсатмаса, Мажнун нега кўзгу аксидек беором бўлди?” демоқда шоир. “Беором” сифатида қўлда тутиб турилган ойнанинг қимирлаб туришига ишора бор. Мажнун билан Лайлонинг эсланиши талмиҳ санъатини вужудга келтирган.

*Кўёшқа гаҳ қизармоқ, гоҳе сарғармоқ эрур ондин  
Ки сунъунг боғида бор ул сифат юз минг гули раъно.*

Бешинчи байтда олдинги қўшмисрадаги кўзгу тимсолидан яна фойдаланилган – Кўёш ҳам гўё бир кўзгу янглиғ тасаввур қилинган, у ҳар хил раъно гулларни акс эттиргани учун ҳам бир қизариб, бир сарғаяди. Кўёш нега бир қизариб, бир

сарғаяди, чунки Оллоҳ яратган боғда ҳам сариқ, ҳам қизил рангли юз минг гул бор-да!

Келгуси байтларда талмиҳ йўли билан машхур ошиқ-маъшуклар – Вомиқ ва Узро, Ширин ва Фарҳод, улуғ пайғамбар Иброҳим алайҳиссалом (Халил) тилга олинади.

*Малоҳат бирла туздунг сарвақлар қоматин, яъни,  
Ки мундоқ зеб бирла ул алифни айладинг зебо,*

дея жарангланган тўққизинчи байтда Тангрининг сарв дарахтидек тик қоматли гўзалларни малоҳат билан яратгани айтилади. Бу ерда ҳарфий санъат ишга солинган. Чунки бу мисралар моҳиятига етиш учун ўқувчи “алиф” ҳарфининг тик таёқча шаклида ёзилишини кўз олдига келтириши керак.

*Қаноатнинг далилин инзиво қилдинг яна бир ҳам,  
Далил ушбуки, қонъ ҳарфидин халқ айладинг анқо.*

Мазкур байтда қаноат, қонъ сўзлари воситасида иштиқоқ (ўзақдош сўзларни қўллаш) санъа-

ти яратилган. Ҳатто анқо сўзида ҳам айнан қонъ калимасидаги ҳарфлар иштирок этади. Бу ерда муаллиф зимдан сўфийларни ҳам кўзда тутяпти. Чунки тасаввуф аҳли учун қонъ, яъни қаноат – бирламчи талаблардан ва гўшанишинлик ҳам уларга хос хусусият.

Ўн биринчи байт хулоса янглиғ жаранглайди:

*Навоий қайси тил бирла сенинг ҳамдинг баён қилсун,  
Тикан жаннат гули васфин қилурда гунг эрур гўё.*

Шу тариқа Оллоҳ мадҳида ҳар қанча таъриф-тавсиф қилинмасин, шоирнинг худди тикан жаннат гули таърифида гунг бўлганидек сўз тополмай, ҳаммиша лол қолавериши айтилган. Лирик қахрамон Яратган олдида ўзини бир ожиз зарра янглиғ ҳис этади.

**Зиёда ҒАФФОРОВА,**

*Тошкент Амалий фанлар университети  
доценти*

## Hofizlar darg'asi

Фарғона кўшиқчилиги мактаби хусусида сўз борганда биринчилардан бўлиб Муҳаммад Сатторов номи фахр билан тилга олинади. У 1885 йили Марғилон атрофидаги Садда қишлоғининг Сўкчилик маҳалласида туғилган. Айримлар отаси ҳам хонанда бўлганини айтса-да, аммо маҳалла аҳли унинг қосиблик билан шуғулланганини таъкидлайди. Кейинчалик машхур ҳофиз сифатида ном қозонгач, Муҳаммадни одамлар “Маматбобо”, “Мамадбобо”, асосан, “Маматбува” деб атаган.

Юсуфжон қизиқ Шакаржоновнинг хотираларига кўра, Маматбува туғилганида шундай йиғлаган эканки, овози бутун Сўкчилик маҳалласини тутиб кетган, каттаю кичик Саттор аканинг уйига чопиб борган экан. Яна Юсуф қизиқ таъбири билан айтганда, болакай Муҳаммадни кечқурун онаси алла айтиб ухлатар, эрталаб отаси ялла айтиб уйғотар эди.

Булғуси ҳофиз олти ёшида отадан етим қолади. Болалигидан тенгқурлари билан базмларга бориб, ҳофизларнинг ашула ва кўшиқларини эшитиб юради. “Кунлардан бир куни зўр тўй базмига бориб қолдим, – деб ҳикоя қилган экан унинг ўзи. – Қарасам, катта ҳовлида майдон ўртасида гулхан ёқилган. Қирқинчи осма лампалар ярқираб турибди. Доиралар гумбурляпти.

Ҳофизларнинг кўшиқларини палос-кўрпачалар устида ўтирган катталар ҳам, деворларга “миниб” олган болалар ҳам завқланиб тинглаяпти. Мен ҳам деворга “миндим”. Хонандаларнинг кўшиқларини эшитганимда юрагим орзиқиб, ҳавасим келди. Мен шулардай кўшиқ айтсам, деб ният қилдим. Жума куни Юсуф қизиқнинг шериги бўлган Мамажон қори самоварига чиқдим. Бу чойхонада хониш қилиш мусобақаси бўларди. Йигитлар кўлимга патнис бериб, “Сен ҳам кўшиқ айт”, дейишди. Иккита кўшиқ билардим. Ўн уч ёшда эдим. “Алимқул” кўшиғини айтиб бердим. Овозим жаранглаб чиққанидан кўнглим кўтарилди. Кейинчалик Болтабой Ражабов ва Мақсудхўжа ҳофизларга эргашиб бошқа ашулаларни ҳам айта бошладим”.

У ёшлик чоғларида бўлиб ўтган йиғинларда Худойберди Устоз билан Тўйчи Мирзалардан ашула тинглаб, уларнинг ижро услубларидан баҳраманд бўлган. Машхур кўшиқчи шоир Ҳазинийдан ҳам таълим олган. Хусусан, “Чоргоҳ”, “Ушшоқ”, “Муножот” ашулаларининг патнисаки йўлларини айнан Ҳазинийдан ўрганган. Ўн тўрт ёшидан Марғилон атрофларидаги йиғинларда ўз ашулалари билан қатнаша бошлаган. Шу йиллари у “Жамшид”, “Хуноб” ва “Терма” ашулаларини айтиб юрган.

Ёш ҳофиз 1900 йилдан Фарғона водийсида танила бошлайди. Мадумар ҳофиз, Ҳамроқул қори, Мадалибек, Тўйчи ҳофиз сингарилар билан бирга кўргазма, сайил ва бошқа йиғинларга қатнашади.

Маматбува Сатторов Тошкентга биринчи марта келганини бундай ҳикоя қилади: “1912 йилнинг ёз фасли эди. Марғилондаги бир чойхонада ашула айтиб ўтирувдим. Бир мингбоши икки миршаб билан ўтиб қолди. Чойхонадаги ўтирган кишиларнинг ҳаммаси ўринларидан туриб, унга кўл қовуштирди. Мен ашулани бузгим келмади, ўрнимдан турмадим. Кейин мингбоши “Ўша ашулачини олиб кел!” деб, бир миршабни юборибди. Йигитлар “Қоч!” дейишди. Қочиб қутулдим. Горчаков станциясига чиқдим. Андижон – Тошкент поёзи билан Тошкентга келиб, вокзалга тушганимдан кейин “Қаёққа борсам экан?” деб гангиб турувдим, марғилонлик Раҳмат ака рўпара келиб қолди. У мени Қўштут маҳалласида Рўзи ака деганнинг чойхонасига олиб борди. Бир йилча шу ерда ашула айтиб юрдим. Кейин жўраларим мени Чорсудаги Шоюсуф ҳожининг такясига олиб келди-да, Тошкент санъатчиларидан Мулла Тўйчи ҳофиз, Шораҳим ака, Шожалил ака, Мирсоат ака, Низомхон акалар билан таништиришди. 1913 йил охирида мингбошининг амалдан тушганини эшитдим у Марғилонга қайтиб бордим”.

Таниқли ҳофиз Мусажон Орифжоновнинг айтишича, Хонободда уч кеча-кундуз давом этган мусобақада энг кўп кўшиқ айтиш бўйича Маматбува ғолиб чиқади.

1918 йили Марғилонда “Саное нафиса” (“Нафис санъат”) гуруҳи тузилади. Маматбува Сатторов, Юсуфжон қизиқ, Болта ҳофиз, уста Олим Комилов, Отахўжа Саидхўжаев, Қўзихон Мадраҳимов, Муҳаммадсаид чангчи, Йўлдош махсум найчи, Абдурахмон ғижжакчи, Жўрахон Султоновлар аъзо бўлиб киришади.

1923 йили Москвада биринчи қишлоқ хўжалиги кўргазмаси ташкил этилганда Ўзбекистон павильонидаги концертда атоқли санъаткорларимиз қатори у ҳам қатнашади.

1924 йили Қўқон шаҳридаги Худоёрхон ўрдасида Туркистон қишлоқ хўжалиги кўргазмаси очилади. Унда Маматбува Сатторов “Бир келиб кетсун”, “Кўп эрди ҳасратим, жоно”, “Қулин”, “Айладинг”, “Эй дилбари жононим”, “Адашганман” сингари ашулаларни айтиб, халқнинг олқишига сазовор бўлади.

Маъмуржон Узоқов, Жўрахон Султонов, Ҳожимурод Муҳаммедов, Исоқжон Ҳусанов, Саид-

музаффар Азимов сингари катта ашула усталаари Маматбувани ўзига устоз санаган.

Ҳофиз 1937 йили Москвада бўлиб ўтган Ўзбек санъати ўнкунлигида иштирок этган. Бироқ шу йили у “Босмачилик йиллари қўрбошиларга ашула айтиб бериб юрган” деган айб билан қамоққа олинган ва икки йилга яқин Фарғона қамоқхонасида ушлаб турилган. Яқинларининг “юқори”га қайта-қайта ёзишлари натижасида озодликка чиқарилади. Қамоқдан қайтиб келганидан сўнг атрофдагиларнинг унга ҳадиксираб муомала қилаётганини кўриб, Ёзёвон чўлига бориб, бироз вақт дала ишлари билан машғул бўлади.

Ихлосмандлари уни Тошкентга боришга кўндирганларидан сўнг у яна кўшиқ куйлай бошлайди. Кейинчалик Катта Фарғона, Жанубий Фарғона, Шимолий Фарғона каналлари қурилишлари, Оҳангарон кўмири кони очилишида ўз санъати билан хизмат қилган. Ўша кезлар Ҳабибий, Собир Абдулла, Камтар, Чустий каби шоирларнинг асарларини халқ ашулаларига солиб куйлаган.

Айтишларича, Катта Фарғона канали қурилишида ўз кўшиқлари билан халқимизга улкан хизматлар қилган Жўрахон Султонов ҳамда Маъмуржон Узоқовлар “Ўзбекистон халқ ҳофизини” унвонига тавсия қилинганда уларнинг иккиси ҳам бир овоздан бу мукофотни аввал устозлари Маматбува Сатторовга бериш кераклигини таъкидлаган. Шу тарзда у 1939 йили юртимизда биринчилардан бўлиб ушбу фахрий унвонга сазовор бўлади.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида у Янгийўл шаҳрида ташкил этилган Тошкент вилояти мусиқали драма ва комедия театрида ишлайди.

Маматбува кексайган чоғларида ҳам ёш ҳофизлардек кўшиқ айта олиши билан барчани ҳайратда қолдирган. 1969 йил қишининг аёзли кунларидан бирида Маматбува Сатторов маҳалла гузаридида йиғилганларга алламаҳалгача кўшиқ айтиб беради. Афсуски, маҳалла аҳлини эрта тонгда машхур ҳофизнинг жарангдор овози эмас, балки унинг уйдан чиқаётган йиғи товуши уйғотади...

Маматбува Марғилон шаҳридаги кўплаб улуглар мангу кўним топган Хўжа Порсо қабристонига дафн этилади.

**Нодиржон АБДУЛАҲАДОВ,**

*Фарғона вилояти педагогик маҳорат маркази  
профессори, тарих фанлари доктори*

## Sahnada daho siymosi

Ҳазрат Алишер Навоий Самарқандда Фазлulloҳ Абу Лайс мадрасасида таълим олгани маълум. Шунинг учун ҳам бу қадим гўша зиёлилари ҳамиша буюк шоир ва мутафаккир ижодий меросини ўрганиш ва тарғиб қилишни ўз маънавий бурчи деб билади. Бу борада Самарқанд вилояти мусикали драма театрининг алоҳида ўрни бор.

Дастлаб, 1926 йилнинг 15 апрелида шоир достони асосида Хуршид яратган “Фарҳод ва Ширин” мусикали драмаси саҳнага қўйилади (*Қодиров М. Навоий ва саҳна санъати. Тошкент, “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2000. 106-бет*).

1941 йили Хуршиднинг Навоий достони асосида ёзган беш парда, етти кўринишли “Лайли ва Мажнун” мусикали драмаси Собир Воҳидов режиссёрлигида томошабинлар ҳукмига ҳавола этилади.

1947 йили режиссёр Асрор Жўраев яна бир бор “Фарҳод ва Ширин”ни Комил Яшин сценарий-асосида саҳналаштирган.

1951 йили режиссёр Асрор Жўраев бошчилигида Уйғун ва Иззат Султон қаламига мансуб “Алишер Навоий” драмаси ижро этилади.

Театр Навоий мавзуси бўйича кейин узоқ даврлик танаффусни бошдан кечиради. 1992 йили режиссёр Абдукарим Тўйчиев “Фарҳод ва Ширин” мусикали драмасини саҳналаштирди. Кейин яна узоқ йиллар танаффус бўлади.

Орадан салкам чорак аср ўтгач, 2016 йили ёш драматург Шаҳбоз Файзуллаев Навоий достони асосида ёзган “Лайли ва Мажнун” асарини режиссёр Асқар Холмўминов саҳнага қўйди. Асар сажъ, яъни оҳангдошликка эга наср билан битилган. Муаллиф сўз мулкининг султони тилини саҳнага маҳорат билан кўчирган. Ҳаракат ва тилнинг уйғунлиги, албатта, ижрочиларнинг сўз туб моҳиятини англашида намоён бўлади. Мусикаларни ёш композитор Аяпберген Отегенов Навоий ғазаллари асосида яратган. Режиссёр тарихийлик ва замонавийликни ўзига хос тарзда уйғунлаштири олган.

2017 йили режиссёр Жўрабек Рўзметов Иқбол Мирзонинг икки пардали “Самарқанд сайқали” пьесаси асосида драма саҳналаштирди. Унда буюк зотнинг Самарқандда кечган ҳаёти, яъни айни кучга тўлган, илм олишга иштиёқи баланд даври тасвирланган. Навоийнинг “*Йиғитликда йиғ илмнинг маҳзани, // Қариллик чоғи харж қилгилани*” деган ҳикмати мавзусининг туб моҳиятини очиб беришга хизмат қилган. Драмада улуғ шоир шеърларидан унумли фойдаланилган. Асар қаҳрамонлари ўртасида қарама-қаршилик, яъни коллизия мавжуд. Аммо у конфликт даражасига чиқмаган. Бу ҳаракатларнинг ривожланиши, кескинлашувини бироз сусайтирган.

Томоша якунида Навоий:

*Мен қаерда бўлсам юрак ўрнида  
Олиб юражакман Самарқандимни.  
Шунда сайқал топди қалбим ва руҳим!  
Шунда жавоб топдим саволларимга,*

дейди. Бу хитоб шоир ҳаётида Самарқанд нечоғли муҳим ўрин тутганини ифодалайди.

Самарқанд вилояти мусикали драма театрининг бош режиссёри, маҳоратли ижодкор Шухрат Санақулов Шокиржон Муродов инсценировкаси асосида 2021 йили “Лисон ут-тайр” асарини саҳналаштирди.

Хуллас, Самарқанд вилояти мусикали драма театри саҳнасида Навоий сиймоси ва унинг асарлари турли даврларда ҳар хил йўналиш ва услубларда талқин этилган. Мустақиллик йилларида Навоий сиймоси ва унинг дostonларини саҳналаштиришда янги тамойиллар юзага келди. Бунда асар ғоясини очиб беришда рақс ва пластика, мусиқа ва овоз, технологик воситалар қўлланилмоқда. Шунингдек, режиссёрлар рассомлар билан биргаликда шартли-мажозий сценографияга эътибор қаратиб, миллий мумтоз асарларни замонавийлаштиришга ҳаракат қилмоқда.

**Чарос ҲАМИДОВА,**  
*Санъатшунослик институти  
таянч докторанти*

## SUMMARY

**History is my destiny. A conversation with Academician of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan Ahmadali Askarov. pp. 4-15.**

In Uzbekistan's scientific community, discussions about the origin and formation of the Uzbek people have been ongoing for a long time. The conversation with Academician A. Askarov primarily focused on this controversial topic. The scholar notes that there are three different perspectives on this issue. Specifically, archaeologists believe that the Uzbek people emerged four thousand years ago, while orientalists point to the Karakhanid era as the starting point, arguing that a nation's ethnogenesis is determined not by archaeological artifacts, but by written sources. The third group, consisting of writers and journalists, associates the emergence of the term “Uzbek” with the Shaybanid dynasty. The interviewee emphasized that the first perspective is closer to the scientific truth.

**Jaloliddin Safo. The Birth of a New World. pp. 16-23.**

Humanity has entered an era of unprecedented changes, unparalleled throughout its history. These transformations

are evident not only in technological advancements and climate fluctuations but also affect geopolitical relations, economic systems, human worldviews, and, most crucially, the meaning of human life. Innovations and reforms point to the emergence of a new world order. So what are the characteristics of this new world? The article provides a detailed answer to this question.

**Nodira Ofoq. The Great World. pp. 24-31.**

What is the heart? How can one sense it? At first glance, the question seems very simple and easy to answer. However, if we ponder more deeply, we must admit that our answer would consist of rather abstract, clichéd reasoning. Scholar N. Ofoq has presented her reflections, based on scientific research and life observations, about the heart, which the great thinker Alisher Navoiy called the “Great World.”

**Isajon Sulton. The Story of Batir Tengrikut. pp. 90-99.**

The name of one of the most powerful rulers in Turkic history, Batir Tengrikut, appears in modern sources in various forms such as Mete, Mode, and Modu. He lived in the Ordos region between present-day China and Mongolia from 234 to 174 BC. Batir Tengrikut managed to defeat the Chinese ruler Gaozu (Liu Bang) during his reign. The author of the article, having meticulously studied ancient written sources, provides a compelling account of Batir Tengrikut’s traditions of rule and glorious battles.

